

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

لِلْكَوَافِرِ وَالْمُعْتَادِ
لِلْكَوَافِرِ وَالْمُعْتَادِ

لِلْكَوَافِرِ وَالْمُعْتَادِ

Узб. 2

49

A - 50

А. АЛИЕВ, Қ. СОДИҚОВ



Узб. 2
49
A - 50
Мансаб Н
Узбек адабий тили
тариҳидан

1994	308	18.10.05	0-26
08.02.13	308	18.10.05	0-26
08.02.12	308	18.10.05	0-26
08.02.12	308	18.10.05	0-26

015 296
015 850

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
университетларнинг узбек филологияси
факультетлари талабалари учун ўқув
қўлланма сифатида тавсия этган



Тақризчилар: ЎзФА академиги Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори Б. ҲАСАНОВ

Муҳаррир: З. Аҳмаджонова

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

БХ — Билга хоқон битигтоши

ДЛТ — Маҳмуд Кошғарий. "Девону лугатит турк"

КТ (КТу, КТк) — Күлтигин битигтоши: у — улуғ битиг, к — кичик битиг.

Тұн — Тұньюқұқ битигтоши

ҚБ — Юсуф Хос Ҳожиб. "Қутадғу билиг".

ISBN 5-640-01721-X

A 0503020904—51 94
M 351 (04) 94

©"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1994 й.

"ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ" ПРЕДМЕТИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Ўзбек тили жумҳуриятимизнинг давлат тили деб қонунлаштирилиши халқимизнинг тарихий-маданий ҳастида катта воқеа бўлди. Бу ўзбек халқининг бирдан-бир ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан эди. Чунки ушбу долзарб масалани ҳал қилмасдан туриб, миллий сиёсатнинг тўла амалга ошиши, миллий тиллар қақидаги таълимотнинг ўзбек тили тарроғиётидаги ролини атрофлича, илмий асосда тушуниб бўлмайди.

Қонуннинг 19-бандида: "Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади", — дейилади.

Бу умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида "Эски ўзбек ёзуви ва тили", "Ўзбек адабий тили тарихи", "Ўзбек адабиёти тарихи" дастурларини ҳозирги талаб даражасида қайта тузишни, шунга мос дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қиласди.

Университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида "Она тили ва адабиёти" мутахассислиги бўйича "филолог, ўзбек тили ва адабиёти" дан малакали илмий ходим ва ўқитувчилар тайёрлашда "Ўзбек адабий тили тарихи" курси илмий-назарий, амалий, таълимий ва тарбиявий пәнамиятга эга. Чунки бу курс талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосий тараққиёт босқичларини, унинг лексик, фонетик ва грамматик тизимини чуқур ҳамда атрофлича тушуниб олишларига ёрдам беради.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети талабаларни тилимизда содир бўладиган турлича ўзгаришларни онгли равишда тушуниб олишларига ёрдам берибина қолмай, балки ҳозирги ўзбек тилини ўрганишда асосий восита бўлади.

Адабий тилимизнинг илмий ва сиёсий жаҳатлари ҳали кўплаб тадқиқотчиларга мұхтож.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предметининг вазифаси ўзбек (туркий) тилининг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлини тарихан ўрганишдан иборат.

Талабаларни ўзбек ҳалқи тарихи, адабиёти тарихи, ижтимоий фикр тарихи билан боғлиқ ҳолда адабий тилимизнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараённида, турли адабий жанрларда қўлланган умумхалқ тилидаги ифодалар ҳамда даврлараро пайдо бўлган тил услублари билан таништиришнинг ўзи предметнинг вазифасини белгилаб беради.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети талабаларга дастурда талаб этилган маълум тил фактлари хусусида билим бериши билан бирга, амалий жиҳатдан ёзувчи тили ва услубини таҳлил қилишга ўргатиш, мустақил илмий иш қилиш йўлларини эгаллашларига ҳам ёрдам бериши керак.

Ўзбек адабий тили тарихининг асосий текширув доираси ўзбек адабиётининг турли даврларида яратилган бадиий асарлар ва бошқа турдаги ёзма манбалар тилидир. Бунда бу давр бадиий асарлари тили бошқа давр бадиий асарлари тили билан bogлиқ ҳолда, қиёсланиб текширилади. Ҳалқ тили ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналари эса ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласи.

Умуман, тил тарихи курси ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек ҳалқи тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек диалектологияси, тилшуносликка кириш, услубият, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, ўзбек этнографияси, антропология, она тилини ўқитиш услуби каби фанларнинг маълумотларига суюнган ҳолда ўрганилади. Чунончи, этнография ўзбек ҳалқининг қайси уруғ ва қабилага мансуб эканлигини ўрганса, антропология ўзбекларнинг қайси ирқа алоқадорлигини, уларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганади.¹ Ўзбек адабиёти тарихи эса даврлараро адабий ҳаракатчилик ва бу ҳаракатчиликнинг йирик вакиллари, уларнинг ёзган асарлари билан таништиради.

"Ўзбек тили тарихи" курси ўзбек диалектологиясиغا ҳам суюнади, чунки шева материаллари ўзида қадимги сўз ва шаклларни сақлайди. Ана шу сўз, шакллар орқали уларнинг тарихий тараққиёт йўли аниқлаб олинади.

Тил тарихини ўрганишда ҳалқ тарихининг ўрни катта. Ҳалқ тарихида нимаики ўзгариш юз берса, у албатта тарихи озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир, энг ишмалю, тилнинг лугат таркибида, сўнгра фонетика ва грамматикада содир бўлади.

Юқоридагилардан ташқари адабий тилни тарихий-устубини томонидан ҳам ўрганилади. Бунда адабий тилнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда, тарихий-устубий тараққистининг даврлараро хусусиятлари таҳлил қилинади: солиний услуб, публицистик услуб, илмий услуб, ҳар турли ишмалар услуби ва шу кабилар.

Шундай қилиб, жумҳурият олий ўқув юртларида тартифлайдиган бу предмет талабаларга адабий тил тизимидағи ўзгаришлар, адабий тил типлари ва шаклларининг ундо муносабатлари ҳамда адабий тилнинг ижтимоий вазифаси тарихи ҳақида маълумот беради.

"ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ" КУРСИННИГ МАКТАБЛАРДА ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўзбек адабий тили ўз тарихи давомида узоқ ва мурakkab тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлишига қарашо, унинг тараққиёт йўли умумтаълим мактаблари ва орта махсус ўқув юртларида ўрганилмайди. Тилнинг тарихини ўрганиш ҳозирги тилнинг хусусиятини, унинг объектив тараққиёт қонунларини чукур ва атрофияни тушуниб олиш учун кенг имконият тудириди. Ганини ҳалқ яратади. Ҳалқнинг маданий ва умуман ижтимоий-тарихий тараққиёти ўз изларини биринчи галда таҳдиди қолдиради. Шу маънода:² "Тил ҳалқнинг маънавий, яхши асрларик ҳаётининг энг тўлиқ ва энг ҳаққоний йилномасидир".

Адабиёт сўз санъати бўлса, адабиёт тарихи адабий тилимизнинг ривожланиш тарихидир. Шунинг учун адабиёт тарихи борган сари тил тарихи билан яқинлашиб борини керак, кимёсиз физиология фан бўла олмагани келиб, адабиёт тарихи ҳам тил тарихисиз фан бўла олмайди деб ёзган эди А. А. Потебня.² Ҳақиқатан ҳам

¹ Ушинский К. Д. Таълим ва тарбия масалалари. Тошкент, 1959, 199 б.

² Мысль и язык. Одесса, 1922, С. 183.

адабиёт тил билан узвий боғлиқдир. Адабиёт тил заминидаги вужудга келади ва у билан боғлиқ ҳолда ривож топади.

Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. Адабиёт дарсларида тил асарнинг тоғий мазмунини очиб борувчи бир восита тарзидаги ўрганилади. Шу хилда ўрганиш адабий асарни чуқурроқ тушуниб олиш имконини беради.

Умумтаълим мактабларининг ўқув дастурида ўзбек адабиётининг тарихий даври — энг қадимги ёзма ёдгорликлардан то XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр ўзбек тили тараққиётининг ҳам анча мураккаб ўтмишини, турли тиллар билан муносабатини ўзида мужассамлаштирган эди. Ана шу хусусиятлар ўзбек тилида, унинг турли давларида яратилган ёдгорликларида акс этган.

Ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили адабиёт дарси давомида дарсдан ташқари консультация ва сұхбат пайтларида, тўғарак машғулотларида ўргатилиши мақсадга мувофиқ деб келинган. Гарчи асарнинг тили ва бадиий хусусиятлари ҳақида умумий бир хил қолипдаги гаплар бўлса ҳам асарлар тили учун маҳсус соат ажратилмаган.

Бунинг учун мактаб ўқитувчилари мавзуни ўтиш давомида тушуниш қийин бўлган сўз ва шакларни изоҳлаб бориши керак. Масалан: XI аср ёдгорликлари — Юсуф Ҳос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Кошварийнинг "Девону лугатит турк" асарлари ўтилганда қамуғ — ҳамма; өкӯш — кўп; ажун — дунё; ашыч — қозон; эдгу — эзгу, яхши, яхшилик; көрк — ҳусн, чирой (кўрк); чечәк — чечак, гул; қут — баҳт, саодат; билиг — билим; асығ — фойда; нән — нарса; йалавач — элчи; бор — ичимлик (май) ва ш. к.

XIV — XVI аср намояндаларининг асарларини ўтганда, масалан, Навоийнинг "Ҳайратул аброр", "Фарҳод ва Ширин" достонларида учрайдиган, ҳозирги кунда ўқувчилар тушуниши қийин бўлган ҳайрат — таажжуб; аброр — яхши кишилар; муалло — энг олий, энг аъло; фирдавс — жаннат, боғ; зийнат — кўриниш; гумроҳ — йўлдан адашган; пеша — ҳунар; ганж — хазина; раият — ҳалқ, фуқаро; гала — пода маъносига; шубон — чўпон; тоза — янги; ришига — ип; лаъли — қизил ранг маъносига; сафҳа — саҳифа; пир — устоз маъносига; улус — ҳалқ каби сўзлар изоҳлаб борилиши ва доскага ёзилиши запон.

Бобур асарлари ўтилганда омиқ — чуқур, Сайхун — Сирларё; Жайҳун — Амударё, сафо — тоза, чирой; самар — мева, натижা; умаро — амирлар; наботот — ўсимликлар; аргувон — қизил, ботшамол; гиёҳ — ўт; дийда — кўн; байдабон — тили ёмон, заҳар; пушта — тепа, чуст — маққон; кўҳ — тоғ; сарп — тожик (эроний); черик — ғизар ва ш. к. Бунинг сингари тушунилиши қийин сўз ва шакллар Турди, Гулханий, Маҳмур, Мунис, Муқимий, Фурқат, Завқий, Абдулла Қодирий, Ҳамза асарларида ҳам учрайди. Мактаб дарслик ва хрестоматияларида матн тарзида баъзи қийин сўзлар маъноси ёзилган бўлади. Бу ўқитувчининг ишини бироз енгиллаштиради. Ўқитувчилар тарзида олган олийгоҳларида ўзбек адабиёти тарихи ва табии тили тарихи предметларини яхши ўзлаштирган бўлсалар, ҳеч қийналмасдан мумтоз адабиётимиз матнларини таҳлил қила оладилар.

"Ўзбек тили тарихи" курси мактабларда она тили дарсни ўтишда ҳам асқотади. Масалан, сўз таркиби маъзусини ўтганда айрим сўзларни ўзак ва қўшимчаларга овратилганда, тил тарихи фактларига мурожаат қилишга тўғри келади: яшил < ёш + ил ; ёш + а = яша; қизил < қизи + и // қиз + ил; қиз + и + қ; қиз + и + гиши; қиз + и + гим + тир; ўрган < ўг + ра + и каби.

Юқоридаги мисолларда яшил сўзининг тарихий ўзаги оши дир. Қизил сўзининг тарихий ўзаги қиз // қизи сўзидир. Ҳозирги ўзбек тилимизда бу сўзлар яшил, қизил тарзида бир ўзак ҳолига келиб қолган. Ўрган сўзи асли ўран булиб, ўг — ақл (от). Солиширинг: ўгит — насиҳат, бироқ давлар ўтиши билан ўг истеъмолдан чиққан. -ра — фосъ ясовчи аффикс, -н — феълининг ўзлик дарражасини ҳосил қилувчи қўшимча. Сўзининг дастлабки маъноси "насиҳатга қулоқ сол", ҳозирги маъноси "билиб ол". Сўз, ўз тараққиёт тарихида маълум негиз тусини олгач, метатеза ҳодисасига учраган. Ўзакнинг охирги тонуши билан ясовчининг биринчи товуши "з ўринларини алмаштирган, яъни: ўран < ўрган. Бундай узгариш натижасида қадимги негиз бўлинмас ҳолга келган.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИННИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

- 1) ёзма обидалар — бадиий, тарихий, илмий асарларининг матнлари;
- 2) шева материаллари;
- 3) жой номлари;
- 4) киши исмлари;
- 5) ҳозирги ўзбек адабий тили материали.

аллари; 6) тарихий лингвистик лугатлар; 7) туркшуносликка оид ўзбек (туркий мисолли), рус ва хорижий олимларнинг тадқиқоту қўлланмалари ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда асосий манбалардир. Айниқса, ёзма ёдгорликларнинг матнлари тил тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Ёзма ёдгорликлар ҳақида алоҳида тўхтalamиз.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Агар тил маданият кўзгуси бўлса, халқнинг моддий, маънавий ва маданий савиаси, биринчи навбатда, унинг тилида намоён бўлади.

Ўзбеклар ўз тилларида (бир неча алифбода) жуда кўп бадиий, тарихий-филологик, жуғрофий ва бошқа ёзув ёдгорликларини яратганларки, улар ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек халқи маданияти тарихи тараққиётида ўзбек адабий тили улкан роль ўйнаган. Ўзбек (туркий) тилида даврлар оша ёзилган бадиий, тарихий, илмий ёдгорликлар умумхалқ тилининг энг яхши хусусиятларини ўзида сақлаган бўлиб, халқимизнинг қадимги маданиятини акс эттирган обидалар ҳам ҳисобланади. Бизгача етиб келган обидаларни кузатиш орқали халқимиз тарихи ва тилимиз тарихий тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўламиз. XI — XIV асрларда яратилган асарларнинг кўпчилиги туркий халқларнинг муштарак меросидир. Бунга Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадгу билиг", Маҳмуд Кошгариининг "Девону лугатит турк" (XI аср), Аҳмад Яссавий "Ҳикматлар" и (XI аср охири XII асрлар), Аҳмад Юнгакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" (XII аср охири XIII асрлар), Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Қутбнинг "Хусрав ва Ширин", Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий", "Наҳжул Фародис" (XIV аср), "Меърожнома" каби асарларни кўрсатиш мумкин.

Айниқса, XV асрнинг биринчи ярмида Лутфий, Атоий, Саккокий, Юсуф Амирий, Яқиний, Гадоийлар томонидан ривожлантирилган ва улуғ Навоий юксак чўккига олиб чиққан эски ўзбек тилимиз туфайли ўзбек адабиёти, фани, маданиятининг шуҳрати оламга ёйилди. XV асрда

Ўзбек адабий тили тарихи курсини ўрганишда тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатини қўлланма охирида келтирамиз.

Нишони на унинг сафдошлари бошлаб берган адабий тили аниқниги то XIX асрнинг II ярмигача ўз мавқесини сақлаб, павом этиб келди.

АДАБИЙ ТИЛ, УМУМХАЛҚ ТИЛИ ВА ШЕВАЛАР

Адабий тил тарихан шаклланган, сўз усталари томонидан қайта ишланган, сайқал берилган, меъсериал ва админалда киши фаолиятининг ҳамма соҳалари билан йиғланган бадиий-публицистик, илмий адабиёт тилидир. Нишончача қилиб айтганда, адабий тил барча ўзбеклар учун ишмуна бўладиган, умумхалқ тилининг энг яхши ифодадимоничлари мужассамланган тилдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида яшайдиган ўзбекларнинг миллий тилидир. Ўзбекларнинг бир қисми Қорақалпоғистон, Туркманистон, Қашқадарё, Қирғизистон, Тоҷикистон жумҳуриятларида, Афғонистонда, Уйғуристонда, Туркия ҳамда бошқа мамлакатларда яшайди.

Ўзбек адабий тили — ҳозирги миллий тил — умумхалқ тилининг энг юқори шакли.

Адабий тил — умумхалқ тилининг ёзма шакли. У ўз тарихини бизнинг замонамизгача етиб келган энг қадимги ҳама сёдгорликлар тилидан бошлайди.

Жонли тил — шева, лаҗжалар маълум ҳудуддаги аҳолининг сўзлашув тилидир. Бу тил ёзув билан таъминланмагани, маълум нормага туширилмагани, қоидалаштирилмагани, қўлланиш доирасининг чекланганлиги билан адабий тилимиздан фарқланади. Шундай қилиб, умумхалқ тилининг икки тармоғи бўлиб, улар адабий тил ва жонли тил (шева) кўринишидан иборат. Ўзбек тилининг кўпгина таркиби ва амалий масалаларини ҳал қилиш бевосита ишга ва лаҗжаларни ўрганиш билан бўғлиқ.

Жонли тил — тарихий ёдгорлик. Шу боис, шеваларда сөвланиб қолган айрим сўз ва шакллар ўзбек тили тарихи учун ишончли, муҳим манба ҳисобланади. Ўзбек шевалари адабий тилимиз таркибига кириб, унинг лугат бойлиги ва грамматик қурилишида бирлик ҳосил қиласди.

Адабий тил билан шевалар тўхтовсиз муносабатда бўлади. Адабий тил лаҗжа ва шеваларга таъсир этиб, уларнинг хусусиятларини яқинлаштириб борар экан, ўрни келганди, жонли тилдан озиқланиб, шевалардаги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради.

Маълумки, айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлар адабий тил ва луғатларда учрамайди, лекин лаҳжа в шеваларда мавжуд бўлади. Бундай вақтда уларни ҳо иккиласманмай адабий тилга киритишимиз керак. Масалан ўмған — кўкрак, одам ва ҳайвонлар кўкси. Эски ўзбектилида ёмған — от кўкраги; ёр — баландлик, тепалик. Хоразмийнинг "Мұҳаббатнома" асарида ёр сўзи баландли маъносида ишлатилган:

Буйурды өргэ шадырван урулды,
қадаң кәлтүрдиләр мажлис қурулды.

Үчә — орқа. Бу сўз эски ўзбек тилида орқа ва бики гўшти маъносида ишлатилган: Одил подшоҳ кўзгу ва банинг учасидир (одил подшоҳ ойнакнинг бети бўлса золим подшоҳ унинг орқаси — Навоий); фунчаси — сатани аёл, чўрна — 1) чўчқа боласи; 2) майда болалар маъносида. Бу сўзни Навоий ҳам ишлатган. Шилон — турли масаллиқдан тайёрланган оммавий овқат; текис — чиройли (аёлларга нисбатан қўлланади); асқатиш — фойдаси тегиш; арпабадиён — укроп тури, аниш (рус.); қилиқ — характер; сирғалиқ (Фарғ. тип шеваларда) — қулоқнинг пастки қисмидаги исирга осадиган ери (рус. мочка). Тошкент тип шеваларда солинчоқ; узангиллик ёки бебилчак — обекнинг юзи; настарин — сирень (рус.); хомумтоёқ ёки чатаноқ — оёғини кериб юрадиган одам; ўтиқ — ўтадиган жой, кечик — сувнинг саёз сридан кечиб ўтадиган жой (XI аср ёдгорликларида бу сўз кўприк маъносида ҳам қўлланилган); чўккала — лаганбардор; қалангғи // қалангҳи — кўпчилик орасида ўзини тута олмайдиган, енгил табиат, зиёфатларда тезда маст бўлиб қоладиган киши. Тошкент шевасида қалангғи-қасаниғи тарзида қўлланади; олим — олинадиган нарса; тўтра (тўлта) — ёғ қўйаси; бертмоқ (мертмоқ) — шикастланмоқ, лат емоқ; қилчи — сартарош (бу сўз Турди шеъларида ҳам учрайди); чекенак // чекенай — тирсак; хоса — юпқа оқ материал, дока, докапаранг ва ш. к. Хуллас, шеваларга, жонли сўзлашувга хос сўз ва атамлар адабий тилимиз лугатини бойитища шак-шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Адабий тилимиз лугатларыда учрамаган айрым сүз, атама ва ибораларни адабий тилга олиб кириб, уларнинг ҳуқуқини тиклашда, айниқса, ўзбек ёзувчиларидан Фитрат, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Ойбек,

Гулом, Абдулла Қаҳҳор сингариларнинг хизмати

Күнделік бадий асарларда ишлатылған ҳар бир диалекттегі көлгусида адабий тилде етакчи үрін әгаллайды маңында англашилмаслығы керак. Диалектизмлар бағыттағы адабият учун услугбий воситалардан биридей, холос. Анын тилини ўрганиш бириңчы даражадаги ақамиятта илмий масала бўлиб, асар тилини ўрганиш асардаги қодисалар, ҳодисалар рўй берган давр тилини ҳам мурасидишишди.— деб ёзған эди академик Виноградов.

адабий тил" ва "бадиий адабиёт тили" атамалари
арига яқын тушунчалар бұлиши билан бирга, ҳамма
дәм мос түшмайды. Бадиий адабиёт тили умумхалқ
таражқиёт қонуналарига бүйсунади, матбouт тили
жанған адабий тилге ва сұзлашув тили ҳисобланған
тилге асосланади. Қайсики, ёзувчи ҳастий
тарии тасвирллаганда, образ яратғанда, асосан, адабий
іфода воситаларидан, жонли тилдаги шева шаклла-
ни, касб-хунарга хос атамалардан ҳам кенг фойдала-
ды. Бинобарин, бадиий адабиёт тили адабий тилге
жанғала кенг қамровлидир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиетининг барча йўллари билан узлуксиз боғланган. Бу ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда катта аҳамиятга

Маплумки, ўзбек халқи тарихининг қадимги даврлари
нишни ўрганилмаган. Бу даврларда яратилган ёзув ёдгор-
ларни ва уларнинг тил хусусиятлари ҳам ҳозириғи фан-
ни магандашадиган. Шунинг учун
мактабни ёзув анъанасига эга бўлган тил тарихини давр-
нишириш масаласи анча мушкул. Туркшунослар тасниф-
нишни турли-туманлиги ҳам фикримиз далилидир.

Адабий тил тарихини даврлаштиришда асосий сифаттарини, хусусан, фонетика ва морфологияда содир улган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Кадимги ёдномалар қайси алифбо асосидаги ёзувда яратишдан булиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Абдуллаев Ф. Ўзек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир
УГА, 4, 1977.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда ру туркшунослари В. В. Радлов, Ф. Корш, А. Н. Самойлович, В. А. Богородицкий, С. Е. Малов, Н. А. Баскаковлар нинг таснифлари катта аҳамият касб этади. Булардан айримларини намуна учун келтирамиз:

I. В. В. Радлов туркий тилларни тўрт гуруҳга бўлади:
1. Шарқий гуруҳ (Сибирь татарлари тили). 2. Ғарбий гуруҳ (қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар тиллари...). 3. Ўрта Осиё гуруҳи (ўзбек, уйғур тиллари). 4. Жанубий гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк, қирим татар тиллари).

II. А. Н. Самойлович Радлов ва Корш таснифларини бирлаштириб олади. 1. Жануби-Шарқий ёки чигатой гуруҳига ҳозирги уйғур, ўзбек тилларини ва диалектларини киритади. 2. Жануби-Ғарбий ёки ўғуз гуруҳига ўзбек тилининг ўғуз диалектларини киритади.

III. С. Е. Малов таснифидаги янги турк тиллари гуруҳи ўзбек, чигатой тилларидан таркиб топган.

IV. Н. А. Баскаков таснифида турк тилларининг Ғарбий хун тармоғининг қарлуқ тиллари гуруҳига: а) қарлуқ-уйғур гуруҳи; б) қарлуқ-хоразм гуруҳи киради. Бунга қораҳоний-хоразм (Аҳмад Яссавий асарлари) тили, ҳозирги ўзбек тили ва диалектлари, ҳозирги уйғур тили ва диалектлари киритилган (бунда айрим лингвистик белгилар ҳисобга олинган).

V. В. А. Богородицкий (1921) таснифида Ўрта Осиё гуруҳига ўзбек, уйғур (таранчи диалекти), қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларини киритилган (халқларнинг худудига қараб тузилган).

Юқоридагилардан Н. А. Баскаков таснифи туркий тилларнинг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи, асосан, 1940 йилдан бошланди.

I. Геша Ҳаким ўғли Салимов 1940 йилда тузган "Ўзбек тили тарихи" дастурида тилимиз тарихини қўйидагича даврлаштирган:

1. Қадимги даврда Ўрта Осиё адабий тиллари (VIII асрдан XIV аср ярмигача).

2. XIV аср адабий тили.

3. XV — XVI асрларда адабий тил.

4. XVII — XIX асрларда адабий тил тараққиётни.

5. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек адабий тили.

6. Ўзбек адабий тили тараққиётida янги давр (ҳозирги замон ўзбек тили).

1948 йилда тузган "Ўзбек тили тарихи" дастурида:

1. Ўрта Осиёдаги қадимги тиллар ва ёзувлар (VIII — XI асрларга).

2. XI — XII асрларда қадимги турк адабий тили.

3. XIII — XIV асрлардаги адабий тил.

4. XV — XVI асрларда ўзбек адабий тили (темурийлар асрларига адабий тил).

5. XVII — XIX асрларда ўзбек адабий тили (мустам-даурида ўзбек адабий тили).

6. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Ўзбек тили тарихини даврлаштиришга оид маҳсус номлар 1950 йилда тилшунослик соҳасидаги мунозардан юзага келди.

II. Фахри Камол 1952 йилда "Ўзбек миллий тилининг ташкил тониши ва тараққиётни" мақоласида тил тарихини кўйинлаги босқичларга бўлади:

1-босқич — У асрларда бўлган даврда уруғ-қабила ха-
ракетларига эга бўлган тил; 2-босқич — V-XI асрларда халқ
элементларига эга бўлган қабила тили; 3-босқич —
XI — XII асрлардан Октябрь инқолобигача бўлган даврдаги
миллий тил элементларига эга бўлган халқ тили; 4-босқич —
Октябрь инқолобидан кейинги ҳозирги миллий тил.

Бу даврлаштиришда Фахри Камол тил тарихини халқ тартиби билан боғлаб ўрганишни олға сурса ҳам амалда
бу даврлаштириш халқ тарихидан узилиб қолади.

Ф. Камол 1953 йилда "Ҳозирги замон ўзбек тили"
номида даврлаштиришнинг янги таснифини беради.
Бунда иона умумхалқ тилининг тараққиёт босқичлари ва турли ёзув тизимлари билан адабий тил алоқасини
изларда тутиб, уч асосий даврга бўлади:

1. Қадимги турк адабий тили. 2. Эски ўзбек адабий тили. 3. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Бу даврнинг
көс ҳусусиятлари кўрсатилмайди.

III. Т. Салимов таснифи (1952). Бунда Т. Салимов
тили тарихини даврлаштиришда мезон сифатида
турк тилларида яратилган асарлар, тилшунос-
ларидаги асарларни асос қилиб олган.

I давр — XI асрдан XVIII асрларга яшаб ижод қилган
Миръумуд Кошгарий, Алишер Навоий, Ибн Муханна, Мирза
Мақдункон каби туркшунослар фаолияти билан боғланади.
II давр — XIX аср бошларидан то XX аср чорагигача

бўлган даврлар бўлиб, бу даврни Т. Салимов қиёсий-тарихий тилшуносликнинг, яъни тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш услубининг ривожланиши билан боғлади. Завор — XX асрнинг биринчи чорагидан то 1950 йилгача бўлган давр бўлиб, бу даврни муаллиф академик Н. Я. Марр ва унинг издошларининг фаолиятлари билан боғлади. 4-даврни эса тилшуносликка оид И. В. Сталин асарларининг яратилиши билан боғлади.

IV. А. М. Шчербак таснифи (1953):

1. Энг қадимги давр ўзбек адабий тили (Х — XII асрлар).

2. Ўрта давр ўзбек адабий тили (XII — XVI асрлар).

3. Янги давр ўзбек адабий тили (XVII — XIX асрлар)

4. Энг янги давр ўзбек адабий тили (XIX аср охири ва XX аср бошлари).

V. Олим Усмон таснифи (1957):

1. Турк хоқонлиги даврида қадимги тугю турк тили (VI — IX асрлар). (А. VI — VIII асрлар; Б. VIII — IX асрлар).

2. Қадимги ўзбек тили (IX — XII асрлар).

3. Эски ўзбек тилининг илк даври (XIII — XIV асрлар).

А. Шарқий адабий тил анъанаси ва унинг таъсири ("Ҳибатул ҳақойиқ", "Қиссанасул анбиё", "Тафсир").

Б. Ғарбий адабий тил анъанасининг вужудга келиши ва унинг таъсири доираси ("Муҳаббатнома", "Хусрав ва Ширин").

4. Эски ўзбек тили (XIV асрнинг охиридан XIX аср II ярмигача).

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

А. XIX асрнинг II ярмидан Октябрь инқилобигача бўлган давр ўзбек адабий тили.

Б. Ҳозирги давр ўзбек миллтий адабий тили.

VI. F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров таснифи (1973):

1. Энг қадимги туркӣ тил (VII асрчага).

2. Қадимги туркӣ тил (VII асрдан XI асрчага).

3. Эски туркӣ тил (XI асрдан XIII асрчага).

4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асрчага).

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

VII. У. Турсун, Б. Ўринбоев таснифи (1982):

I. Илк давр ўзбек ҳалқ тили (X асрдан XIV асрнинг ярмигача бўлган давр).

II. Ўзбек ҳалқ тилининг такомиллашиш даври (XIV охиридан XIX асрнинг II ярмигача).

III. Миллтий тил элементларининг пайдо бўлиши, шаклларини ривожланиши давридаги ўзбек адабий тили (XIX охиридан II ярмидан ҳозирги қунгача бўлган давр).

VIII. Фазилов таснифи (1977):

A. Туркӣ тиллар учун муштарак бўлган обидалар — ярнишни биринчи чораги.

B. Ўзбек туркӣ ёдномалар — IX — XII асрлар ("Қутадғу", "Девону лугатит турк", "Ҳибатул ҳақойиқ").

C. Гарбий олди ўзбек тили — XII — XIV асрлар (Манбалари "Тафсир", Сайфи Саройи — "Гулистон бит-турк", "Муҳаббатнома", "Хусрав ва Ширин", "Наҳжул курон" ...).

D. Илк ўзбек тили — XV — XVI асрлар (Манбалари Аҳмад, Ҳўжандий, Атойи, Саккокий, Бобур, Набиев).

E. Ўрта ўзбек тили — XVII — XIX асрлар. (Манбала — Рӯб Чингий, Ҳоккор, Абулғозий...).

F. Янги давр ўзбек тили — XX аср (Ҳамза ва унинг ташвишилари — миллтий ўзбек тилининг асосчилари).

G. Ф. Абдуллаев таснифи (1977):

A. Туркӣ тиллар тарихининг энг қадимги даври (V — VII асрлар).

B. XI — XIV асрлар:

1) Биринчи босқич — "Қутадғу билиғ", "Девону лугатит турк", XI — XII асрлар.

2) Иккичи босқич — Ўрта Осиё, Қозогистон, Волга борборида кўплаб ёзув ёдгорликларини ўз ичига олади (XI — XIV асрлар).

C. XV асрдан XIX асрнинг ярмигача бўлган давр ўзбек тили.

D. XIX аср ярмидан XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр ўзбек адабий тили.

E. XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг 20-йилларигача;

F. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

G. Ҳозирги давр ўзбек тили тарихини даврлаштиришни таснифлари тўлалигича ҳозирги талабга жавоб беради. Уларнинг кўпчилигига "эски ўзбек адабий тили" дечи билан "эски туркӣ адабий тил" босқичи қоришади юборилади. Ўзбек миллтий адабий тили, 1905—1917

ярнишни ўзбек адабий тил ташвишилари.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда Ф. дуллаев, О. Усмон ва А. Шчербак таснифлари тил раққиёти қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда тузи.

Биз ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришга таснифлардан фойдаланиб ва шу курсни ўқити жана нига түпланган тажрибаларга асосланиб, қўйидагича лаштириш таснифини таклиф этамиз:

1. Энг қадимги туркий тил (V асртагача).
2. Қадимги туркий адабий тил (V—X асрлар).
3. Эски туркий адабий тил (XI асрдан XIV аср ярмигача).
4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрнинг II ярми XX асрнинг бошларигача).
5. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИД БОШҚА СИСТЕМАДАГИ ТИЛЛАР ИШТИРОКИ

Ўзбек адабий тилининг тарихий тараққист давр назар ташласак, ўзлашган сўз ва шакллар турли ларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб кел. Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тариф шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўгул, рус, уйғур топорқали хитой тилидан кириб ўзлаштирилган сўзлар иборатидир.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғати фақат сўзларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллар олинган сўзлар ўша тилда ё ўз шаклини қандай бўла шундайлигича сақлайди, ёки унинг табиати, грамматикалиши, сўз ясалиши, имло ва талаффуз қоидалари уйғуналашади.

Ўзбек адабий тили ва шеваларига бошқа тиллари кирган сўзлар ҳам сўзлашув тили, ҳам китобий орқали ўзлашган. Агар бу фикрни арабча сўзларга сбатан қўлласак, у вақтда адабий тилимизга арабча сўз кўпроқ китобий тил ва тожик-форс тили орқали, шунингдек, оғзаки нутқ орқали кириб ўзлашганини курашади. Ўзбек шевалари луғат таркибига эса асосан оғзаки сўзлашув орқали кириб келган.

Айрим ўзлашган сўзлар тилимизга шу даражада синкетганки, унинг қайси тилдан кириб ўзлашганини аниқлаш жуда қийин. Масалан: ўзбек тилидаги *павкар*, *гул*, *шоти*, *имло*, *феъл*, *синф*, *идора*, *дарс*, *ини-*

иби

иби. Булардан лаб сўзи асли ҳинд-европа көс булиб, биз уни тожик тилидан ўзлашган таркиб келмоқдамиз. Солиштиринг: *лабиат*, *лабиали-ишишанализация*.

Миги туркий ёдгорликларда бу сўз ўрнида *тұтақ* ишлатилган (*тұт* + - *ак* ~ дуд + - *ак*). Бунинг таркибидан ўгуз түркчига киравчи тиллар ва шеваларни ўзир кенг қўлланади.

Иншакар сўзи ҳам қам қенг ишлатилган.

Нинкар сўзи барча лугатларда тожикча-форсча сўз деб бўлсан. *Навкар* сўзи мўғул тилининг қадимги таркибидан булиб, "аскар, хизматкор, мулозим, куёвни сингари маъноларда ишлатилди. Қиёсланг, *навкар* — куёв + *навкар* — куёвни келиннинг ўйига курувичи куёв жўралар; *Раис* дага беги эмас, дала (Онбек). В. Радлов *навкар* сўзини чигатой тилида таркиматчи, солдат, амалдор маъноларини билдирган ишланди (Рдл., III, 695).

Олтин сўзи қадим зар (золото) маъносида туркча *ал* ва хитойча *түн* // *түң* — мис сўзларидан таркиб булиб, қизил мис маъносини билдирган. Қиёсланг, тилининг Хоразм шеваларида *түнч* // *түнчга* — шевални кичикроқ чой қайнатадиган идиш. Олтин сўзи таркибидаги олттиш эса, *алтын* — олдинги, *алтынчаги*, қўйи паст текисликдаги маъноларини таркиб ишланган туркий сўздир. Лекин бу сўз ўз-ўзидан ўхшаш авви учун уни "золотая орда" тарзида таржима қилиб калаб келгандар. Асли Қўйи ўрда — пастликка, қўйиликка шевалашган ўрда, қароргоҳ (бу шаҳарнинг ўзи ҳам таркибидан қўйи, паст қисмига ўрнашган) номи билан ишланди. Қиёсланг, Олтин ўрда — Сирдарё шевалари таркибидаги қишлоқ номи.

Шоти сўзи тожикча-форсча булиб, унинг туркчаси *чепчиш*. Шоти сўзи ўзбек тилига уйғур тили орқали хитой таркибидан утиб, Фарғона водийсидаги ҳамма шеваларда ишлатилди. Имло, феъл, синф, идора, дарс сўзлари таркибидан кирган. Шиша ва астойдил (< аз таге дил>) таркибидан тожик-форс тилларидан ўзлашган.

Жавон — шкаф, комот-жавон (< хитойча *цзабань* < пин — ром, чорчўп + бань — тахта). Қиёсланг, уйғур тилида *жавон* — полка. Бу сўз уйғур тили орқали хитой тилидан ишланди (*жавон* > *жавон*) ва ш. к.

Ўзлашган сўзлар тилимизда товуш ва маъно жиҳатда ўзгартирилиб қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *саржин* — узунлик ўлчови русча *сажень* (2—2,5 метрга тенг) — русча *поднос*; *дармон* ўзбек тилида, асосан куч-қувват маъносида, шунингдек, дори ва кўчма маданий маъноларида ишлатилади. *Тожика* — дори ва кўчма маънода; *бедов* (бедов от) — арабча бадавий; *Ахмар* — киши исми, арабча — қизил. *Бария* — аёллар исми, арабча *барийя* — чўл, саҳро, биёбон ва ш. к.¹

Ўзлашган сўзларнинг маълум қисми давр ўтиши билан ўрнини бошқа сўзларга беради ва муайян тил луғатидан архаик ёки тарихий сўз сифатида чиқиб кетади. Масалан илм-фанга оид жуда кўп арабча атамалар 1940 йилгача "интернационал" атамалар билан алмаштирилди. Биринчидан 1989 йилгача, яъни ўзбек тилига давлат мақоми берилгунга қадар тез суръатлар билан давом этди. Ўзбекчи сўз ва атамаларни алмаштириш масаласига, хусусан руслаштиришга ижобий масала, прогресс деб қаралган бўлса ҳам, аслида тилимиз табиатини ўқотишга, унинг ўзлигини унтишга яқинлаштириб қўйилган эди.

Ўзбекистон жумҳурияти давлат тили ҳақидаги қонунинг 19-моддасида: "Ўзбек халқининг илм-фан тилини тақомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади", — дейилган.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда чиқадиган рўзнома, ҳафталик, ойномаларда, радио ва ойнаижаҳонда сўз, атама ва ибораларни қўллашда ҳар хиллик, бошбон доқлик юз бермоқда. Шу билан бирга, сўз қўллашни бағишлиланган мақолаларда ҳам бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Қувонарлиси шуки, қўпчилик мақола муаллифлари тилимизнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда иштутмоқдалар.

Сўз ва атамалар ишлатиш эркин бўлиши керак. Яқин-яқингача домла — ўқитувчи маъносида, фаол — актив, талаба — студент, хонадон — квартира, бекат — станция, остановка; режа — план, фоиз — процент, таом нома — меню, ташрифнома — визитная карточка, бадан

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларини доир. Тил ва адабиёт институти асарлари. Тошкент, 1949, 80-102 б. Шаобдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари Тошкент, 1962, 213-220-б; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I, Тошкент, 1966, 172-173-б; Ўзбек тили лексикологияси (тўплам). Тошкент, "Фан", 1981, 94-ва ундан кейинги бетлар.

— филология, дорилфунун каби сўзларни ишлатишга қаршилик қилиб келинди.

Ўзбек адабий тили луғат таркибидаги ўзлаштирилган тарни таҳминан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Тоҷикча сўзлар

Арабча сўзлар

Монголча сўзлар.

Хитойча сўзлар.

Руши-европача сўзлар.

ТОЖИКЧА СЎЗЛАР

Ўзбек ва тоҷик халқлари жуда узоқ даврлардан бери тарни таҳминан қуйидаги мунисабатда бўлиб келмоқда. Улар ўтмишда тарни таҳминанда йирик қурилиш иншоатларини яратганлар, тарни таҳминанда қарши жанг қилганлар, оиласиб ҳаёт кепарсанлар ва маданий ёдгорликлардан ҳамкорликда фойдаланалир.

Б. Г. Гафуровнинг ёзишича, ўзбек ва тоҷик халқлари тарни таҳминанда иқнинлик милодий УІ асрдан бошланган.¹

Ноҳи халқ ўртасидаги бу ижтимоий алоқалар бизнинг тарни таҳминанда янада мустаҳкамланди.

Ўзбек ва тоҷик халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарни таҳминанда уларнинг тилларига таъсир этмай қолмади. Ноҳоади тоҷик тилидан ўзбек тилига кўпгина сўз, сўз тарни таҳминанда турли иборалар ўтиб ўзлашади. Шу билан ўзбек тилидан тоҷик тили ва унинг шеваларига тарни таҳминанда сўз ва иборалар, аффикслар кириб келган.

Ўзбек тилининг луғат таркибида майший ҳаёт, касб-иада, адабист-санъат, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар, қишлоғларни, табиат ҳодисалари, вақт, масофа, ўрин-жой тарни таҳминанда соқаларга оид тоҷикча сўзлар учрайди.

Қуйидаги мисолларни солиштиринг.

Роҳик тилида	Ўзбек тилида
анор	анор
баҳор	баҳор, кўклам
оғиз	ожиз, кўр, кучсиз
лоғим	лоғим, иштон

¹ Гафуров Б. Г. История таджикского народа. М., 1952, С. 99-110.

<i>Тожик тилида</i>	<i>Ўзбек тилида</i>
олуфта	олифта
лаган	лаган, тавоқ
пойғаҳ	пойғак
пайпоқ	пайпоқ
чалчиқ	чалчиқ, туриб қолган лойка сүр
чапғалат	шамғалат
арzon	арzon
бодом	бодом
дастархон	дастурхон
гулқанд	гулқанд, гул мұраббоси
себ	олма (пахта себ)
зардоб	зардоб
сабзазор	күкәламзөр, сабзазор
маргузор	маргузор, ұтлоқ
дәңчa	дәңчa, қозонча
навruz	навruz, янги кун
тезоб	тезоб, озот кислотаси, тез
устокор	уста, айёр
пардоз	пардоз
хоҳиш	хоҳиш
хазон	хазон
шұр	шұр, тузли, нордон
боло	баланд
гапхұр	гап ёювчи
акка	хакка, загизгон
хұнук	хұнук, совуқ
зиёд	зиёд (күп, ортиқ), киши исемi
кабұд	күк (чойи кабут)
муйчинак	мүйчинак
кулуда	кулала, юмалоқ, тұжанак
чорво (чаҳор + по)	чорва, чорва мудири
гардан	гардон, бўйин

Шарқорданғы төникча сўзлар, асосан, от туркумига, олар инфат, равини ва сон туркумларига оид бўлиб, бирек оли лугатига кириб, ўрнашаб қолган.

Маънунин, IX аср охирига келиб, Ўрта Осиёда араблар тарбияни сусая бошлайди. Ана шу даврда пойтахти Багдад шаҳри оларни сомонийлар давлати барпо бўлади. Сомонийларининг подшоҳи Исаомил Аҳмад Сомоний (910—920) ва унинг авлодлари 999 йилгача хукмронлик қилинди. Бу даврда тожик-форс адабиёти ривожланади. Тожик-форс адабиёти тили ҳам шаклланиб, мамлакат-жоний тилига, шеърият тилига айланниб, шуҳратни ташкил этиб. Тожик-форс адабиёти тили билан бир қаторда оларни бўлмиш араб тили кенг тарқалган эди. Тожик тилини дигорада негизида шаклланган тожик-форс адабиёти тили сомонийлар давлатига қарашли бўлган шунунадр, Афғонистон ва Эрон худудидаги ҳалқларни тилини бўлиб мустаҳкам ўрнашган эди. Проф.

Малисан бу ҳақда қуйидагича маълумот беради: «Тожик тилини бўлган тилини дарий тилини ташкилланади. Баронийлар ва салжуқийлар аслида туркий қабилали бўлсалар ҳам, улар сомонийлар традициясининг ишориб, дарий тилини давлат тилини ва адабиёти тилини қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларига, Шарқий, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ва Арменистон) га ва Ҳиндистоннинг шимолий районларига дарий тилини давлат тилини ва адабиёти тилини олиб кирдилар. Улар қарам қилинган ўлка тарбияни адабиёти тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Мисалан, салжуқий подшоҳлари ва уларнинг васалари Отарбайжонда шундай сиёсат юргизган эдилар. Учун ҳам улут озарбайжон шоири Низомий «Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида озарбайжонни она тилида — озарбайжон тилида ёзолмай, тоғлиқ ёзишига мажбур бўлганини ачиниш билан оғизланни эди».

Шундан қилиб, тожик-форс тили X—XV асрларда жуда широк тарбија ишларининг муштарак адабиёти тили бўлиб хизмат килиб кетди.

Бирто улуг Навоий яшаган даврда — Хуросонда ҳам ташкилланган тожик-форс аиънаси кучли эди.

Харбори адабиёти тилига тожик-форс тилидан кирган тарбияни мумтоз адабиётимиз номояндалари асарлари тарбияни хосдир. Масалан, Навоий асарларида кўпроқ

Бобур, Мұҳаммад Солиқ, Хожа, Мажлисий, Абуи Баҳодирхон асарларида нисбатан оз. Лутфий, Сакко Атойи каби Навоий зомондошларининг асарларида ўзлашган сўзлар ўз қатламга нисбатан оздир.

Тожикча сўз ва шаклларнинг ишлатилишида маънуслубий мақсад ва ўзича ижтимоий сабаблар бўлиши мумкин. Масалан, Навоий туркий ном билан эски ўзбек тилини тожик тили даражаси адабий тилга тенглаштиришни мақсад қилиб қўйғи. У ўзининг "Хамса", "Чор девон", "Мажолисун илф" "Мезонул авзон", "Маҳбубул қулуб", "Муҳокамат луғатайн" ва ш. к. ўттиздан ортиқ асарлари билан ўзбек адабиётни шуҳратини жаҳон ёди. Хўш, Навоий бу асарларини ёзишда адабий тилни қайси манбалар ҳисобига бойитди? Таниқли навоий Алибек Рустамовнинг фикрича, Навоий энг кўп фононган ва энг бой манба туркий лаъжалар бўлди. Иккита манба илмий рисолалар ва ўша давр зиёлларининг оғизи нутқи. Навоий асарларида учрайдиган тожикча ва араб сўзлар Навоий давридаги зиёллар тилида мавжуд бўлса деб тахмин қиласа бўлади. Чунки, оғзаки тилда ишлати маслиги аниқ бўлган ўзга тил элементлари Навоий тилни ҳам учрамайди. Туркий лаъжалардаги луғавий ва тюрокматик элементлар Навоий асарларида чегаралашма ҳолда, тожик ва араб тилларига оид элементлар чисто ланган ҳолда ўтган дейиш мумкин.

Навоий асарларида тожикча сўз ва ибораларни ҳаддан зиёд мўллигини Хурросон элининг икки тиллини билан ҳам изоҳлаш мумкин. Навоининг ёзишини "... туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бетини ча сарт (тожик-форс) тилидан баҳрамандирлар. Шундеки, ўз тирикликларига оид аҳволлар устида сўзлаша олурлар, балки баъзилари адабий равиша сўзлаша олурлар. Ҳатточи, турк шоирлари форсий тилда радио шеърлар ва ширин ҳикоялар юзага чиқара олурлар. Бунга ўхшаш хусусиятлар ҳозир жумҳуриятимизнинг бози шаҳар ва қишлоқларида ҳам кузатилади. Масаласи Бухоро, Самарқанд, Чуст, Косонсой, Риштон аҳолиси то тилда бамалол сўзлаша олади.

Инсоний ижоддаги икки тиллилик масаласи эса XIУ йилдан XX асргача давом этиб келди. Машҳур "Шоҳнома" достонининг муаллифи Ҳоразмийдан то Фиррат, Айний, Аширматгача бўлган ёзувчилар инсоний ижод этганлар.

Тифор тилидан кирган сўзларнинг муайян қисми тилини тараса сингиб кетганки, улар янги сўзлар ясашда интироқ этади ва ўзбекча шакллар қаторида интироқларни. Масалан: *йўл + а + ки - йўлаки*; *йўлаки зиёд* (тожик ўстидаги, енгил зиёфат). Қиёсланг, тожик тилида *харидор* (харидор); *декча* — қозончада шавла қилибди (тожик *декча*); *Тож. бардор* — бардор — ўзб. *қўтар*: *Ноз қилинган*, *қўтарса харидорингга* (мақол) ва ш. к.

Шундек, тожикча: *-хона*, *-парвар*, *-фуруш*, *-истон*, *-параст*, *-хон*, *-паз*, *-бон*, *-боз*, *-дўз*, *-гоҳ*, *-бон*, *-он*, *-шунор*, *-ваш* (маҳваш), *-ор* (харидор), *-вачча*, *-поя*, *-бони* морфемали сўзлар тилимизда кенг қўлланади.

Вон ва ҳозирги адабий тилимизда тожикча изофалар Себи Самарқанд дерлар ва анори Ҳўжанд (Себи Шобур); Кулдиради ҳалқни иши Майсара (Чустий); Гулбера (Гулбера), ғулибеор, Тарафи бозор, Богишамол, Монгомий (Жой номлари).

(туркий) тилдан ҳам тожик-форс тилига узоқ бери кўпгина сўз, морфема ва иборалар тасиниши тағин-شاҳзода, жасур (Фирдавсий "Шоҳнома" тарзидаги); чорӯқ (< сагоғ)— чориқ, оёқ кийими; сомақ (< somaq); қорақат (барбарис); тўп — тўп (пушка); милиқ; қўшин — қўшин; сочма — сочма (приклад); ҳатер (< қатыр) — хачир; саҳнан (призон); юзбоши (сотник); тўшак — тушак; элак — тумма — тугма; қошуқ — қошиқ; қайчи — қайчи; дўлма — дўлма; қаймоқ — қаймоқ; ёрлиқ — подшоҳ ёрлиқ; малика, хотун — малика; аёқчи — соқий; безак — кичак — кичик; газ — гоз; қотирма — қотирма; шаййцар; суртма — чана.¹ Еки Алишер Навоий "Муҳокаматул луғатайн" датаъкидлашича, тўппи, ёғлиқ, төрлик, бўза, совлиқ, яваш — ёваш, елка, қирор, арқон — арқон, қимиз, тутмоҳ, умоч, қўмоч, талқон — сўзлар сарт тилида бўлмагани учун уларни тарзидаги атагиллар.

1

Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Тошкент. 1940, 46-б. (билим алифбосида).

сўзи фақат "ўлик юувучи" (Тошкент шевасида йўғучи) маъносини билдиради.

Арабча сўзларнинг айрим фонетик ва грамматик белгилари марҳум профессор С. Усмоновнинг "Ўзбек тилининг лугат составида тоҷикча-форсча ва арабча сўзлар" мақоласида изчил ёритилган¹.

Ўзбек тилининг лугат таркибида шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларни қайси тилга тааллуқли эканини айтиш мушкул. Бу сўзларнинг таркиби ўзбекча + арабча, арабча+ тоҷикча, арабча + ўзбекча, арабча + тоҷикча + ўзбекча, тоҷикча + тоҷикча + арабча ёки унинг аксича тузилганини кўрамиз. Масалан: *атирнок* (ар. *атир* + ўзб. *нок*), уч *тaloқ* (ўзб. уч + ар. *тaloқ*), *касалванd* (ар. *касал* + тож. - *ванд*), *дуогўй* (ар. *дуо* + тож. *гўй*), *димоғдорлик* (ар. *димоғ* + тож. *лик*), *соатсоз* (ар. *соат* + тож. *соз*), *ҳасибхўр* (ар. *ҳасиб* + тож. *хўр*), *улфатчилик* (ар. *улфат* + тож. *чилик*), *бекарор* (тож. *бе* + ар. *қарор*), *ғайрли* (ар. *ғайр* + ўзб. *-ли*) ва ш. к.

Мўғулча сўзлар

Ўзбек тилининг мўғул тили билан алоқаси жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Ўзбек тилининг лугат таркибида XIII асрдагача ва ундан кейин кириб ўзлашган мўғулча сўзлар мавжуд: *Нарын* < нариин ингичка, тор, юқа маъносидаги от; овқат номи. Бу сўз мўғулчадан ўтган. Солиширинг: *Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини* (Бобур). *Норин дарёси* каби;

ўлтон — тагчарм, мол терисидан тайёрланган чарм: *Хом терини ийласанг ўлтон бўлур, Нафсини тийган одам султон бўлур* (Мақол). Мўғул тилида ул — подошва, подметка; шина; полозъя саней, основание, базис, основа; основательно; блок шестерни (МРС, 102). Маҳмуд Кошварийда *улдақ* — қўй оёғи. *Ўрда* < ўр — баланд, тепалик, юқорилик; ўрда — баландликка қурилган сарой, қалъа, қароргоҳ. *Ўрдукент* < ўр+ду+кент — тепаликка жойлашган шаҳар.

Навкар — аскар, мулоzим, хизматкор, куёв ўртоқлари маъноларида ишлатилади. Қиссланг, куёв *навкарлари*; *Раис* далабеги эмас, дала *навカリ*; улус < мўғ. улс — эл, халқ, кишилар (XIII аср); қўл остидаги мамлакат ва ш.к.

Туркий тиллар билан мўғул тилининг келиб чиқишига шарҳ ташласак, уларнинг қариндош тиллар эканлиги тарнили. Энг қадимги даврда ҳозирги туркий, мўғул, ўзбек манжур тиллари олтой тили оиласи таркиби кирсан. Илар кўп сонли уруғ, қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, бир-бирларига яқин лаҗжаларда сўзлашганлар. Олар оиласига кирган тиллар гуруҳлари у вақтда ҳали мумий эди.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида туркий ва мўғул тиллари ўзаро ажralиб алоҳида тараққий этганлар. Шунинг учун туркий ва мўғул тиллари ўртасида айрим фонетик фарқларни ҳисобламаганда, бир-бирларига ўхшаш анчагина бор. Буларни туркча-мўғулча ёки тиллар билан мўғулча сўзлар деб аташ мумкин. Ҳозирги ўзбек фикримиз янада ойдинлашади.

Ўзбек тилида	Мўғул тилида
ака	ах (а)
хотин	хатан
қуда	худ (// қуда)
божа	баз
овсин	ависан
тойлок (бўталоқ)	тайлоқ
ҳўқиз	ухор
буқа	бух
бурундуқ	бурунтағ
ғунажин	ғунж
қўй	хонъ
эчки	ишиг
арғимоқ	аргамак
така	тэх
қўчкор	хуц
бўй	бие
манглай	магнай
чирой	царай

¹

Кўрсатилган тўплам, 125 — 127 - бетлар.

<i>Ўзбек тилида</i>	<i>Мұғұл тилида</i>
сұым	соөм
қора	хар (а)
күк	хөх
құрут, құрт	хұруд
бұсаға	босго
жайрон	әэзрон
йұлбарс	барс
бұгдой	буудай
арпа	арвой
қорамуқ (чеченица)	хармаг
тегирмон	тәэрэм
муз	мөс
булоқ	булаг
денгиз	тәңәс
тұзон	тоосон
чоғ	цаг
эрта	эрт

ХИТОЙЧА СҮЗЛАР

Ўзбек адабий тили лугат таркибида уйғур тили орқали хитой тилидан үзлашған сұздар ҳам учрайди.

Тарихий манбалардан маълумки, ўзбек ва уйғур халқлари тилларининг ташкил топиши жараёни күп жиҳатдан бир-бирларига үхшайды. Ана шу нүқтаи назардан қараганимизда, бошқа түркii тилларга нисбатан, тил хусусиятларига күра ўзбек ва уйғур тиллари жуда яқин туради. Чунки бу икки тил әлат тиллари бўлиб шаклланишида бир манба — қарлуқ қабилалар уюшмаси тили — лаҗаси асос булган эди. Буни ҳозирги ўзбек адабий тили, хусусан, "уйғурлашған" — "умлаутли" шевалар материаллари ҳам тасдиқлайди. Академик К. К. Юдахин: "Ўзбек ва уйғур халқи орасидаги маданий алоқалар бизга қадим замонлардан маълум. Бу масала маҳсус адабиётларда бир неча марта қайд этилган. Қадимги түрк адабиёти ёдгорлиги "Құтадғу биліг" нинг (XI аср) фанда

шашқур бўлган уч қўллэзмасидан бири Намангандага топилган Наманганик Машраб (XVIII аср) асарлари ўзбеклар орнин тарқалгани каби уйғурлар орасида ҳам кенг өзгамда тарқалган эди. Ҳозир ҳам уйғурлар Эргаштом билан Қашқар йўлидаги девонни Машраб номи билан атайдилар. ... Ўзбеклар ва уйғурлар орасидаги бой маданий алоқа ва умумийликни кўрсатувчи мисолларни кўплаб кеттириши мумкин", — деб ёзган эди¹.

Уйғур тили орқали хитой тилидан үзлашган барча сұздар ўзбек адабий тили ва шеваларида қўлланади. Масалан: *басай* — овқатга солинадиган кўкат тури. Хитой тилида *байцай* — кўкат, карам (бай — оқ, цай — кўкат, сабжавот). Бу сўз уйғур тилида *бәсәй* шаклида ишлатилими. Қиёсланг, *Дятда басар* — тог саримсоқ пиёзи.

Сай — турпдан тайёрланган салат: *Сайни жуда боллабди*. Уйғур тилида: 1) карам ва қисман гўшт аралаштириб тайёрланган салат; 2) умуман кўкатлардан тайёрланган газак. *Нина* қиёсланг, уйғур тилида: *сай самса* — кўк сомса; *сайхана* сабжавот сақланадиган омбор (хит. *цай* — тож. *хона*).

Жусай — хушбўй, овқатга соладиган ва гарнир тарзида истеъмол қилинадиган кўкат. Қиёсланг, уйғур тилида *хусай* — хушбўй пиёз; *Лағман* — хамирни чўзиб ёки узун интичкароқ кесиб тайёрланган, юзига қайла солиб ёйладиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида *лағман* — хитойча *лянмянь*, *лян* — совуқ, *мянь* — угра, хамир. Буни айрим манбаларда тунгон уграси, гўшти угра ҳам дейилади.

Шиман — хамири юқа кесилган лагмон. Қиёсланг, уйғур тилида *шимән*. Хитойча *Симянь* (*си* — юқа, *мянь* — кесилган хамир, угра); *манти* — хамир орасига гўшт ёки қовоқ (баъзан картошка) солиб, туғиб парда пиширилган овқат. Уйғур тилида *манта*, хитойча *маньтоу*. Шугарларда "манти" сүзи крупные пельмени, варенные на пару — деб изоҳланади. Қиёсланг, *мантипаз*, *мантичи*, *манти қасқон*.

Мантар — хамирни тасмага үхшатиб кесилиб, сунг шаб шўрвасига солиб тайёрланадиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида *мәңпәр*, хитойча *манпәз*. *Хоштап* — хамир орасига қийма, қовоқ, картошка солиб, ўраб эти ва баъзан парда пишириладиган овқат тури. Уйғур

¹ Юдахин К. К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик. // СТАМ. Т. 1. 1958, 31 - 6.

тилида *хошаң*, хитойча *хошан* — блины с мясом. Буни бизда күпинча *хоним* дейилади. *Юто-ютоза*, хамирни ёйиб, ёғ суртиб воронка шаклига келтириб, парда пишириладиган овқат. Уйгур тилида *жутаза*, хитойча *ютацзы* (*ю* — ёғ, *та* — баланд, минора). Лугатларда *ютаза* — слоеный хлеб, выпекаемый на пару деб изоҳланган.

Чой. Хитойча *са*, *ча* — *чой*. Қиёсланг, чафан (ча — чой, фан — уй, хона) — чойхона.

Шийпон — далада дам оладиган усти ёпиқ жой (шашлаш, бесседка). Уйгур тилида *шипаң*, *шишпан*. Хитойча *сифан* (*си* — бўйра, қамиш, *фан* — уй, хона) — устига қамиш ёки бўйра ёпилган уй, чайла.

Лаза — янчилган гаримдорини ёққа қориб тайёрланган паста. Уйгур тилида *лаза* — қизил гаримдори. Хитой тилида *лацзы*. Қиёсланг, уйгур тилида *лазижан* — гаримдори пастаси; *лазидан* — гаримдори идиш.

Таван — патнус, баркаш маъносида. Хитой тилида *топань* (*то* — патнус, *пань* — тарелка). Уйгур тилида *тәвәк*, *пәттүс* тарзида қўлланади. Қиёсланг, Тошкент шевасида: *Нима таван қиб борас* — (тўй каби маросимларга) нима пишириқ қиласиз маъносида. Демак *таван* сўзи адабий тилда ва шеваларда *патнус*, *баркаш*, тогорада маросимларга олиб бориладиган пишириқ маъносида ишлатилади. Қиёсланг, *таванхона*.

Занг — занг урди, Уйгур тилида: *җаң* чалмақ. Бу сўз хитойча *чжан* — қўнғироқ, бонг маъноларидаги сўзлардан олинган. Қиёсланг, уйгурча *жанчи* — қўнғироқ чалувчи (занг урувчи). Бу сўз *чжан* + -чи тарзида ҳосил бўлган.

Жавон — шкаф, комод. *Жавончи* — жавон ясадиган уста, дурадгор. Уйгур тилида *жаван* — токча, шкаф; *жаванчи* — жавон ясовчи. Хитойча 1) *цзябань* — (цзя — рама, *бань* — доска); 2) *цзябань* — (цзя — скимать, *бань* — доска). Уйгур тилида *жаван* — хомутнинг ёғоч қисми, клемия маъносида ҳам қўлланади.

Жимбил — манти пишириш учун маҳсус тайёрланган темир решетка (манти қасқон ичилагини ҳам шундай дейилади. Қиёсланг, уйгур тилида *жимбил*.

Пўпуша — дўқ, қўрқитиш, юзаки дағдаға. Қиёсланг, уйгур тилида *попузга* 1) дўқ уриш, қўрқитиш, товлаш; 2) жанжал кўтариш. Яна қиёсланг, *попузачи* — жанжалкаш.

Чұталь — (хитойча *чота*) — чұтал; қимар, карта үйинларida ютган томондан олинадиган пул, улуш (про-

шт олиш). Уйгур тилида *чота*, *чотучи* — чұтал оловчи. Қиёслант, үзбекча *чұтальчи* — қиморда ютуқдан процент берчи.

Чапчани, чийламоқ — ўйин картасини аралаштироқ: чапчани яхшилаб чийлаб юборинг. Қиёсланг, уйгур тилида *шилимақ // чилимақ* — аралаштироқ: хитой тилида — картани аралаштириш.

Шот — этикдўз шони (сапожный клин). Уйгур тилида *шот*, хитойча *шан*.

Хади — беда, бичан, сомон қирқадиган маҳсус асбоб. Қиёсланг, Ғафур Ғуломда:

Беда тамаъида
Бўйинни чўзиб
Боши жоди ичра қолган
Эшаклай —
Манфур, чинқироқ
Овозингни радиодан
Ҳамма эшитди
("Мен яхудий" шеъридан).

Уйгур тилида *ҳаду*. Хитой тилида бу сўз асли *чжадио* — қирқмоқ, *дао* — пичоқ.

Жуҷунча — уст кийим учун 70-йилларгача кенг ишлатилиб келинган қалинроқ, оқ-сарғиши рангдаги ипак газимма. Хитой жуҷунчаси; жуҷун камзул; жуҷун шим каби. Қиёсланг; уйгур тилида чочунчя.

Шоти — нарвон. Бу сўз хитойча *шатанг* сўзидан шотиган бўлиб, Фарғона водийсидаги деярли барча шеваларда *шати*, *шоти*, шўти каби шаклларда кенг ишлатилиб.

Тай-тай — 1) болаларнинг дастлабки қадам босиши, шу юриш пайтида айтиладиган сўз: *тай-тай*, *тай тай* қилинг каби. Қиёсланг, хитой тилида *тайтай*; уйгур тилида *тәйтәйләтеп* мангузмақ — болаларни тайди ушлаб юргизмоқ.

2) *тайтай* сўзи хитой тилида (уйгурлар тилида ҳам) ишлатилиб, бека маъноларида ҳам ишлатилади.

Тайтима: 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида ҳозирги Эс-Софияда оёқлари болаларнинг оёғи сингари кичкина, лекин гавдали иштой аёллари турли рангдаги юға (хитой) қогозлардан ўйинчоқлар, шундай ва контоклар сотиншарди. Ана шу кичкина оёқли хитой аёлларни Тошкентда *тай-тай* деб атаганлар.

Юқоридаги хитойча сўзлар ҳақида қаранг: Уйгурско-русский словарь. М., 1939; Уйгурско-китайско-русский словарь. Цекин, 1952; түркско-русский словарь. М., 1968; Радимов Г. Р. Китайские элементы в современном уйгурском языке. М., 1970.

Ўзбек тили лугат таркибининг маълум қисмини рутили ва у орқали Европа халқлари тилларидан киргасўзлар ташкил қиласди.

Ўзбек ва рус халқи Октябрь инқилобидан илгари ҳақиқитисодий, маданий ҳаётда ўзаро муносабатда бўлинилган. Агар биз Ўрта Осиё хонликларининг Москву давлати билан XVI — XVII ва XIX асрларда олиб борга савдо ва дипломатик алоқаларига оид турли ёрлиқлаш элчилар мактублари, тарихий-илемий ҳужжатларига назар ташласак, ўрус, кноз, пут (пуд), дужна (дюжина), яши (ящик), самовар, конфут (конфета), патинус (поднос), лампа каби сўзларни ўзбек тилида қўлланганин кўрамиз.¹ Ушбу сўзлар кўпроқ сўзлашув орқали кирган учун фонетик ўзгаришларга учраб ўзбек тилининг ичкита тараққиёт қонунларига бўйсунганди.

Ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги муносабатлар XI асрнинг II ярмига келиб, яъни Ўрта Осиё рус мустамлакачилари томонидан истило қилингандан кейин кенг қулоғи ёди. Натижада ўзбек тилининг лугат таркибига савдо транспорт, молия, почта-телеграф, саноат, ҳарбий, матбурий, уй анжомлари, табобат, санъат-адабиёт ва бошқа соҳаларга оид кўпгина сўз ва атамалар ўзлаша бошлаганди. Бу сўзларнинг кўпчилиги русча ва у орқали ўзлашга Европа халқларининг тилига мансубдир. Масалан: поезд, вагон, вокзал, почта, телеграф, конфет, адрес, завод, фабрика, машина, вексель, банк, доктор, фельдшер, газета, генерал, губернатор, фонар, суд, солдат, пристань, дума, печь, лампа, поднос, тарелка, картошка ва ш. Ўзбек тили лексикасига рус тилидан кирган сўзларни аксарияти от туркумига кирувчи сўзлар ва қисман нисбий сифатлардан иборат бўлган. Юқорида келтирилган сўзлар ўзбек тилида айнан, фонетик ўзгаришлар билан ва калькхолида ишлатилиб келинган.

Айниқса, рус тилидан кирган сўз-атамалар Улуғ Вата уруши ва ундан кейинги йилларда ҳаддан ташқар кўпайиб кетди. Бу даврда ўзбек тилида ишларни

¹ Материалы по истории Узбекской, Таджикской, Туркменской ССР. Ч. 1, Л., 1933, стр. 418 — 440; Хива давлат ҳужжатлари. I, II Тошкент, 1960; Ҳамдамов Ж. Из истории русских заимствований в узбекском языке (вторая половина XIX в.), АКД, Ташкент, 1962, стр. 9 — 10; Оли Усмон, Ўзбекистонда рус тилининг илк тарбиботчилари. Тошкент, 1965—55-бетлар.

нилиб келган сўз-атамалар русчаси билан алмаширилиб куланаверилди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилishi муносабати билан жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг табиатини исобга олиб, янгиланмоқда ва эскилари қайтадан тиклаб кенг қўлланмоқда.

Хуллас, ўзбек адабий тилининг лугат таркибида ўзбекча — умумтуркӣ шу билан бир қаторда, тожикча-форсча, арабча, русча-европача, хитойча ўзлашган таркибининг ишлатилиши тилимизнинг луғавий бой ва турлакаб жараённи босиб ўтганилигини кўрсатади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ НОМЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбеклар иирик туркий халқлардан бўлиб, тарихий минбаларнинг гувоҳлик беришича, уларнинг ота-боболари Қадимдан Ўрта Осиё худудининг асосий аҳолиси бўлган. Ўзбеклар умумбашарий маданиятни яратувчи бошқа таркилар қаторида узоқ вақтлардан бери жаҳон маданияти қалинасига ўз улушини қўшиб келмоқда. Аждодларимиз инсониятга жуда кўп буюк фан ва маданият арбларини таъзизиб берди. Улар фан-маданиятнинг турли соҳаларида ишларни заковатлари билан инсониятни ҳайратда қолдиради.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, утмишдан то XIX асрнинг II ярмигача турк, сарт, чигатой ва ишқоят ўзбек атамалари билан юритилиб келган.

Турк атамаси ҳақида. Даставвал ўзбек халқи турк номи билан юритилган. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбекларгина эмас, Ўрта ва Марказий Осиёда яшайдиган барча туркий халқлар турк номи билан юритилган. Кумладан, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, Покра бўйидаги татар, бошқирд, чуваш; Кавказдаги озарбайжон, қумиқ, нўғой ва Сибирдаги олтой, хакас, тува, башкорт каби халқлар ҳам турк деб аталган. Уларнинг таркилари эса туркий тил дейиллган.

Турк атамасининг келиб чиқиши кўп олимларни таркитириб келади. Бунга бағишланган тадқиқотлар бўлишига қарамай, ҳалигача турк атамасининг келиб чиқиши масаласи аниқ ҳал қилинмаган. Турк атамаси ҳақида маълумотлар Шарқ манбаларида милодий VI асрдан, гарб манбаларида эса VII асрдан учрайди. В. В. Бар-

тольднинг фикрича, турк атамаси дастлаб сиёсий-ижтиомий маънони англатган. У қабилалар ҳарбий уюшмаси нинг номини билдирган. Кейинчалик элат ва тил гуруҳининг номи маъносига қўлланган. Бу фикрни А. Н. Бернштам ва С. П. Толстов ҳам қувватлади. Агар биз урхун-энасой битигларидағи турк атамасини назарда тутсак, у қабилалар уюшмаси маъносидадир.

VI аср ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли, лекин бир-бирига яқин лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатлар бирлашиб, йирик турк хоқонлигини барпо этганлар.

VI—VIII асрларда ана шу турк хоқонлиги сиёсий-ижтиомий уюшмасига кирган қабилалар гуруҳига "турклар" деган умумий ном берилган эди.²

Урхун-энасой битигтошларида бу атама "турк бўдун", "қора бўдун" ёки "кўк турк" тарзида кенг қўлланилган. "Бўдун" сўзи халқ дегани "қора бўдун" оддий халқни, кўк турк даги "кўк" эса "эркин, озод" маъносини англатган.

Хитой йилномаларида ҳам турк номи учрайди. У манбаларда тук-ю-туг-ю шаклида қўлланган. Яъни хитойларда р товуш ишлатилмаган. Булардан ташқари хитой тилининг Контон диалектида *тарк* (~ торк) — ут — турклар сўзи учрайди, у дубулға (шлем), алоҳида жангчилар, қуролсозлар тоифасини англатган.

Суй династияси тарихининг изоҳларида (580—619) туг-ю сўзининг дубулға сўзига алоҳадорлиги таъкидланган. Қадим эрон тилида ҳам *тарк* сўзи дубулға маъносини билдирган. Турк номи аскарларнинг бош кийимига нисбатан берилганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тарихда айрим халқларнинг номланиши уларнинг бош кийимларига нисбатан бўлганлиги ҳақида таҳминлар бор. Масалан: қорақалпоқлар, қизил бошлар.

¹ Бартольд В. В. Очерк истории туркменского народа.—"Туркмения", I. Л., 1929. С. 9; Бернштам А. Н. Происхождение турок. К постановке проблемы.—Проблемы истории докапиталистических обществ. М.—Л., 1935, №5, 6. С. 43—54; Толстов С. П. К истории древнетюркской социальной терминологии.—ВДИ, 1938, 1(2). С. 81.

² Бернштам А. Н. К вопросу о возникновении классов и государства у турок VI—VIII вв. н. э. (отдельный оттиск), С. 888-889.

Алишер Навоий "Муҳокаматул луғатайн" асарида ўзбек тилинин турк, унинг тилини турк тили деб, амалда түрк, туркий, турк улуси, турк тили, туркий тил, түркни алфоз каби сўз ва ибораларни кенг қўллаган.

"Бобурнома"да ва уйғур ёзуви қадимги ёдгорликларда турк сўзи "кучли, қудратли" маъноларида қўлланган: турк ва мардана киши эди (Бобурнома).

В. В. Радлов турк атамаси устида тўхталиб, VI—VIII асрлардаги уруғ номидан келиб чиқсан дейди.

Г. Ванберининг фикрича, турк сўзи "содда" маъносини билдирган. Қиёсланг, туркона одам, турканда дори каби.. А. Н. Кононов "Турк атамаси таҳлилидан бир тажриба" мақоласида "турк" сўзи этиологиясига алоқадор тадқиқотнинг анча мукаммалроқ изоҳ беради¹.

Г. Ф. Благованинг ҳам "турк" сўзининг рус тилида қўлланниб келган варианatlари хусусига бағишланган мақоласида ушбу сўзининг ишлатилиш тарихи атрофлича тадқиқ қилинган.²

Шундай қилиб, турк сўзининг ўтмишда уруғ, элат, кучли, қудратли, алоҳида жангчилар гуруҳи, қуролсозлар, дубулға, содда маънолари бўлган. Шунингдек бу ном ўзбек ва бошқа туркий тилли халқларга нисбатан ҳам қўлланган (туркий, қашқар туркийси, ўзбек туркийси, туркман туркийси ва ш. к.).³

Сарт атамаси ҳақида. XVI асрдан кейин ўзбекларнинг мавзум бир қисми — шаҳар аҳолиси *сарт* деб аталадиган бўлди.

Сарт сўзининг маъноси ҳақида турли қарашлар мавjud. Айрим манбаларда *сарт* атамаси ўзбек ва тожиклардан бошқа алоҳида элатни ифодалайди деб таъкидланади, бошқа манбаларда бу сўз маҳаллий халқни камситиш

¹ Турк атамаси ҳақида қаранг: Кононов А. Н. Опыт анализа термина турк.—СЭ, 1, 1, 1949, С. 42 и сл.

² Благова Г. Ф. Вариантные заимствования турок // турк в русском языке. "Тюркологический сборник", 1972, М., 1973, С. 93-140. Шу мақолада адабиётлар рўйхати ҳам берилган.

³ Н. А. Басқаков турк сўзи ҳақида қўйидагиларни ёзади: "Этнонимы по названию родственных отношений свойства, например турк монг. түркун — торкун — торхом — родители и родня замужней женщины". Басқаков Н. А. Модели тюркских этонимов и их типологическая классификация.—Ономастика Востока. М., 1980. С. 199—207.

учун рус мустамлакачилари томонидан ўйлаб чиқарилган — ҳақоратни билдирувчи сўз дейилади.

Бизнингча, *сарт* атамаси алоҳида элатнинг номини билдирган эмас. Шунингдек, ўзбекларни таҳқирлаш учун ҳам ишлатилмаган (умуман, мустамлакачи амалдорлар маҳаллий ҳалққа паст назарда бўлгани тарихий ҳақиқат) XVI асрдан бошлаб, Чирчиқ, Оҳангарон, Қорадарё ва Норин дарёси водийиси яшовчи аҳоли, уларнинг қайси тилда сўзлашишларидан қатъи назар, *сартлар* дейилган Бундан сўнгроқ Зарафшон водийиси ва Хоразм воҳасидаги ўтроқ деҳқон-косиб, ҳунарманд аҳоли ҳам *сарт* номи билан юритила бошлаган эди.¹

Демак, *сарт* атамаси этник маънени эмас, кишиларнинг касби, хўжалиги, турмуш тарзини англатган.

Сарт атамаси биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутадгу билиг" (XI аср) асарида учрайди: Эшиткил иёқи чигатой тили номи билан юритиладиган бўлди. тэр бу *сартлар* башы. Бунда сартлар алоҳида гуруҳ чигатой атамаси ҳукмдор номи билан боғланган. бўлиб, уларнинг бошлиқлари ҳам бўлгани хусусида гап Навоий "Чор девон" ида чигатой, жўхи атамалари боради. Маҳмуд Кошгариининг "Девону лугатит турк" (қабила) кишилар тўдаси, гуруҳи номларини биласарида ҳам *сарт* сўзи "савдогар" маъносидаги қўлланган. Ҳунармандин ҳақида маълумот берилган: Турк қавмлари

Рашидиддиннинг "Жоме-ут-таворих" китобида мўгулларни ўзбек, шоқ, чигатой. Қарлуқларни *сарт* деб атаганликлари тўғрисида маълумот Чигатой номи ҳозир ҳам жумҳуриятимизнинг турли берилган. Араблар эса Ўрта Осиёдаги мусулмонларни *сарт* таридаги жой, сув номларида, кишилар исмида сақланноми билан аташган.

Навоий ва Бобур *сарт* атамасини тоҷик-форсларга қўллаганлар. Умуман, XVI асргача Ўрта Осиёдаги тариси ва ш. к. нисбатан қўллаганлар. Умуман, XVI асрдаги *сарт* дейилган. Шайбони шуносликда баъзан чигатой адабиёти ва чигатой шаҳарларида яшовчи тоҷикларни *сарт* дейилган. Шайбони шуносликда баъзан чигатой адабиёти атамалари учрайди. Бу ўриндаги шайбони шуносликда баъзан чигатой адабиёти атамасини, ўзбек мумтоз адабиёти деб маълум. Чигатой тили, чигатой туркйиси

Венгер олимни Вамбери "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" (1865 йил) асарида *сарт* сўзи шаҳарлик маъносини билдиради деб ёзган эди. М. Қодиров бу фикрни таъкидлаб ёзади: "Ҳақиқатан ҳам, шаҳар сўзидағи шаҳар — сағ талаффузида с га ўтган бўлиши мумкин: яъни шаар — сағ шаклида. Сўз ўртасидаги ҳам товушининг тушиб қолиши тилимизда ҳозир ҳам учрайди".²

¹ "Сарт" атамасига оид айрим фикрларни баён қилишини, унинг номланиш тарихи хусусида С. П. Толстов, М. Ваҳобовнинг китобидан ҳам фойдаландик. Қаранг, Ваҳобов М. Ўзбек социалистик милятти. Тошкент, 1960, 30-32-б.

² Қодиров М. Сўз мулкига саёҳат. "Меҳнат ва турмуш", 4, 1972-20-21-б.

Чигатой атамаси аслида санскрит тилида олинган бўлиб, хусусан, XIX аср II ярмидан кейин *сарт* ўзбек маъносидаги ишлатиладиган бўлди: сартия сартим лисони (лисони сартия, сарт тили, сарт қавмлари, "Сартча-русча сўзлук" ва ш. к.) чигатой атамаси ҳақида. Чигатой атамаси мўгуллар кейин пайдо бўлган. Чингизхон вафотидан бўлиб олган қўл остидаги ўлкалари ўғил ва Шимолий Афғонистон замини ўртанча фарзанди берилган. Чигатойхон тасарруфига қарайдиган чигатой юрти, эли; элатлар эса Чигатой улуси; бу чигатой тили (умуман шу худуддаги ҳалқлар чигатой тили номи билан юритиладиган бўлди. чигатой атамаси ҳукмдор номи билан боғланган. чигатой атамаси ҳукмдор номи билан юритиладиган жой, сув номларида, кишилар исмида сақланнан чигатой Оқтепа, Чигатой кучаси, Чигатой қишлоғи, Чигатойхон, Чигатойниса, Чигатой қишлоғи, Чигатой тили, чигатой туркйиси

Мавлоно Лутфий ўз девонига кирган бир газалда Чигатой Тошкент вилояти ёки Туркистон эли маъносидаги ишлаттани Мавлоно Лутфий ўз девонига кирган бир газалда Чигатой Тошкент вилояти ёки Туркистон эли маъносидаги ишлаттани сенек санамни кўрмади Лутфий Чигатойда, Чин сўйла Хито кўбларига не бўлурсен деб.

Узбек атамаси ҳақида. Ўзбек ҳалқининг келиб қилишини, унинг номланиш тарихи хусусида С. П. Толстов, Якубовский, Я. Ф. Гуломов, Л. В. Ошанин, Шаҳобов, А. Асқаров, Б. Аҳмедов, И. Жабборов, Ҳ. Доронов каби олимларнинг ҳар хил йўналишдаги тадқиқоти мавжуд. Қадимда бу сўз нимани англатгани аниқ

эмас. Марҳум адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий тадқиқотларидан бирида: "Азизий деган шоир дашти қоқ ва Сирдарё бўйларида яшаган кўчманчи қабилалар эди. Бу қабилалар темурийлар сиқифида яшаб келган. Темурийлар устидан ғалаба қилгандаридан сўнг муста беклик, хонликка эришгандар. "Ўзи беклик ўзбекка рой" мақоли ҳам шунга алоқадор", — деб ёзган эди.

М. Ваҳобовнинг ёзишича: "... Ўзбек сўзининг луга маъноси "ўзи бек"ни ифода қиласа ҳам, аммо тарихда сўз қабила номи эдими, ёки фақат атоқли исмгина эди бизга маълум эмас. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳози Жizzахнинг Ўзбек қишлоғида яшовчи аҳоли ўзини, ўзбеклар уруғидан, деб ҳисоблади. Бироқ, ўтми бундай алоҳида ўзбек уруғи бизга ҳозирча маълум э. Ўзбек сўзи тарихий ёдгорликларда биринчи марта Радиддиннинг "Мўғуллар тарихи" деган китобида учрайди. Бундан кейин ўзбек сўзи Олтин Ўрда хонлари Ўзбекхоннинг (1312 — 1342) исми сифатида учрайди. Ашер Навоий "Садди Искандарий" да ўзбек сўзини ёки қабила номи сифатида талқин қиласди... Муҳаммад Солих ҳам ўзбек сўзини қабила ва уруғ номи сифат ишлатади. "Абдулланома" китобида ўзбек сўзи "отқўшин" маъносини билдирган. Тарихий асарларда Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёни ишғол қилган баъабила ва уруғлар ўзбеклар деб аталади.

Ўзбек сўзининг дастлабки маъноси нимадан ибо бўлишидан қатъни назар, бизнинг фикримизча, Шайбон хон томонидан Ўрта Осиёning истило қилиниши давр ўзбек сўзи Абулхайрхон ва унинг невараси Шайбоний теварагига тўпланган барча уруғ ва қабилаларнинг умий — йигма номи эди".

Ўзбеклар Тошкент, Хоразм воҳалари, Фарғонадар, Кашқадарё, Сурхондарё, Зарафшоннинг шаҳар ва қоҳонларида яшовчи асосий ва қадимий аҳоли эди.

Айрим манбаларда кўрсатилишича, ўзбек тилини келиб чиқиши Даشت Қипчоқда ташкил топган Оқ Шайбон улусида. Яъни Волга бўйлари оралигидаги ҳудудда кўчиб юрган, XIV аср ўрталаридан бош ўзбеклар деб юритилган турк-мўғул қабилалари би боғлиқдир. Бу қабилалар XV аср давомида ниҳоятда

бўйни сиесий кучга эга бўлган давлат ташкил қилиб, XVI аср бошларидан Муҳаммад Шайбонийхон бошчилиги Ўрта Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон бўйнинг бостириб киради ва ўрнаша бошлайди.

Айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиш тарикини мазкур истило даври билан боғлаб, ўзбекларнинг шакланиши XV — XVI асрлардан бошланади, деган мутадиб гайри илмий фикр юритиб келган эдилар.¹

Ваҳоланки, XI аср охири ва XII асрларда қарлуқ диалекти таркибиға чигил, арғу, тухси, яғмо каби била диалектлари қўшилиб, қарлуқ қабилалар уюшмаси ва даражасини ташкил этган. Ана шу қарлуқ қабила даражаси негизида ўзбек әлати ва тили шаклланган. Ўзбек әлати тилининг шаклланишида ўғуз ва қипчоқ қожаларининг излари ҳам сезиларли даражада бўлган. Лекин бу даврда ўзбек атамаси әлат ва унинг тили маъносида оммалашмаган эди. Б. Аҳмедов ўзбекларнинг чиқиши тарихига бағишлиланган рисоласида ўзбекларнинг номланиши ҳақидаги Н. А. Аристов, Ю. Якубовский, П. П. Иванов, Г. Хаворс, А. Вамбери яъни олимларнинг фикрларини умумлаштириб шундай санди: "Ўзбек сўзи Жувайний ва Рашидиддин (XIII аср) шаклланишидан маълум. Илхон Абақаҳон (1265 — 1282) замонидан яшаган Пури Баҳо (Тожиддин ибн Баҳоиддин) нинг мугул қасидасида ва Рашидиддиннинг "Жомеут таворих" осарида ҳам ўзбек сўзи учрайди... Рашидиддиннинг китобида келтирилган ўзбек сўзи ҳам бирор қабила ёки уруғнинг номи бўлмай, балки Жўгихоннинг еттинчи ўғли Ҳуқалнинг набираси, Мингқўдарнинг ўғли шаҳзода Ўзбекнинг номидир... Кўчманчи ўзбеклар Тўхтамишхон қўшиинининг асосий қисмини ташкил қилган эди... Хондамир бу тўғрида анча қимматли маълумотлар қолдирган..." У 1388 — 1391 йил воқеалари тўғрисида, яъни Темур билан Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган урушлар тўғрисида ҳикоя қиласа экан, Тўхтамишхон қўл остида бўлган қўшинни ҳамиша "ўзбек сипоҳи" ("сипоҳи ўзбек"), деб атайди... Юқорида келтирилганлардан қўриниб турибдики, XIV асрнинг II ярмида Даشت Қипчоқнинг катта қисми, хусусан, Оқ Ўрда ва Шайбон улусида кўчиб юрган

¹ Набиев А. Тарихий ўлқашунослик. Тошкент, "Ўқитувчи", 1979, 63-74-б.

Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миляти. Тошкент, 1960, 49 б.

турк-мұғул қабилалари үзбеклар, бу бепоён худуд үзбеклар вилюяты, деб атала бошланды. Бундан үзбеклар Даши Қипчоқда фақат XIV асрнинг II ярмидан пайдо бўлган, деган холоса келиб чиқмайди".¹

Ўзбек сўзи Фарғона водийсидаги қипчоқ гуруҳ шеваларида өзвәк-өзбәк шаклида талаффуз этилади ва содда, тўғри, инсофли одам маъноларида ишлатилади: *Мунуц атасы жықа өзвәк; Өзвәклик қып ҳаған. Қиёсланг, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"* сида:

Ҳоли аниг ери Туркистондур,
Ўзбак элига муazzам ҳондур.

Ўзбек сўзининг келиб чиқиши ва юритилиши ҳақида проф. X. Дониёрөвнинг мақоласида ҳам анча батафсил маълумот берилади. Муаллиф манбаларга суюниб ўзбек атамасининг XI асрда ҳам ишлатилганлигини таъкидлайди. У ёзади: "Ўзбек номининг профессор А. Ю. Якубовский, академик А. А. Асқаров ва бошқа кўпгина тарихчилар айтганидек, фақат XIV ёки XVI асрдан кейин пайдо бўлмасдан, балки анча илгари юзага келганлиги, шунингдек шу билан аталувчи қавмларнинг ҳозирги Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва ҳатто араб мамлакатлари териториясида ҳам анча илгаридан бери яшаб келаётганлигига қўйидаги мисоллар жуда ёрқин далил бўла олади. Масалан, XI асрда Сурияда яшаган араб тарихчиси Исома ибн Мунқизнинг "Китоб ал эътибор" ("Ибратли китоб") деган асарида ёзилишича, "ўзбек" қавмига мансуб бўлган кишилар ўша вақтдаёқ Арабистонда анча мавқе эгаллаганлар ва европаликларнинг салб юришларида мусулмонлар томонида туриб жанг қилганлар. Исома ибн Мунқизнинг ўзи ҳам шу жангнинг иштирокчиси бўлган: "509 йил (ҳижрий ҳисоби билан — X. Д.) отам, Тангри уни раҳмат қилсин, қўшин билан лашкарбоши Бурсуқ ибн Бурсуқ ҳузурига чиқди. Бурсуқ сultonнинг амири билан урушга отланган эди. У билан кўпчилик халқ бирга бўлиб, бир жамоа амирлар уни кузатиб борар эди, улар орасида қўшин амири (отабеги) Мавсил ҳокими Ўзбек, Ваҳба ҳокими Сунқур Дириз, амир Кунтуғди, Бош Ҳожиб Бектемир Зангий ибн Бурсуқ каби баҳодирлар ҳамда Темирақ, Исмоил Бекчи ва бошқа амирлар бор эди... "яна"...

1

Ахмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. Тошкент, 1962, 3 — 6-б.

уна қўшинлар амири Ўзбек бошлиқ уч минг юборди".

Кўринички, ўзбек қавмига мансуб бўлган кишилар у фақат европаликларга қарши уруш қилиш учун билан эми, балки аввалдан у ерларда яшаб келган, иштиёрида кичик бўлса ҳам, ўша срдаги шаҳарларга ўзи бўлганлар ва уларнинг ихтиёларида ўз лашкарлари бўлганлар (айниқса, турк, жамладан, ўзбек аскарлари бўлганлар орасида ўзларининг жасурликлари билан ўзи бўлган).

Сўзи уруғ, қабила, элат, саҳий, одамохун, ошторгуви, суюкли маъноларида Лутфий, Атойи, Навоий тарифорнида ҳам учрайди:

Тузуб ўзбак шилошиниг қўйини,
Сунуруб юз била қайсар үйини.

(Лутфий).

Бу улус то хублар кўрдик эй ўзбеким,
Дилраболиқда сизингдек шўхи
раъно кўрмадук.

(Атойи).

Ўзбаки гулнора тўндун куйдум, аммо ўлтурур.
Лемуи терлик аниг остидаким жонон кияр

(Навоий)

Шоҳу тожу хилъатиким, мен томоша қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоги бас
Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,
Табуқ қилиб юқунуб тустигон ичинда қимиз

(Навоий).

Хуллас, ўзбеклар ўзининг узоқ ўтмиш тарихига, ёзув тарниятига эга бўлган қадимги халқлардандир. Ўтмишда бу халқ турк, сарт, чигатой ва ўзбек атамалари билан юридилиб келган. Юқоридагилардан маълум бўладики, ва тилнинг номланиш тарихи ўша халқ ва унинг тарниятига таркиб топиш жараёни билан доим тенг тушуништади. Халқ ва тилнинг номланиши унинг келиб тарниятини белгиламайди.

Дониёрөв X. Ўз тарихимизни биламиزم? "Гулистан" журнали, 9. 1990, 14-б.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ВА УЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбек тили туркӣ тилларга мансуб бўлиб, олтой нариясига кўра мӯғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тиллар билан биргалиқда олтой тиллари оиласини ташкил қилинади.

Шунга кўра туркӣ тилларнинг, жумладан, ўзбек тилини тарихи, олтой тилларининг қадимда бир таъсиси бўлган — олтой давридан бошланади. Олтой бобо тида дастлаб тунгус-манжур ва турк-мӯғул тилларига; турк-мӯғул тили эса турк ва мӯғул тилларига ажралади. Шундан сўнг туркӣ тиллар тарихида хун даври (милод)дан аввалги учинчи асрдан мелодий тўртинчи асрга бошланиб, туркӣ тиллар икки тармоққа — шарқий тиллар ва гарбий тилларига бўлинади. Туркӣ тиллар тарихида хун даврининг алоҳида қўрсатилишига ўша даври Марказий Осиёдан Шарқий Европагача бўлган худуд ишғол қилган хун хонлигининг вужудга келиб, кейинчлик иккига ажралиши асос қилиб олинади.

Сўнгра мелоднинг бешинчи асиридан ўнинчи асрига бўлган узоқ вақтни ўз ичига олган турк даври келад. Умумхалқ ўзбек тилини тарихи олтой давридан бошланса, ўзбек адабий тилини тарихи ёзма ёдгорликла маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади. Даврининг обидалари барча туркӣ халқлар учун муштаракdir.

Ҳозирги ўзбек тили қадимги туркӣ тилидан ажралчиқкан. Туркӣ тиллар ўртасидаги қариндошлиқ, яқинлиқ синтактик қурилмаларнинг бирлигига, сўз ўзгартувчи, сөясловчи, шакл ясовчи аффиксларнинг ўхшашлигига, товузилиши ва лугат бойлигидаги барқарор, зарурий тушучаларни билдирадиган сўзларнинг умумийлигига яққо кўринади. Ана шу умумий белгиларга тўғри келмайдига фонетик, лексик ва қисман грамматик фарқлар тил тарих тараққиётининг сўнгги давларрида пайдо бўлган хусусиятлардир. Ҳозирги туркӣ тилларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг мустақил тиллар сифатида тараққи этишидан далолат беради. Буни қўйидаги схемада кўрамиз:

¹ Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркӣ тил. Тошкент, 1983-6.

² Айрим мисоллар транскрипцияси ўзгартирилди.

Ўзбек тилини Ўзбек тилини Ўзбек тилини	Ўзбек тилини Ўзбек тилини	Ўзбек тилини Ўзбек тилини	Ўзбек тилини Ўзбек тилини	Ўзбек тилини Ўзбек тилини
КЕЗ (кўз)	КЕЗ	КЕЗ	КЕЗ	КЕЗ
ҚОШ	ҚАШ	ҚАШ	ҚАШ	ҲАЗАҚ, ҲИР-
				ҚЭМСИКА БИИ
КУН	КУН; КУНӢ	КУН	КУН	КУН
СР	ЙАҶ	ЖАҶ	ЖАҶ	ЧИР
ҚҮК	ҚӨК	ҚӨК	ҚӨК	ҚӨК
ҚИЗИЛ	ҚИЗИЛ	ҚИЗИЛ	ҚИЗИЛ	ҚИЗИЛ
ҚИЧИНА	ҚИЧИНА	ҚИЧИНЕ	ҚИЧИНЕ	ҚИЧИГ
ЧИК	ЧИК			ҚИЧИН
УЧ	УЧ	ЮШ	УЧ	УЧ
ТЎРТ	ТЎРТ	ТӨРТ	ТӨРТ	ТӨРТ
СЕТӢ	ЙАҶӢ	ЖАҶӢ	ЖАҶӢ	ЧИТИ
ТЎҚСОН	ТОҚСОН	ТОҚСАН	ТОҚСОН	ТОҚСОН
МЕН	МЕН	МЕН	МЕН	МЕН
СИЗ, СИЗЛАР	СИЗ	СИЗ	СИЗ	СИЗ, СИДЕР
КЕЛ	КЕЛ	КЕЛУЙ	КЕЛУЙ	ГИЛДЖ

Ўзбек тили туркӣ гуруҳга киравчи тиллардан бўлиб, ундаги фонетик, морфологик, синтактика, лос ўхшашликлар Марказий Осиёда истиқомат қилинган тилларида кўпроқ учрайди. Бу ўзбек халқининг жиҳатдан юқоридаги халқлар билан узоқ вақтлардан буён ижтимоий муносабатда бўлиб келганигини тижасидир. Шунинг учун ҳам маълум ўзига хослий ҳисобламаганда, ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур, қорақалпоқлар бир-бирларини қийналмасдан тушуна олади. Уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари ва дини эътиқодларида ҳам муштараклик бор. Агар ёқут, түрк хакас тилларини олсак, буларда ўзбек тили билан муштараклик бўлса ҳам, лекин узоқ вақтлардан бўлиб ижтимоий алоқанинг бўлмаганлиги (руслар билан бўлгани), яшаш шароитларининг, тирикчилигининг ҳиллиги туфайли тил хусусиятларида фарқлар кўзотиши. Биргина лексикасини олсак, масалан, ёқут тилида чоночалик бўйича кийик, лос тармоқлари ривожланади. Ана шу соҳага оид сўз-атамалар жуда кўп. Бағдорчилик, пахтачилик, полиз экинларига оид сўз-атамалар ишларни ўзбек тилида эса бу соҳага хос сўзлар жуда кўп.

Бундай ўхшашлик ва фарқларни Волгабўйи, Кавказ, Сибирь ва бошқа худудларда яшайдиган туркӣ халқларининг тилларида ҳам учратиш мумкин. Туркӣ тилларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлар фонетик морфологиядагина эмас, балки лексикада ҳам яъқиниди. Масалан: ўзбек тилида *бошоқ*; уйғур тилида *башақ-машақ*; қозоқ, қорақалпоқ тилларида *масақ*; туркман тилида *суммул* (ар. *сумбула*); ёқут тилида *куол* (рус. *колос*) ва ш. к.

Туркӣ тилли халқлар миқдор жиҳатдан дунёда катар ўрин тутади. Улар:

I. Мустақил давлатларига эга бўлган туркӣ халқлар: 1) турк, 2) ўзбек, 3) қозоқ, 4) туркман, 5) озарбайжон, 6) қирғиз.

II. Мухтор жумҳуриятлардаги туркӣ халқлар: 7) қорақалпоқ, 8) татар, 9) бошқирд, 10) тува, 11) чуваш, 12) ёқут.

III. Мухтор вилоятлардаги туркӣ халқлар: 13) олтоғ, 14) хакас.

IV. Кўпмиллатли жумҳуриятлар ва мухтор жумҳуриятларда яшовчи туркӣ халқлар: 15) гагауз (Молдавия)

бўлғарий болқор (Кабардин-Болқор мухтор жумҳурияти), 16) крим-татар (Крим-Черкас мухтор вилояти), 17) қрим-татар (Узбекистон ва Қозогистон), 18) қумиқ (Догистон жумҳурияти), 19) нўғой (Россия).

Он уйғур (Шарқий Туркистон, шунингдек, қазоғистон ва Узбекистонда ҳам яшайди).

Он тилда сўзлашувчи яна шундай элатлар мавжуд. Уларнинг она тили асосан майший ҳаётда фойдаланади, ижтимоий вазифаси жуда чегараланган. Улар расмий ёзувларига эга эмас. Заруратда ёзувларни эски алифбодан фойдаланадилар. Бунга карашни кўрсатиши мумкин. Чулим тиллари киради. Ушбу тиллар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

Туркӣ тилда сўзлашувчи халқлар Афғонистон, Эрон, Ўзбекистон, Югославия, Албания, Греция ва бошқа хорижий тилларда ҳам яшайди.

Нуорадан биргина ўзбекларни олсак, ўзбекистон тартидан бошқа Тожикистон, Қозогистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистонда ҳам бу тилда сўзлашувчи миллионлаб ўзбеклар истиқомат қиласи.

Узбеклар хорижий ўлкалардан Афғонистонда, Хитойдан, Ўзбеклар яшайдиган вилоятларида, Туркия, Эрон, Ўзбекистон, Германия, Америка ва бошқа жойларда турғунларни қолгандар.

Ўзбек тилининг туркшуносликдаги обрўйи кейинги тартибда ортиб бормоқда. Бу тил ҳозир Американинг тартибда университетларида, Германия, Туркия, Ҳиндистон ва Афғонистонда алоҳида ўрганилмоқда. Ўзбек тили, тарихи ва мумтоз адабиётимизга оид китоблар, тадқиқотларнинг хорижда нашр қилинишининг тартиб, фикримизни тасдиқлайди.

XV аср оламида улуғ мутафаккир шоир, маданият ва ғонит арбоби Алишер Навоийнинг машақатли меҳнати, тартиблари ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг хомийлиги тартиблари туркӣ тиллар орасида ўзбек тилининг мавқеи тартибда миқёсига кўтарилиган эди. Ана ўша вақтда адабий тартиб була олади деб амалий ва назарий жиҳатдан исботланган эски ўзбек (туркӣ) тилимиз бизнинг давримизгача тартибда асосий фонетик, грамматик қурилиши ва луғат тартиблари сақлаган ҳолда етиб келди. Ҳозирги тартиб

Юқоридаги тасниф Н. А. Басқаков рисоласидан олинди. Қаранг, Азийская семья языков и ее изучение. М., "Наука", 1981, С. 118-119.

лимиз эски ўзбек адабий тилининг давоми — ўзбек халқининг давлат тили сифатида кенг халқ оммасига хизмат қилиб келмоқда.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛ

Туркий халқларнинг бизга маълум бўлган энг қадимги ёзма ёдгорликлари эрамизнинг V — X асрларига мансуб бўлиб, туркшуносликда бу даврни қадимги туркий тил месъебларини белгилашда асос бўла олади. Чунки ёзма тил, маълум даражада, тартибга солинган, месъёrlаштирилган бўлади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, энг кўхна ёдгорликлар тили ҳар қандай фикрни ифодалашга қодир, ривожланган, фонетик, грамматик, услубий жиҳатдан мукаммал тил бўлган. Демак, туркий тил бунга қадар ҳам улкан тараққиёт даврини босиб ўтган деган холосага келиш мумкин. Лекин у даврларга оид ёзма ёдгорликлар сақланмаган.

Қадимги турк даврига мансуб ёдгорликлар турк руний (урхун-энасой), уйгар, монивий, сүғд, брахма, сурённий ёзувларидадир.

ТУРК РУНИЙ ЁЗУВИ ВА УНИНГ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ҳозирги пайтда "турк руний", "урхун-энасой" атамаси билан юритилувчи ёзув туркий халқларнинг бизга маълум бўлган энг эски хатидир. Турк руний ёдгорликлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан маълум бўла бошлаганига қарамай, уларни тўлиқ ўрганиш ишлари бирмунча кеч — ушбу ёзувни ўқий бошлаганларидан кейин авж олди.

Турк руний ёдгорликларининг энг йириклари турк амалдорлари хотирасига қўйилган қабр тошларидир. Бу хатнинг тошлардан ташқари олтин, кумуш, суюқ, ёғоч, сопол буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Шунингдек, Шарқий Туркистондан қоғозга битилган ёдгорлик ҳам топилган.

Ёдгорликларнинг топилиши ва ўрганилиши ҳақида қаранг. Айдаров Г. Язық орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. Алма-Ата. 1971 (кириш қисми).

Трофий ўрни, тил ва ёзув хусусиятларига кўра ёдгорликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: Энсой ёдгорликлари. Гапон ёдгорликлари. Уркун ёдгорликлари.

Бирон атрофлари, Тува, Олтой, Хакасия, Красноярск ширини топилган битиклар Энсой ёдгорликлари гуруради. Улар тошларга, қояларга битилган бўлиб оли таңга, металл буюмлар, олтин ва кумушга ёзилган ҳам учрайди. Энсой ёдгорликлари у қадар йирик ёзувларини ўн-ўн беш йўлли, кичиклари — бир, биринчи ўн-ўн беш йўлли матнлардир. Энсой ёдгорликлари руний тарихининг қадимийларидан бўлиб, V — VII юзийлликка тугри келади. Ҳозирги кунда ушбу ёдгорликлар Минусинск, Абакан, Красноярск, Москва, Хельсинкида Санкт-Петербург музейларида сақланмоқда. Уркуннинг ялпи сони 150 га яқинлашади.

Гапон ёдгорликлари наасбатан оз ўн икки битиг топилган. Улар асосан қояларга, тош ва таёқчаларга ўйиб олар.

Уркун комплексига кирувчи битиглар турк руний тарихининг энг йириклиаридир. Улар VII — VIII асрлар мансуб бўлиб, Урхун ва Селенга дарёлари яқиндан юзилган. Қутлуғ ҳоқон (Унгин), Билга ҳоқон, Култигин, Кулчур, Мўюнчур битигтошлари шулар жумлаидир. Ушбу битигтошлар машҳур турк ҳоқон ва ҳоқонлари шарафига ўрнатилган. Улар туркий ёзма тарихининг илк намуналари, шу билан бирга, амалдорларни боялиқ тарихий воқсаларни баён қилувчи йирик тарихий-бадиий асарлардир. Характерли томони ёзувларни, ёдномаларда тарихий фактлар тўғридан-тўғри ўтилмайди, балки бадиий усулда ҳикоя қилинади. Бадиий тасвир воситаларига бой. Буни қуйидаги таридан ҳам кузатса бўлади:

Он сабъе ўшидин тун удысықым кэлмэди, кунтуз најим кэлмэди — Ўша гапни ўшишиб, тун ухлагим кундуз ўтиргим келмади (Тўн. 12); Йўйқа топулғалы учуз әрмиш, йинчга иркилиг үзгали үйик қалын болсар, топулғулук алл әрмиш, йинчга болсар, үзгулук алл әрмиш — Юпқа йигин тор-мор осон әрмиш, ингичка йигин узишга осон. Юпқа бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир әрмиш, ингичка бўлса, узадиган баҳодир әрмиш (Тўн. 13—14); Тәқри

күч бәртүк үчүн қаңым қаған сүси бөри-тәг әрмін ағысы қон-тәг әрмис — Тангри күч бергани учун отырғаннинг лашкари бўридай экан, душманни қўйдай эк (КТу, 12); Қамуғы бәш отуз сұләдимиз, үч йигир сұнғашдимиз, аллигиг әлсирәтдимиз, қағанлығы қаға сымадымыз, тизлигиг сөқуртимиз, башлығи йуқунтүртимиз — Ҳаммаси бўлиб йигирма беш (марлашкар тортидик, ўн уч марта жанг қилдик. Давлатли давлатсизлантидик, хоқонлини хоқонсизлантидик, тизси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттиридик (КТу, 18); Иним Култигин кәргак болты, өзум сақынты көрүр қөзум көрмәз-тәг, билир билигим билмәз-тәг боты — Иним Култигин вафот этди, ўзим алам чекди кўрар қўзим кўрмәётгандай, билар ақлим билмәётгандай бўлди (яъни эс-ҳушимдан ажралдим) (КТу, 50).

Битигларда туркий қавмларнинг душманга қарши мутакабиллик учун олиб борган кураши ўз ифодасини топға Бинобарин, ёдномаларнинг муҳим гояси ҳам туркий қамларни бирлаштириш, душманга қарши курашдир.

Ёдномаларда мадҳ этилган саркардалар халқ мустақилиги учун курашадилар, уни ташки душмандан ҳим қиладилар. Улар халқ ижодига хос руҳда тасвирана Қаҳрамонларнинг мардлиги оғиздан-оғизга кўчиб юрга. Булар таъсирида оғзаки ижод намуналари ҳам юз келгани эҳтимолдан холи эмас. Шу боисдан бўлса кертақиқотчилар ҳозирги туркий халқлар орасидаги айрим достонларнинг илдизларини ўша даврларга боғлаб, урж ёдномалари билан улар орасида яқинлик қидирадилар.

Урхун ёдномалари қадимги туркларнинг бадий ижод намунаси сифатида катта ўрин тутади. Улар адабиетарихини ўрганиш учун муҳим манбадир.

Яна бир муҳим томони ёдномаларда туркларнинг VI-VIII ўз йилликлар оралиғидаги тарихи, ижтимоий ҳаёл қўшни халқлар билан муносабати, жангю жадаллар ҳақида аниқ маълумотлар бор. Шу жиҳатдан ёдномалар қадимги туркларнинг тарихий хроникаси дейиш мумкин. Улардаги маълумотлар тарихчилар учун ҳам қимматлид.

Ёдномаларни битувчилар, албатта, оддий кишилар бўлмаган. Бу ишларни ўта билимли, шоиртабиат, даврининг фозил кишилари бажарган.

Ана шундай ёдномалардан бири иккинчи турк хоқиғига асос солган Элтарис (Құтлуғ) хоқоннинг малаҳатчиси ва саркарда Тұньюққа атаб тахминан 712—

713-жарда үрнатилған битигтошдир. Тұньюққу үшбу битигни тароғалиг чогида ёздирған, 62 сатрдан иборат матн иккита устунга ўйиб ёзилған. Үнда саркарда Тұньюққунинг қатнашган тарихий воқеалар ҳикоя қилинади. Ёдномалари сизлишича, Тұньюққу табғач давлатида таҳсил олди. Манбаларида у Ашиде Юанчжен деб юритилған, қоқуқ исмими эса кейинчалик олган.

Ёдномалардан энг йириги 732 йилда Култигин шарасы қўйилған ёдгорликдир. Баландлиги уч мстрдан ортироқ бўлган тошнинг ўз томонига 40 сатр, ўнг ва чап томонларида 13 сатрдан, тарошланған ён қирраларига 40 туркий ёзув битилған. 13 сатрли матнни кичик битиг, 30 сатрлисини эса улуғ битиг деб атайдилар. Битигнинг томонига хитой тилида унинг үрнатилиш тарихи ва 14 сатр хитойча ёзув битилған. Хитойча битигнинг ҳам икки сатр туркча битиг бор.

Ёдгорликда қайд этилишича, уни табғач хоқонининг тароғалидан чақирилған наққош ишлаган. Битигтош махмәратгоҳга үрнатилған бўлиб, атрофи сайргоҳ бўлган. Қақда битигда шундай маълумот бор: Анар адынчығ ҳаратуртум, ичин ташын, адынчығ бэдиз уртуртум, тоқытдым, көнгүлтәки сабымын ол... [он оқ оғлын] татаңда тәги буни көрү билиң! Бэнгү таш тоқытдым, [у эрт] эрсэр мат, қа эриг йәртә эрсэр! анча эриг бэнгү таш тоқытдым, битидим... (Унга махсус ратгоҳ яраттиридим. Ичи тошига махсус нақш солдирдим, тош үрнаттиридим, кўнгилдаги сўзларимни ул... [ун авлоди] га, тотгача буни кўриб, билинг! Мангу тош үрнаттиридим. Бу сайргоҳ бўлгач, мақбара сайргоҳ ерда са! Шундай сайргоҳ ерда мангутош үрнатдим, [битиг] битидим). (КТк, 12-13).

Кичик битигда унинг үрнатилиш сабаби баён этилади. Битигда туркларнинг узоқ ўтмиши, мустақиллик олиб борган кураши ҳикоя қилинади. Муаллиф тароғалинни эслаш билан турк давлати ва унинг мустақиллигини сақлаб қолишига чақиради. Асар мазмунини марташган давлатни мустаҳкамлаш, халқларни бирлаштирига чақириқ ташкил этади. Эътибор берилса, Култигин мазмасидаги бир ўрин Үнгин ёдгорлигиде ҳам, Билга олон битигида ҳам шунга яқин мазмунда тақоррланади. Жа ёдномаларнинг гоявий жиҳатдан ўзаро яқинлигини беради.

Ёдномада Култигиннинг фаолияти, душман билан бўлган курашлар бирин-кетин ҳикоя қилинади. Мати сўнгига Култигин ўлимининг санаси қайд этилган: Култигин қон йылқа йёти йигирмикэ учды, тоқузынч ай йёти отузқа юғ әртүртимиз. Барқын бәдизин битигташ [ын] бичин йылқа йётинч ай йёти отузқа қоп алқды (м) ын (Култигин қўй йилида, ўн еттинчи [кун] да учди (ўлди). Тўққизинчи ой [нинг] йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой [нинг] йигирма еттисида бутунлай тугатдик (КТу, 53).

Битигнинг муаллифи Йўллуг тигиндир.

Күлтигин битигтошидан унча узоқ бўлмаган ерда унинг акаси Билга хоқон (Мўғилон) шарафига қўйилган ёдгорлик бор. Билга хоқон 683 йилда туғилиб, 734 йилда вафот этган. Битигтош унинг ўлимидан бир йил кейин қўйилган. У 80 сатрдан иборат бўлиб, қариндоши Йўллуғ тигин томонидан ёзилган. Бу ҳақда ёдгорликда шундай ҳайл этилади: *Билга қаған бўтигини Йоллуғ тэгин битидим, бучча барқығ бәдизиг узуғ... қаған атысы Йоллуғ тэгин мән ай артуқы төрт кун олуруп битидим, бәдизтим* (Билга хоқон битигини Йўллуғ тигин ёздим. Бундай иморатни, нақшни, санъетни... хоқон биродарзодаси Йўллуғ тигин мен бир ою тўрт кун ўтириб ёздим, нақшладим) (БХ, 1).

Үнгин (тахминан 731 й.), Куличур (тахминан 721), Мүюнчур (тахминан 759 й.) номлари билан юритиладиган битигтошлар ҳам ана шундай йирик ёдгорликлар бўлиб, тарихий ва адабий манба сифатида жуда қадрлидир.

УЙГУР ЁЗУВИ ВА УНИНГ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Маълумки, Яссавий XII асрда ўз мактабини яратган буюк дин арбоби ва машҳур туркигўй шоирдир. Шунинг учун унинг издошлари, муридлари кўп бўлган. "Девони ҳикмат" нинг сўнгти тошбосма нусхаларида Яссавий муридлари томонидан тўқилган ҳикматлар ҳам учрайди. Бундай ҳодиса ўзбек адабиёти тарихида учраб туради. Чунончи, уни "Девони Машраб" да ҳам кузатиш мумкин. Ёки улуг Алишер Навоий устози Мавлоно Лутфийга ўз ҳурматини билдириб, унинг баъзи шеърларини девонига киритган, айрим ҳолларда ўз фикрини исботлаш учун Лутфий ижодига муражгаат қилган эди.

Яссавий шеърларидағи айрим мисралар ўзидан кейин ўтган муаллифлар асарларида ҳам баъзи ўзгаришлар билан такрорланади. Жумладан, уни "Бақирғон китоби" га солиштириб кўрайлик.

Чунончи, "Девони ҳикмат" да:

Хожа Аҳмад қул бул турур сатыб йэсун дарвэшлар.
Эй, Хожа Аҳмад сэн бўкун қылғыл ибадат тун-кун.
Қул Хожа Аҳмад сұхбатда, дам уармэн аҳадда.

"Бақирғон китоби" да:

Ҳаким Сулайман құлдур, сатыб йэсун дарвэшлар.
Қул Сулайман билдин, бүтүн қыл ибадат тун-кун.
Қул Сулайман сұхбатда дамба-даммэн аҳадда ва б.

Бу мисралардаги каби ўхшашликлар Яссавий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо ва Чустий шеърларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Яссавийда:

Ҳар сары барса ошал йары парваз этэр.

Навоийда:

Ҳар дам аны көргәли көңлүм қуши парваз этэр.

Яссавийда:

Аҳл дил болған киши ғамгин көңүлни шад этэр.

Навоийда:

Қыл умид (и) бирлә ғамгин ҳатиримни шад этэр.

Ушбу мисралар орқали улуг Алишер Навоий устоз сўфи шоир Аҳмад Яссавий ҳикматларидан хабардор бўлгани, ундан илҳомланганини кўрамиз.

"Девони ҳикмат" эски туркий адабиёт ва адабий тилининг обидаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эга. Ундаги шеърларнинг кўпчилиги халқ оғзаки ижодида кенг ёйилган қўшиқ шаклидаги тўртликлардан ташкил топган. Тўртлик — қўшиқ шаклида яратилган шеърлар халқ сўзлашув тилига яқин бўлганлиги билан характерланади. Маълумки, бу шеърлар, асосан, қадимдан мавжуд бўлган бармоқ ва аруз вазнида яратилган. Шунга кўра Яссавий шеърларида умумхалқ тилига хос сўз ва шакллар, бадиий тасвир воситалари кенг ишлатилган. Унинг шеърларининг оммага тушунарли бўлганлиги, содда, равон ва халқ қўшиқлари услубида ёзилганлиги сабабли туркий тили халқлар орасида тилдан-тилга ўтиб, ҳозиргача кўйланив келмоқда.

Яссавий ҳикматлари тилининг халқ тилига ва ҳозирги ўзбек адабий тилига яқинлиги бежиз эмас. Ҳикматларни қадимги турклар томонидан айтилиб келинган қўшиқлар тилидаги соддаликнинг, вазн ва услубдаги оддийликнинг анъанавий давоми сифатида қараш, бизнингча, тўғри бўлса керак. Агар Маҳмуд Кошгариининг "Девону лугатит турк" асарида келтирилган мавсум-маросим қўшиқларини кўздан кечирсан, бунинг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Маҳмуд Кошгарида:

Көрүб нәчүк қаңмадын,
Йамар сұзын кәмәдин,
Ташарыны сақмадын,
Йэсүн сәни ар бери.

Түрлүт ңәчәк йарылды
Барбын йағым кәрілди,
Учмақай эри көрүлди,
Түмлуг йана кәлгүсүз.

Аҳмад Яссавийда:

Дүниа мәниң дәгәнләр,
Жиҳан малын алғанлар,
Кәркәс қүшдәк болубан,
Үл харамга батмышлар.

Мулла мұфти болғанлар,
Нәхәқ да' вә қылғанлар,
Ақни қара қылғанлар,
Үл тамуққа кирмишләр.

Қазы, имам болғанлар,
Нәхәқ да' вә қылғанлар,
Химәр йаңлығ болубан,
Йүк астыда қалмышлар.

Харам йәғән ҳакимлар,
Ришват алыб йәғәнләр,
Өз бармагын тишеләбен,
Қорқуб туруб қалмышлар.

Таттығ-таттығ йәғәнләр,
Түрлүк-турлүк йәғәнләр,
Алтун тахт олтурғанлар,
Тұфрақ ара йатмышлар.

Сулаймон Бақирғонийда:

Барча йаҳшы, биз йаман,
Барча бүгдай, биз саман.

Ўзбек адабиети тарихининг билимдони Мақсад Шайх-
зода Аҳмад Яссавий асарларининг тили ва услуги ҳақида
қўйидаги фикри билдирган эди: "Шубҳасизки, Хўжа —
Аҳмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган "Ҳикмат" китоби
кейинча тил жиҳатдан ва маъно томонидан қанчалик
ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вазни аввали
ҳолича қолган. Чунки бирорлар илгариги вазни шунча

минизндан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амри маҳол
шар эди. Бу асарнинг вазни эса автори аввалида ўзи
ниб ишлаган ҳолида сақланиб қолган".¹

Юқоридаги фикрга асосланиб, Аҳмад Яссавийнинг
"Девони ҳикмат" асари асл нусхада етиб келмагани учун
ининг тил хусусиятларини ўрганишда кейинги даврда
Фурилган ва нашр этилган нусхаларидағи айрим
шарқларни рўкач қилмасдан, балки "Ҳикмат"ларни эски
туркӣ адабий тиленинг манбаларидан бири сифатида
траншиш мақсадга мувофиқдир. Унинг "Ҳикматлар" де-
вони XII аср туркӣ адабий тиленинг тараққиётини
таптиглашда бой манба бўла олади. Шунинг учун ҳеч
оккиланмасдан "Девони ҳикмат" асари XII асрдаги эски
туркӣ адабий тиленинг лугати ва муҳим грамматик
хусусиятларини кўрсатувчи асосий манба сифатида
траннилавериши керак.

Улуғ аллома Аҳмад Яссавийнинг адабий тил тарихи-
лиги энг катта хизмати адабий тилни жонли сўзлашув
нилига яқинлаштириш бўлган эди. "Девони ҳикмат"ни
ҳозирги ҳар бир ўзбек ёки туркӣ халқлар вакили ўқиб
бемалол тушуна олишининг ўзи фикримизнинг далили-
тир.

Аҳмад Яссавий шеърларидаги инсоний гоялар —
иҳлоқ, одоб, поклик, тўғрилик, ислом дини ақидалари
ни ҳадисда илгари сурилган маърифий фикрлар содда,
равон тилда баён қилиб берилади. Ана шу нуқтаи
иизардан қараганимизда, ҳозирги ўзбек адабий тили
ниъанавий тарихий адабий тиленинг давоми эканлиги аён
бўлади. Табиийки, "ҳозирги ўзбек адабий тили туркӣ
рун (урхун-энасой) ёдномаларига, шунингдек, Маҳмуд
Қошғарийнинг "Девону лугатит турк", Юсуф Ҳос
Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Аҳмад Яссавийнинг "Девони
ҳикмат", Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ",
сунгроқ Навоий, Заҳириддин Бобур асарларигача бориб
тақалади.

Яссавий асарларининг диалектал хусусиятлари ҳақида
турлича қарашлар маълум. Машҳур олим Фуад
Кўпрулузода Яссавий асарлари қарлуқ лаҗжаси негизида
тараққиёт этиб, ўғуз лаҗжаси таъсири сезиларли бўлган

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, Faafur Fulom nomidagi
Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 23-б.

шарқий турк тилида яратилган, дейди. Унинг тил хусусиятлари "Қутадғу билиг" асари тилига яқинлигини күрсатади.

Т. Менцел Яссавий "Девон"и шарқий турк тилиде ёзилган. Унинг тили "Қутадғу билиг" ва урхун битиглары тилига яқиндир дейди. Проф. А. К. Боровков эса Яссавий асарларининг нодир ва ишончли нусхалари етиб келмагани учун унинг тил хусусиятлари ҳақида аниқ фикр билдириш мүмкін эмаслигини бир неча бор такрорлайди. Таъкидлаш көрекки, Яссавий девонининг тили ва услубияти бўйича кузатувлар Кўпрулуздада ва Менцелларнинг қарашларини, асосан, тасдиқлайди.

Аҳмад Яссавий асарларида ишлатилган сўзларнинг акла жаси негизида ташкил топган — шаклланган ва XIII—XIV асрларда анчагина ривожланган туркӣ әлат адабий тили асосида яратилган бадиий асарлар лугат таркибида мавжуд эди. Бу адабий тилнинг негизини қарлуқ (чиғил, уйғур, аргу, тухси) лаҗаси ташкил қилиши билан унинг роқи ҳам сезилари бўлган эди.

Хуллас, Аҳмад Яссавий давридаги эски туркӣ адабий тилининг негизини Тошкент, Самарқанд—Бухоро, Сайрам—Қорабулоқ—Туркистон тип шеваларидан излаш мумкин.

Аҳмад Яссавий "Девон"ининг лексик хусусиятлари бўйича кузатувлар кўрсатади, унда, асосан, эски туркӣ форс тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам бор. Хусусан, арабча сўз ва шакллар ўзлашган қатламнинг катта қисмини ишғол этади.

Шу нарса маълумки, XII аср, Аҳмад Яссавий асарларидан бошлаб бадиий асарлар тилида соддаликка интилиш, халқ сўзлашув тилига яқин тилда ёзиш анъанаси кучайган эди. Бу анъана Навоий илк замондошлари Лутфий, Атойи, Саккокий, Ҳофиз Ҳоразмий, Юсуф Амирий, Гадоий шериятида ҳам давом этган.

Киёсланг, Яссавийда:

Мәниң бир дафтарым бар йўз минчэ ҳикмат,
Оқыган бандалар көргэй фарағат.

Бу ғаламда мәниң терт дафтарым бар.
Киши ҳар әйләсә болгай өзи ҳар.

Лутфийда:

Мәни шайдә қыладурған бу көнүлдүр, бу көнүл,
Хару расва қыладурған бу көнүлдүр, бу көнүл.

Саккокийда:

Кара көз бирлә ғамза қылыб йўз мин җафә қылма,
Қарашма бирлә аламны мәниң-тэг мубталә қылма.
Мәниң бу хаста жаһымга сәниң дардиң эрүр марҳам.
Қийаматга тэги ҳаргиз бу дардымга дава қылма.

XI—XII асрлар Мовароуннаҳ, Афғонистон, Эрон, Кавказ орти ва шимолий Ҳиндистонда адабий тил анъанасида тажик-форс тилининг ўрни катта эди. Марказий Осиёда қораҳонийлар ҳукмронлиги бошланиши билан туркӣ тилининг мавқеи орта борган. Аҳмад Яссавий ана шу даврда яшаб, туркӣ тилда ижод қилган эди.

Хуллас, улуғ аллома Хўжа Аҳмад Яссавий XII асрда ўзининг асарлари орқали туркӣ адабиёт ва адабий тилининг мавқенини жаҳон миқёсига кўтарган.

Ҳибату-л-ҳақойиқ. Эски туркӣ тилининг муҳим ёдгорликларидан бири XII—XIII асрда яшаб ижод этган адаб Аҳмад Юғнакий (Адаб Аҳмад ибн Маҳмуд Юғнакий)нинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар армуғони") асаридир. Асарнинг номи қўллэзмаларда турлича тилга олинади: бирида "Айбату-л-ақайиқ", иккинчисида "Ҳибату-л-ҳақайиқ", уйғур хатидаги бошқа бир нусхасида "Атабату-л-ҳақайиқ" (Ҳақиқатлар эшиги) деб ном қўйилган. Мазкур асар 250 байтдан ошиғроқ, маснавийда ёзилган бўлиб, мазмунан панд-насиҳат руҳидадир. "Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг бизгача олти қўллэзма нусхаси етиб келган. Шулардан учтаси тўла ҳажмли нусхалар, қолганлари асардан олинган парчалардир.

Улардан дастлабкиси (фандада A нусха деб юритилади) уйғур хатида бўлиб, 1444 йилда Самарқандда Зайнул обидин исмли котиб томонидан кўчирилган. Асарнинг бу

¹ Қаранг: Маҳмудов Қ. Аҳмад Юғнакийининг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳақида. Тошкент, 1972.

нускаси 246 байтдан иборат. У ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Асарнинг иккинчи нускаси (фанда Б нусха деб юри тилади) 1480 йили Истанбулда Шайхзода Абдураззоқ бахши томонидан уст сатрида уйғур, остида араб ҳарофлари билан күчирілган. Мазкур нусха Истанбулдаги Аёсофии кутубхонасида сақланыптынан 4757 рақамли мажмуанинг бириңчи асаридир.

"Хибату-л-ҳақойиқ"нинг навбатдаги нускаси (С нусха) фақат араб хатида күчирілган бўлиб, 242 байтдан иборат Олимлар таҳминига кўра XV аср охири XVI аср бошлирида күчирілган.

R. R. Аратнинг маълумотига кўра¹ Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланувчи мажмууда туркча байт ва тўртликлар орасида "Хибату-л-ҳақойиқ"дан олинган бир жуфт байт ҳам бор.

"Хибату-л-ҳақойиқ"дан олинган яна бир кичик парча Берлин Фанлар академияси қўләзмалар фондининг туркий матнлари орасида сақланади.

"Хибату-л-ҳақойиқ" фанга маълум бўлгандан бери му-такассислар томонидан кенг ўрганилмоқда. Туркияда Н. Осим, Р. Р. Арат каби олимлар уни эълон қилди. Ўзбекистонда мазкур асарни ҳар томонлама ўргангандан олимлардан бири Қ. Маҳмудовдир. У асарнинг тилини бўйича тадқиқот ишлари яратди. асарнинг танқидий матнини тушиб, ҳозирги ўзбек тилига ўғирди. Қозогистонлик олимлар А. Қуришжонов ва Б. Сагиндиқовлар ҳам асарни нашр эттирилар.

Ўғузнома.² "Ўғузнома" туркий халқлар орасида қадим замонлардан кенг тарқалган, узоқ тарихий жараённи ўзида акс эттирган қаҳрамонлик достонидир. Бу достон халқ оғзаки ижодининг характерли хусусиятларини ўзига сингдириб, бадиий жиҳатдан мустаҳкамланиб, оғиздан-оғизга кўчиб келган.

Ўғузхон ҳақидаги ривоятлар бизгача бир қанча варианта етиб келган. XIII аср тарихчиси Рашидиддиннинг "Жоме-ут-таворих"ида, уйғур хатидағи "Ўғузнома" достонида, Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк"

¹ Eaid Ahmed Yugneki. Atebetu'l-hakajik. R. R. Arat. Istanbul, 1951, S. 34—36.

² Қаранг: Щербак А. М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959. С. 13—110.

"Шажарайи тарокима" асарларида, "Дода Қўрқут" штобида Ўғузхон ҳақида ҳикоя қилинади. Булардан шашқари "Ўғузнома" достонининг Истанбулда сақланувчи араб ёзуви варианти ҳам бор. Ўғузхон ҳақидаги асарлардан энг қадимгиси уйғур хатидағи "Ўғузнома" достонидир. У ҳозир Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг ана шу варианти эски туркий тил ширида кўчирилгани туфайли бу давр тилини ўрганишдаги аҳамияти каттадир.

Қўләзма 21 варақ (42 саҳифа) дан иборат. Қўләзманинг ёзилган даври ҳақида ҳар турли фикрлар ўтишади: айримлар уни XIII аср охири XIV аср бошлирига мансуб десалар, бошқалар XУ аср қўләзмаси дейдигар. Бундай фикрларга унинг бирон ерида кўчирилган или қайд этилмаганлиги, шунингдек, ёзув хусусияти билан уйғур хатидағи бошқа матнлардан ажralиб туриши сабаб бўлган. Мазкур нусха, албатта, дастлабки эмас, у индайдир бошқа қўләзмадан кўчирилган.

"Ўғузнома"— бадиий жиҳатдан пишиқ асар. У қадимги туркларнинг афсона, ривоятларини ўзида умумлаштирган. Достонда акс этган воқеаларни туркий халқларнинг жуда қадимги ҳёти билан болжашга асосимиз бор. Унда акс этган воқеалар ўз илдизи билан узоқ даврларга бориб тақалади. Шу жиҳатлари билан бу асарнинг қадимги ҳамдир. Унинг тилида қадимги туркий тилга хос хусусиятлар (жумладан, адақ "ёёқ", адуғ "айиқ", сұры "суви", қағар "қор" каби) билан бир қаторда эски туркий тилга хос хусусиятлар (жумладан, мўғулча сўзларнинг қўлланилиши каби) аралаш кузатилади.

Асар тили содда, халқ тилига яқин.

Муқаддамату-л-адаб. Эски туркий тилнинг муҳим ёзма сэдгорликларидан яна бири XI асрнинг охири XII асрнинг бошларида яшаб ижод этган хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий нинг "Муқаддамату-л-адаб" ("Адаб илмига кириш") номли асаридир.

Маҳмуд Замахшарий ўз даврининг удумига кўра асарларини араб тилида яратди. У назм ва наср билан ёзилган бадиий асарлар, шу билан бирга тилшунослик, адабиёт-

¹ Қаранг: Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Тошкент, 1971.

шунослик, фалсафа, ислом тарихи ва бошқа фанларга оғын эллиқдан ортиқ илмий асарлар мұаллифидир. Бу асарлары билан у Ўрта Осиё илми тараққиетига самарали ҳиссә құшды. Олим меросининг маълум қисми бизгача сақланып қолған.

Замахшарий буюк тилшунос ҳамдир. У ўз асарлары билан араб адабий тилининг ва араб тилшунослигиниң ривожига катта ҳисса құшды. Шу билан бирга унинг туркшунослик тарихидаги хизматлари ҳам оз эмис "Муқаддамату-л-адаб" бунинг яққол далилидир.

Асар күп тилли лугатдир. Үнда араб лексикаси ғылыми грамматикаси материаллари форсча, баъзи нусхалари жоюларынан хоразмча, туркча ва мұғулча таржимаси билан берилған. Унинг құләзмалари Германия, Миср, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Россия ва Ўзбекистон фондларида сақланмоқда. Асар құләзмаларининг ҳаммаси бир хил эмас: баъзиларида арабча-форсча сўзликнинг ўзи бўлса, бошқаларида туркни ва мұғулча сўзлик ҳам киритилган (қадимий нусхаларидан бирида маълум гуруҳ хоразмча сўзлар ҳам бор). Ўзбек тарихий тилшунослиги, жумладан, лексикографияси учун, табиийки, унинг туркий таржимаси бор нусхалари қимматлидир.

Тошкентда туркий сўзлик киритилган құләзмалардан бир қанчаси сақланади. Улар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ҳамда Құләзмалар институтларининг фондларидаидар.

"Муқаддамату-л-адаб" беш қисмдан иборат. Улар: исмлар, феъллар, ёрдамчи сўзлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши. Маҳмуд Замахшарий ўз асарида сўзларнинг асл маъносинигина бериб қолмасдан, уларнинг кўчма маъноларини ҳам муфассал келтиради. Туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форсча таржималарининг мавжудлиги бундай сўзларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради.

Лугат тузилиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қўйидаги мисолларни келтирамиз:

Арабча	Форсча	Туркий	Маъноси
ш	шутурон	тәвәләр	түялар
ғ	ғов	өкүз	хўқиз
ә	модагов	инак	сигир
әлба	мондз шул шутур	арды тәвә	туя чарчади
әлба	баржаст ва бози	сәкәди	дағы от сакради ва
әлба	кард асп	ойнады ат	үйнади

Туркий тафсир. Туркшуносликда "Ўрта Осиё тафсири" аны билан юритилувчи асар Қуръони Карим бир түләгеннинг туркий таржимаси ва унинг шарҳидир. Чунончи, дастлабки қисмлари таржима, сўнгги бўлимлар тураларнинг шарҳидан иборат. Асар қўләзмаси Қаршидан топилған бўлиб, ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда¹. Асарнинг яратилған пайти ҳам, Қарши қўләзмасининг қўчирилған даври ҳам номаълум; бирор ерида қайд этилмаган. Тахминларга кўра XII—XIII асрларга мансуб.

Тафсир тилида з лашишдан й лашишга бўлган фонетик қарашён ($z > \dot{z} > \ddot{z}$) акс этган. Шунинг учун үнда бир сўзининг з билан бирга з ёки й ли шакли ҳам учрайди: қўзы—қўзы—қўйу (қўйи) каби. Бундай хусусият "Қисаси Рабғузий" асарида ҳам кузатилади. Шунингдек, асар тилида ўғуз гуруҳ лаъжаларига хос ҳодисалар ҳам мавжуд. Чунончи, сўз бошидаги т ундоши жарангли д га ийланади: дэгул—эмас, дэгер—доира, чекка, дўксалер—(агар) тўксалар. Сўз охирида -ғ ва -г тусиши мумкин: улу—улуғ, қапу—әшик, толу—толы—тўлиқ, эли—50. Баъзан морфологияда ҳам шундай ҳодиса кузатилади: өрән—кўрган (сифатдош шакли), жўналиш келишиги қисман -а, -ә қўшимчаси билан ясалган: йэрә—ерга, ашақа—пастга.

Асар лексик жиҳатдан "Қуталғу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарлари тилига яқин. Бу асарлар лугатида қўлланилған кўхна сўзларнинг катта гуруҳи ушбу ёдгорликда ҳам учрайди. Масалан: асығ—фойда, ашну—аввал, ал—ҳийла, найрант, азу—азу—ёки, элиг—қўл, эт—вз—тану жон, йиг—касаллик, ўумғы—бари, отру—рўпара, өрүқ—օқ, баса—сўнг,

¹ Исломов З. "Муқаддамату-л-адаб"нинг Тошкент нусхалари. "Адабий мерос". Тошкент, 1988, 3(45), 41—45-б.

өгди — мақтов, *саңчы* — элчи, *су* — лашкар, *тапуғ* — химат, *түмбуғ* — совуқ ва б. Асар тилица синонимлардан унумли фойдаланилган. Жумладан "аёл, хотин" маъносига *урагут*, *хатун*, *аэрот*, *айал*, *киши*, *тиши* сўзлари, "қўл маъносига эл, элиг, қол, "шахар" маъносига эл, улуң кәнт, урам, шахар, шахристон сўзлари қўлланилган ба б. Синонимик қатордаги сўзлар келиб чиқишига кўра тарихан турли тиллардан ўзлашган бўлиши мумкин. Масалан, юқоридаги синонимлар орасига *аэрот*, *айал* сўзлари арабчадан, кәнт суғчадан, шахар, шахристон токик-форс тилларидан ўзлашган.

Синоним сўзларни жуфтлаш орқали ҳам янги маъносил қилинади: *эш-барқ* — *турад* жой, *қап-қазаш* — қариндош-уруғ, қон-қардош, *тога-көзсуз* ёки *қарагу көзсуз* — қўр, кэнд-улус — шахар, *ортак-эш* — дўст, ўртоқ. Мисоллар: Эши-барқы *байт-ул-муқаддасда* эрди — униний Байтул муқаддасда эди; *Қапы-қазашы тэрди* — Қариндош уруғларини терди (йигди). Укүш кэндлар-улулар бар эрди — Кўп шаҳарлар бор эди.

Умуман туркий тафсир тили эски туркий тилин ўрганишда ўта қимматли манба бўла олади.

Аттуҳфа.¹ Араб тилица ёзилган ушбу асар туркий тил (қипчоқ тили) грамматикасига бағишиланган. Унинг тўлиқ номи "Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия" ("Туркий тиллар ҳақида ноёб тухҳфа") бўлиб, туркшуносликда қисқача қилиб "Аттуҳфа" деб атайдилар. "Аттуҳфа" бизгача бир нусхадагина етиб келган. Қўлёзма ҳозир Истанбулда сақланади. Асарнинг ёзилган даври, ўрни, муаллифи ҳақида бирон ерда қайд этилмаган. Муаллифнинг "Мен бу асарда қипчоқ тили (хусусиятлари)га асосландим. Чунки энг кўп қўлланадиган тил қипчоқ тилидир" деган маълумотига асосланниб, мутахассислар асар қипчоқларнинг салтанати даврида (XIII аср) Мисрда ёзилган деган фикрни айтадилар.²

"Аттуҳфа" уч бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда асарнинг яратилиш тарихи, қипчоқ тилининг товуш қурилиши ва имло хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

1

Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия. Тошкент, 1968 (Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. М. Муталибов).

2

Уша асар, 5-б (сўз боши).

Иккинчи бўлим араб-турк лугатидан иборат. Мазкур тугат бўлимидаги сўзлар араб лексикографияси қоидасига мувофиқ тартибда жойлаширилган. Бу қоидага кўра тарбича сўзлар, бошида келган ҳарфларга қараб, алифбо тартибидаги гуруҳларга ажратилган (ҳамзали сўзлар, ҳарфлилар, Ҳарфлилар, Ҳарфлилар, Ҷ Ҳарфлилар тўлими... тоъҳарфлиларгача). Ҳар қайси бўлим яна ўзида бир қанча (энди бош ҳарфларига қараб эмас, балки Ҳуларнинг маъносига қараб) гуруҳларга бўлинган. Бунда ўзим қатъий қоида бор: аввал исмлар, кейин феъллар келади (жумладан, сўз бошида ҳамза келган сўзлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: от ранглари, от асбоблари, ер ва унга боғлиқ нарсалар, ейиладиганлар, замон ва пайт, томонлар. Шундан сўнг феълларга ўтилади). Мана шу тартибда жойлашган сўзлар қаршисида уларнинг туркий таржимаси ҳам келтирилади. Мисоллар келтирамиз:

اوردک	өрдек (урдак)
اوی و او	уй ва э:в (уй)
ق پو	қапу (эшик)
بلا	кәнт (шахар, қишлоқ)
کانست	

Луғатда ўша давр лексикасида мавжуд бўлган сўзларнинг катта қисми акс этган. Унда қумған // қекаётур (қумғон), тавшан // қыйан (қёён), үлкәр // йәдикәр (Хулкар) каби синонимлар ҳам, ҳатто сўзларнинг фонетик вариантлари ҳам, ўрни билан, келтириб ўтилган (жумладан, а:вурчук // а:ғырчақ (чарх), тәлик // тәшик (тешик) каби).

Асарнинг учинчи бўлимидаги туркий тилнинг грамматик қонун-қоидалари баён этилади. Мазкур бўлимда сўз таркиби, сўз ва шакл ҳосил қилувчилар, ҳар қайси туркумга хос категориялар, синтактик муносабатлар ва туркий тилнинг бошқа шу каби хусусиятлари ўша давр тилшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Маълум бир қоида айтилгач, мисоллар билан таъкидланади. Бу бўлимдан эски туркий тил грамматикасига оид жуда кўп материал олиш мумкин.

Умуман, "Аттуҳфа" туркий тилнинг мукаммал илмий грамматикасидир. Шунинг учун ушбу асарнинг эски туркий адабий тилини ўрганишдаги аҳамияти катта.

Қисаси Рабгузий¹. XIV аср турк насрининг қимматли ёдгорликларидан бири Бурхон ўғли Насируддин Рабгузийнинг "Қисаси Рабгузий" асари. Рабгузий Хоразмдаги Работ үғуз деган жойнинг қозиси эди. Бу ҳақда асар муқаддимасида шундай таъкидланади: "... Бу китабы түзгөн, тә'ат йолында тизгөн, ма'sийат йабанын қэзгөн, аз азуклуғ, көп йазуқлуғ Рабат оғузының қазисы Бурхан оғлы Насируддин уруғы... андағ айтүр". Рабгузий ушбу асарини мусулмон мұғул бекларидан бири Насируддин Тұқбуғанинг илтимосига күра ҳижрий 709 (мелодий 1309—1310) йилда ёзған. Тажу-л-умара ва муҳиббу-л-улама бөглөр уруғы, ынгитләр арығы, улуг атлығ, құттулғ зәттүлғ, әзгу қылқылғ, исләм йарығлық, мөгүл санылығ, мусулман динлығ, әдамийлар инәнчи, мөминлар құвәнчи, ҳимматы әдиз, ақлы тәгиз бәгимиз Насируддин Тоқбуға..."

Муқаддимада таъкидланишича, Рабгузий пайғамбарлар ҳақида яратылған қиссаларнинг билимдони әди. У үзига қадар яратылған қиссаларнинг ишончлilarини ҳам, аниқ бўлмаганларини ҳам яхши биларди. Шунинг учун ундан улуғ анбиёлар ҳақида асар ёзиб беришини илтимос қиладилар. "Тарих йўз эллиниң аввалида қасуд битилдиким, пайғамбарлар қиссаларынга ғайат рағбатым бар. Тэкма ёэрда тэкма ким эрсдэ булынур ба'зисы мустақим бар, ба'зисы намустақим. Бир анчасы муқаррар ва бир анчасы мубаттар бар. Бир азының сөзләри кесүк бар, бир азының мақсадлары өксүк. Эмди сәнүқ зиммаңдын чығған, қаламуқдын ақған, китабатма сәниң, ибаратма сәниң болуб бизга "Қисасу-л-анбийа" болса, оқумақфа кәрәклиг, өгрәнмәкгә йарағлығ болғай эрди, тәб илтима's ғаңлығ шарапат болды эрсә, нәчәмә өзүмни ул ишқа лайық, ул амалға мувәғфиқ, эрмәсин билмиш эркән өзүмни ағырлаб нағс сақламыш болуб оғур болсун тәб бу ишқа оғрадымыз."

"Қисаси Рабгузий"нинг турли давларда күчирилган қўләзмалари бизгача стиб келган. Мавжуд қўләзмаларнинг энг эскиси XУ асрға мансуб бўлиб, ҳозир Британ музейида сақланмоқда. Эски қўләзмалардан яна бири Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида

¹ Насируддин Бурхонуддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. I—II (Нашрга тайёрловчилар: Э. Фозилов, А. Юнусов, Ҳ. Дадабоев). Тошкент, 1990—1991.

C—245 рақами остида сақланмоқда. У XV—XVI асрларда кўчирилган деб тахмин қилинади.

Асарнинг бошқа қўләзмалари кейнги асрларда кўчирилган бўлиб, уларнинг тили вақт тақозосига кўра узгариб борган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида асар Тошкент, Қозон шаҳарларида литография сосида ҳам бир неча бор нашр қилинган.

Хусрав ва Ширин.¹ XIV аср туркий адабиётининг муҳим асарларидан бири Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" достонидир. Асар Низомийнинг шу номли достонига уҳшатма тарзида яратылған. Унинг бизгача бир қўләзмаси сақланган холос (ҳажми 280 саҳифа). Қўләзма 1383 йилда Мисрда кўчирилган бўлиб, ҳозир Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Кутб ўз достонини Олтин Ўрда хонларидан бири Тинибекка бағишланды. Асар 90 бобдан иборатдир.

Асар тили фонетик, лексик, морфологик жиҳатдан ўзи билан деярли олдинма-кетин Олтин Ўрда адабий муҳитида яратылған Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"си, 1391 йилда Мисрда яратылған Сайфи Саройининг "Гулистан" асарлари тилидан фарқланади. Асар тили эски туркийдан эски ўзбек тилига ўтиш жараёнини акс эттирган дейиш мумкин. Унинг тили ҳақида тасаввур туғдириш мақсадида асардан қўйидаги шеърий парчани келтирамиз:

Нэтәг шаҳ тапғыңа бир барга-мэн тәб
Бу көнүл қазғусыны тарға-мэн тәб
Көрүб көйлүм ким асру рағбатым бар
Буйурды ким қатығлан эмди эй йәр
Равайн эй Қутб тәркин кеч болур бил
Нэ билгэйлөр сизни сөзләтмәсән тил
Низамий назмы йаңлығ түз сөзүнни
Анын билгут ханыңга бу өзүнни
Ханым бирлә малика атыңа бир
Китабы қылғуқа қыл тәди тадбир

Наҳжу-л-Фарадис². XIV аср туркий насли намуналаридан бири Маҳмуд бин Али бин ас-Саройининг "Наҳжу-л-Фарадис" асари. Бунинг маъносини асар сүнгига берилган қўйидаги жумладан билиш мумкин: Бу китабкә Наҳжу-л-Фарадис дэйү исм қылышы ма'нисы учмақлар-

¹

Қаранг. Наджип Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века, книга I, М., 1979.

²

Қаранг: Наджип Э. Н. ўша китоб, 51—67-6.

ның ачуқ йолы тэмэк олур (Бу китобга "Наҳжу-л-Фарадис" деб исм берилди, маъноси жаннатларнинг очиқ йўли демак). Асар 1357—1358 йилда Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳрида битилган.

Асарнинг бизгача бир қанча қўлёзмаси сақланган. Улар Истанбул, Крим (Ялта), Қозон ва Санкт-Петербургдаги сақланади. Булар орасида энг мукаммали ва қадимийлари Истанбул ва Қрим нусхалариридир. Қозон ва Санкт-Петербургда сақланаштаганлари бирмунча кейинги асрларга мансуб бўлиб, тўла ҳажмли қўлёзмалар эмас. Асарнинг айrim қисмларидир.

"Наҳжу-л-Фарадис" ҳар қайсиси ўн бўлимдан иборат бўлган тўрт бобдан ташкил топган. У исломнинг қонуни қоидалари, мусулмонликнинг фарзлари ҳақида маълумот берувчи диний-ахлоқий характердаги асар бўлиб, этнографик, тарихий маълумотларга бой. У тил ёдгорлиги бўлибгина қолмай, балки туркий адабиёт тарихини ўрганишда ҳам қимматли манбадир. Асар содда тилда ёзилган. Айrim мисоллар келтирамиз:

Тақы құзғуси эри "Яна күёви (ҳам) эди"
Бу қулны мэн ызмадым "Бу қулни мен юбормадим"
Ахшам болмышда қэдин "Оқшом бўлгандан кейин"
Эшумгэ бардым "Үйимга бордим"
Бу йашуқ йўрда турур "Бу яқин ерда турур"
Бир қач тәвә "Бир қанча түя"

Муҳаббатнома¹. Хоразмийнинг мазкур асари 1353 йилда яратилган бўлиб, дунёвий адабиётнинг энг ажойиб намуналари қаторида туради. Бизгача асарнинг уйғур ва араб ёзувларида кўчирилган бир қанча қўлёзмаси етиб келган. Уйғур хатидагиси уларнинг энг қадимгисидир. У 1432 йилда Яздда Мансур бахши кўчирган мажмуададир. Мажмуага "Муҳаббатнома"дан ташқари "Сирожу-л-қулуб", "Роҳату-л-қулуб", "Масъала китоби" каби насрый асарлар, Лутфий ва бошқа бир қанча ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг газаллари, айrim тўртликлар, ҳошияга эса Камол Исфаҳонийнинг форсий девони киритилган². Мажмуа ҳозир Британ музейида сақланмоқда (тартиб рақами Оғ8193).

¹ Каранг: Щербак А. М. Огуз-наме. Махаббат-наме. М., 1959. С. 113—170.

² ўша асар, 115—123-6.

Қўлёзмада "Муҳаббатнома" достонидан кейин унинг кўчирилган санаси шундай қайд этилади: Тамам бодлы Муҳаб (б) атнама китабы. Қутлуғ болсун тарих сәкзиз низ отуз бўштэ чычқан йыл ражаб айның алтысында Йазд шаҳринда Мир Жалал(ид)дин буйурған үчун бу фақир Мансур бахши бит(и)ди.

Асарнинг бошқа нусхалари араб ёзувидадир. Араб ёзуви нусхалардан бири XVI аср бошларига (1508—1509) мансуб, Қўлёзма Британ музейида Ad. 7914 рақами остида сақланади. Бу қўлёзмаси илм дунёсига дастлаб топилган нусхадир. Ганжай, А. Щербак, А. Нажиб дастлаб мана шу юқорида тилга олинган икки қўлёзма асосида нашрлар ўзлон қилдилар. Кейинчалик асарнинг араб хатидаги яна икки қўлёзмаси маълум бўлди. Турк олими У. Сартқая мазкур нусхаларни нашр эттирган. Мазкур икки қўлёзма тўлиқ эмас.

МАҲМУД КОШФАРИЙ ТУРКИЙ ДИАЛЕКТЛАР ҲАҚИДА

Маҳмуд Кошфарийнинг "Девону лугатит турк" асари эски туркий тилнинг диалектал хусусиятларини ўрганишда қимматли манбадир. Мазкур асарда, ўрни билан, диалектлар орасидаги фарқлар, уларнинг фонетик, лексик-семантический, морфологик жиҳатлари баён этилади. Муаллиф таъбири билан айтганда, унда "Ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тузилган" (I, 47).

Маҳмуд Кошфарий диалектларнинг катта бир гуруҳини (бу ўринда етакчи диалектларга асосланган адабий тил назарда тутилади) "турк", маълум бир диалект, қабила, уруғларни уларнинг номи билан (жумладан, ўғуз, қипчоқ, чигил ва б.) умумлаштиради. Ора-орада уларнинг етакчи диалектлардан (яъи "туркча"дан) фарқли томонлари, ўзига хосликлари қайд этиб ўтилади.

Суғдақ, канжак, аргулар, хўтаниллар, тубут ва тангутларнинг баъзилари суғда ва туркча сўзлашувчилар гуруҳига киритилган. Муаллиф туркча ва суғда сўзлашувчилар ҳақида гапириб, уларнинг тилида "бузуклик бор" лигини қайд этиди (I, 65). Чамаси бу ўрнида мазкур икки тилли халқларнинг туркий тилни бузуб гапиришлари назарда тутилган.

Қўйида девонда берилган диалектал хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар устида тўхталамиз.

Диалектлардаги ушбу фонетик хусусиятлар күрсөтилади. Турклардаги сүз бошида келувчи *й* ўгуза нағынада: йәлкін — элкін "мусофир"; йылығ сүү — ылығ сүү "илик сүү"; йинжү (йинчү) — жинжү (чинчү) "дур, марварид"; йуғду — жуғду (чугду) "түяниң узун юнгі" (I, 67); йәтги—жәтги (чэтти) "етищди"; йундум—жұндум (чундым) "ювіндім" (II, 364), йиги—жиги (чиғи) "пишиң" (III, 249). Кошгариининг таъкидлашича, "турклар билан" ўгузлар орасидаги бу хусусият ўзгармовчи, доимий бўлган (II, 364).

Сүз бошидаги *м* ни ўгузлар, қипчоқ ва суворинлар оға айлантирадилар: мән — бән "мен", мүн — бүн "шурва" (I, 67).

Сўздаги *т* ни ўгузлар ва улар яқинидагилар дә га айлантирадилар: тәшәй — дәшә(и) "туя", өт — өд "тешик" (I, 67); тақы — дақы "тағин" (II, 227).

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги *т* ишда — икта "жыйда" (I, 67).

Сўз ўртаси ва охирида келган *й* ни аргулар и га алмаштирадилар: қой — қон "қўй", чығай — чыған "камбал"; қайу — қану "қайси" (I, 67).

"*Б*иylan" маҳражлари орасидаги" (I, 68) ини ўгузлар ва уларга яқин турувчилар оға айлантирадилар: эв — эв "уй", ав — ав "ов" (I, 68).

Ўгуз ва қипчоқлар (халаҷларнинг бир тоифаси) сўз бошидаги *қ* ни *х* га айлантирадилар: қайу — хайу "қайси" (III, 237), қызым — хызым "қизим", қанда — ханда "қаерда" (III, 238).

Тиш-тиш Ҷ ли сўзларни қўллашда Маҳмуд Кошгари туркий диалектларни уч гуруҳга бўлади:

1) Тиш-тиш Ҷ билан сўзловчилар. Буларга чигил ва босқа туркий қабилалар киритилади. Жумладан "чигилча" деб кўрсатилган сўзлар: бозун "халқ" (I, 379), азын "бошка, бўлак" (I, 105).

2) Яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, жумул ва ўгузлар *й* га айлантирадилар. ҳеч маҳал Ҷ билан

¹ Девонда ч билан ж бир ҳарф воситасида (ж) ифода этилган. Нашрга тайёрловчилар бу ҳарф билан келган сўзларни ж билан, яъни йинжү, жыгай шаклида транскрипция қиласланлар (қаранг: I, 67). Назаримизда бундай сўзларни йинчү шаклида транскрипция қилиш маъқулга ўхшайди. Чунки туркларда ж лашиб кейинги ҳодиса. Қадимда унинг ўринда ч келган.

ўзламайдилар; қазын — қайын "қайнин дарахти", қазын — қайын "қайнага" (I, 68), азрық — айрық "ажриқ, бир ўт" (I, 136), баъзрам — байрам "шодлик кунин" (I, 447).

Айрим ўринларда бу диалектлар "з ни й га айлантирувчилар" деб кўрсатилган: бозун — бойун "жамоа" (III, 183), кәзүк — кәйүк "намат ва кигизлардан қилинган ёмғир ёпинчиги (III, 182).

3) Қипчоқ, ямак, сувор, булғорлар ҳамда русларга ва Румга қадар бориб тақаладиган босқа қабилалар з га айлантирадилар: азак — азак "бек", тозды — тозды "тўйди" (I, 68), қазын — қазын "қайнин" (I, 383).

Шунингдек, ўгузлардаги *й* ни қипчоқлар з га айлантирадилар: ёйла — вазла "пешин" туш вақти" (I, 137).

Ўгуз ва қипчоқларда товуш тушиш ҳодисаси кузатилади: тамсақ — тамақ "бўғиз", чумчук — чумук "оладали", бараган — баран "бораверадиган", ураган — уран қарға", ҳадеб ураверадиган" (I, 69).

Диалектларда, Кошгариининг мисол келтиришига кўра, ч нинг ж га (сирғалувчи) кўчиши [эринч — эринж "машнат", фарогат] (I, 152), жаранглининг жарангизлашуви [бышық — яғмоларда бышыр "пишиқ"] (I, 360) қаби фонетик параллелизмлар, шунингдек, метатеза [қошны ўгузларда қонши "қўшини" (I, 408)] ва босқа фонетик ҳодисалар ҳам кузатилади.

Морфологик хусусиятлар. Девонда ўша давр диалектлари орасидаги морфологик ўзига хосликлар ҳам ёритилган.

Жумладан, кўпчилик туркларда буйруқ бирлик учун бар, икки киши бўлса, барынлар иккигу (икковингиз боринг), кўплик чун барынлар қамуғ шаклида кўлланилган. Барын шакли ҳурматни ифодалаган. Ўгуз ва қипчоқлар бирликда бар, кўпликда эса барын дейдилар. Ҳурмат маъносида барынлар дейдилар (II, 51).

Турклар ўтган замонда ҳурмат маъносида барынлар дейдилар. Ўгузлар эса буни фақат кўпликда (ҳаммангиз бордингиз) кўллаганлар (II, 52).

Феълнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда диалектлар икки гуруҳга ажралади: яғмо, тухси, чигил, аргу, ўйғур, то Чингача бўлган ҳамма қабилалар -ди, -ди // -ты, -ти аффиксини қўшиб ясайдилар: барды "борди", келди "келди" қаби. Бу шаклини ўгуз ва қипчоқларнинг баъзилари — суворинлар -дуқ, -дуқ аффикси орқали ясанганлар. Буларда бирлик ва кўплик шаклда фарқ қилмаган:

мэн үа қурдук "мен ёй қурдим", биз үа қурдук "биз ёй қурдик" (II, 64), ол кэлдүк "у келди", биз кэлдүк "биз келдик" (II, 65). Бўлишсиз шаклини ҳам солиширинг бармады (туркларда) — бармадук (ўғузларда) "бормади" (II, 66).

Феълнинг келаси замон шакли ўғузларда қисқарган аффикс орқали ясалган: бошқа туркларда барыман — ўғузларда барыран "бораман", бошқаларда үа қурагар-мэн — ўғузларда үа қураган "ёй қураман" (II, 68).

II шахс бирликда шахс-сон -и аффикси билан ясалган: тапындық. Баъзи аргулар тилида у-ғ (-ғ)га айлантирилган: тапындуғ "топиндинг", сэн аны қачурдуғ "сен уни қочирдинг" (II, 194).

Чигил, қашгар, аргу, барсаған, уйғур ва юқори Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси-ғучы, -ғучи // -қучы, "ўғирловчи" сифатдошни қўллаганлар: қанғучы "сугарувчи", сағқучы "согувчи" (II, 55). Ўғуз, қипчоқ, яғмо, уғроқ, суворин, бажанак, -дачы, -дәчи // -тачы, -тәчи аффиксли шаклини қўллаганлар: бардачы "борувчи", турдачы "турувчи" (II, 53).

Чигил, яғмо, тухси, аргу, уйғур, то юқори Чингача бўлган ҳамма қабилаларда "исми замон", "исми макон" феъл ўзагига -ғу, -ғу // -ғу, -ғу аффикси қўшиб ясалган бўлса, ўғузлар, қипчоқ, бажанак, булғорларда Феълнинг үа қурғу оғур эрмәс — Бу үа қурасы оғур тәгул "Бу ёй қурадиган пайт эмас", Бу турғу йэр эрмәс — Бу турасы йэр тәгул "Бу турадиган жой эмас" (II, 71).

Лексик хусусиятлар. Маҳмуд Кошгари ўз давридаги диалектларнинг лексик хусусиятларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган. Мазкур асарда ўша даврда истеъмолда бўлган сўзлар ўрин олган бўлиб, умумхалқ тилининг лексик бойлиги акс эттирилган. Айрим ўринларда туркий бўлмаган сўзлар ҳам (жумладан, сугдча) келтириладики, бу эса ўзлашган сўзларнинг маълум қисми ҳам лугатдан ўрин олганини кўрсатади. Муаллиф сўзларни изоҳлар экан, ўрни билан уларнинг қайси бир диалектга мансуб эканлиги, диалектлардаги ўзига хос маъно хусусиятлари ва бошқа муҳим томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бу эса ана шу сўзларнинг диалектал табиатини очиб беради.

Шу ўринда Маҳмуд Кошгари томонидан маълум бир диалектга мансуб деб изоҳланган сўзлардан келтирамиз.

Ўғузлар қўллайдиган сўзлар: ашақ "тубан, қуий" (I, 97), алъиқ "қуш тумшуғи" (I, 98), экши "екин, экин экиладиган ер" (I, 107), ўзз "кичик чивин" (I, 112), арсу "ҳар бир жўн нарса" (I, 48), ҳар (чар) "вақт" (I, 312), чэр "рўпара" (I, 312), эндек "сатҳ" (I, 130), өркен "қайиш" (I, 132), эйлә "шундай" (I, 137), этрак "ранги сариқ одам" (I, 127), памук "момиқ, пахта" (I, 360), чөләк "тинч ва оғир киши" (I, 368), сынду "қайчи" (I, 395), қарынчақ "чумоли" (I, 460), сәчә "чумчук" (III, 238) ва б.

Чигиллар қўллайдиган сўзлар: ўд "сигир" (I, 80), ажуу "дунё" (I, 106), ўзи "икки тог орасидаги кенг йўл" (I, 116), айбақ "кал" (I, 139), ётқи "эваз, бадал" (I, 149), чэкак "чечак касаллиги" (I, 369), саман "сомон" (I, 392), қуичунды "пиёз" (I, 454).

Қарлуқча сўзлар: улычым "ўғилчам, қарогим" (I, 86), сугут "сузма" (I, 337), ўт керди "ит вовуллади" (II, 15)

Қипчоқча сўзлар: ёкил "кўп" (I, 103), аба "айиқ" (I, 113), сулақ "қора жигар" (I, 390), ажан "икки елканли кемса" (I, 144).

Аргула сўзлар (аргулар икки тилда сўзлашувчилар деб кўрсатилади — I, 65): узлуқ "оғил, молхона" (I, 124) изрик (< ирик) "қаттиқ нарса" (I, 128), оғла "ёш йигит" (I, 149), қыз киши "бахил одам" (I, 315), бўк "бурчак" (I, 321), чигит "пахта уруғи, чигит" (I, 337), көзаж "кўза" (I, 341), қазық "ёғоч идиш" (I, 363), тудрыч "гўнг" (I, 422), баштар "ўроқ" (I, 424), битрик "писта" (I, 441).

Яғмоча сўзлар: чарун "чинор дарахти" (I, 392), чигига "сурги" (I, 408).

Булғорча сўзлар: авус "мум" (I, 91).

Барсағанча сўзлар: арығ "чодир пардаси" (I, 94), түнәк "зиндан" (I, 387), сөкти "кепак" (I, 394), ачы "кеекса хотин" (I, 114).

Қашқарча сўзлар: сибут "кашнич" (I, 337), бутық "кичик меш" (I, 358).

Туркманча сўзлар: қарымт "ўғирлаш, талаш" (I, 338), тақуқ "товуқ" (II, 330).

Канжакча сўзлар: кэнбэ "бир ўсимлик" (I, 393), керка "ёғоч коса" (I, 405).

Девонда бир гурух сўзлар бир қанча диалектлар учун умумий бўлган деб кўрсатилади. Жумладан, қўйидаги сўзлар ўғуз ва қипчоқларда қўлланиши таъкидланган: алғи "ҳар нарсанинг қайтарилиши" (I, 95), арық "ориқ, заиф" (I, 97), чуфга (чувфа?) "йўл бошловчи, раҳбар" (I, 400). Ёки яна мисолларни кузатинг: эбмәк "нон" (яғмо, тухси ва баъзи ўғуз ва қипчоқлар сўзи) (I, 126), урга "кatta дараҳт" (ўғуз ва аргуча) (I, 148), бонәк "уруг" (арғу ва баъзи диалектларда) (I, 367).

Айрим сўзлар бир диалектда маълум бир шаклда бўлса, иккинчи диалектда унинг ўрнида бошқа сўз қўлланилган. Бу нарса Маҳмуд Кошгари томонидан ҳам алоҳида қайд этилган. Масалан, бошқа турклар идиш, коса, пиёлани айақ десалар, ўғузлар унинг ўрнида жанақ (чанақ) сўзини қўллаганлар (I, 112), турклар азын (бошқа, бўлак) десалар, ўғузлар азгуқ деганлар (I, 124), бошқалар камар, тўқа ва эгарнинг бошига ўрнатиш учун олтин-кумушдан ишланган зийнатни устам, ўғузлар эса саҳт деганлар (I, 131), турклар алмыла (яъни олма) десалар, ўғузлар алма сўзини қўллаганлар (I, 150), бошқа турклар ҳар бир оқ рангни ёруғ, ўғузлар ақ // а:қ деганлар (I, 153) бошқалар шароб, мусаллас, майни сўчик, Ила водий-сида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) майни қызыл сўчик деб атаганлар (I, 387). Кўпчилик турклар чықты десалар, яғмо, тухси, ябоқу, қипчоқ ва баъзи туркман уруғлари худди шу маънода ташықты сўзини қўллаганлар: Эр эйдин ташықты "Одам уйдан ташқарига чиқди" (II, 131).

Лексик қатлам орасида бир диалектда маълум маънода, бошқасида иккинчи маънода қўлланувчи сўзлар ҳам бўлган: Чигил туркларида улуш сўзи "қишлоқ" маъносида қўлланилган бўлса, Баласагун ва уларнинг юкори ёнидаги аргулар тилида "шаҳар" маъносини англатган (I, 94), бошқа туркларда илж сўзи "сигир" маъносида қўлланилган бўлса, ўғузлар тошбақанинг урғочисини шу сўз билан атаганлар (I, 135), бошқалар ошхонани ашлық, ўғузлар боғдойни ашлық деганлар (I, 137), бошқа турклар бургутни ва Муштари юлдузини қара қуши деб атаган бўлсалар, ўғузлар тую оёқларининг учига ҳам шу сўзни қўллаганлар (I, 319). "Кэнд — ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида

вилояттир" (I, 330), бошқа турклар қурт (ҳашарот) ни қурт деганлар, фақат ўғузлар бўрини шундай деб атаган (I, 328), бошқалар одамлар орасидаги шодлик ва кулгини баъзар, ўғузлар ҳайит кунини байрам дейдилар (I, 447). Турклар сэн сўзини кичикларга, хизматчиларга ҳамда сўзловчидан даража, мартаба, ёшда қўйи бўлган кишиларга нисбатан қўллаганлар. Ўзларидан юқори ҳурматли кишиларни сиз деганлар. Ўғузлар эса, аксинча, катталарга сэн, кичикларга сиз, деб қўллайдилар. Кўпликда ҳам шуни ишлатганлар (I, 326). Кўпчилик туркларда қапылды сўзи "сувалди, чапилди" маъноларини англатган бўлса, уйғурларда бу сўз "бўйнига урмоқ" маъносидадир (II, 135).

Полисемантик сўзларнинг баъзи бир маънолари айрим диалектлардагина амал қилган. Чунончи, ўғузларда чақды сўзининг "эшиттириди, айтди" маъноси ҳам қўлланилган: ол сөзуг анық қулақча чақды "у сўзни қулоғига эшиттириди" (II, 24). Соқды (майдалади; чўқиди; чақди) сўзининг "чақмоқ" маъноси ўғузларга хосдир: аны йылан соқды "уни илон чақди" (II, 26).

Бир гурух сўзлар диалектларда услубий жиҳатдан ҳам чегараланган эди. Жумладан, қылды салбий маънода ҳам қўлланилгани сабабли, ўғузлар ундан қочиб, унинг ўрнида этти сўзини қўллайдилар: эр ўйқунч этти "одам намоз ўқиди". Турклар эса қылды сўзини қўллаганлар (II, 33). Ёки турклардаги тэқинди — "эришди, мұяссар бўлди" маъносидаги сўзни, девон муаллифининг ёзишича, ўғузлар "ёқтирамайдилар" (II, 166).

Ўзлашган сўзларнинг миқдори бўйича ҳам диалектлар орасида фарқ бўлган. Буни Маҳмуд Кошгариининг қуйидаги маълумотида ҳам кўрамиз: "Ўғузлар форсийлар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсийча сўзлар қўллай бошладилар: қумған ўрнида офтоба; бақан ўрнида қалыда (бўйин тумор)" (I, 406).

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёдгорликларнинг ёзув ва товуш хусусиятлари эски туркий тилда ёпиқ э унлиси ҳам фарқланганидан далолат беради. Мазкур унли олд қатор э нинг торайиши нати-

жасида унга эш (вариант) сифатида шаклланди. Юмшоқ, ўзак, шаклларнинг маълум қисмида сўз боши ва сўзниң биринчи бўғинидаги э ёки и эски туркий тилда э га айлана бошлади. Қадимги туркий тилда эт — эски туркийда эт, әб — эш, эл—ил — эл, эш~иш — эш, йэр—йир — йэр, йети~йити — йети "7", бәг — бәг каби. Шунинг учун ҳам эски туркий тилда унлилар сони қадимгидан битта ортиқ: а, ә, э, ы, и, о, ө, .у, ү.

Араб хатида ёдгорликлар тилидаги тўққиз унли уч ҳарф ва ҳаракатлар билан ифода этилган: 1 ҳарфи а, ә билан бирга э ни, ә ҳарфи о, ө, у, ү ларни, әса ы, и билан бирга э ни ҳам англатган. Уйғур ёзувдан бу унлилар тўрт хил шакл воситасида ифода этилган: а—ә—ә; ы—и—ә; о—у; ө—ү

Эски туркий тилда ҳам бирламчи чўзиқ унлилар фарқланган. Бундай чўзиқлик ёзма ёдгорликларда ҳам маълум даражада акс этган. Жумладан, уйғур хатида чўзиқлик ҳарфларни иккилантириб ифода этилган. "Қутадғу билиг"нинг уйғур ёзувли Вена қўлёзмасида ана шундай чўзиқликни кузатамиз: ө:ч "ӯч", у:з "ҳунарманд", қо:ш—"қўшмоқ", тө:р "уйнинг тўри", қу:ш "қуш", ту:ш "туш" каби. Араб хатида чўзиқлик алифу мадда (۱) ва қўш алиф (۱۱), баъзида унлиларни тўлиқ ифодалаш билан ифода этилган. Жумладан, Маҳмуд Кошгарий бир қатор сўзларни қўш алиф билан келтиради: ځ||ا: چ "оҷ", ځ||ا: ш "ош, овқат", ځ||ا: و "ов", ځ||ا: ل "ҳийла", ځ||ا: ү "ой" каби.

Ёдгорликларда чўзиқлик доимо ёзувда фарқланаверманган. Ёзувда фарқланмаган бўлса ҳам улар, ўрни билан, чўзиқ талаффуз қилинаверган. Шу билан бирга, чўзиқлик қисқа ёки оддий товушга айлана олиши мумкин бўлган. Шунга кўра чўзиқ унлиларни оддий унлиларнинг фонетик варианти сифатида қараш тўғрироқ бўлади.

Консонантизм борасида ҳам эски туркий ёдгорликлар тили қадимги туркий ёдгорликлар тилидан маълум жиҳатлари билан фарқланади.

XI—XIV аср ёзма ёдгорликлари тилида жарангизз *n*, *m*, *c*, *ш*, *ч*, *қ*, *қ*, *x* ундошлари, жарангли *b*, *v* (~ *w*), *d* (~ *r*), *z*, *ж*, *F*, *g* ундошлари, *m*, *n*, *қ*, *r*, *l*, *й* сонорлари, шунингдек, ўзлашган сўзларда *ж*, *ф*, *ҳ* ундошлари мавжуд.

Ҳозир биз в деб ўқийдиган товуш ёдгорликлар тилида иккى хил: лаб-лаб (*в*) ва лаб-тиш (*w*) товуши сифатида фарқланган. Бу даврда *w* етакчи бўлиб, у в га вариант сифатида қўлланилган: *v~w*. Шунингдек, эски туркий тилда тишора ڻ ундоши ҳам мавжуд бўлиб, у д га вариант сифатида қўлланилган: *d~r*.

Араб хатида б билан *n*, *к—г*, *ч—ж* ундошлари асосан бир хил ҳарфлар билан ифода этилган (جـ). "Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк", "Тафсир", "Муқаддамату-л-адаб"да в дан фарқли ҳолда w учун алоҳида ҳарф бор (فـ//فـ). Эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида ("Қутадғу билиг", Девон каби) ўзлашган сўзларда учровчи ж учун ҳам махсус ҳарф (ڙـ) қўлланилган: اڙوٽ اچون "дунё". Кейинчалик мазкур ж ўрнида ч учрайди (ачун).

Уйғур хатида б—п, в—w, с—з, т—д, к—г, қ—f—x, ч—ж—ж лар ёзувда фарқланмаган. Ўрни билан, у ёки бу товуш сифатида үқилаверган.

Урхун-энасой ёдгорликлари тилида сўз бошида келувчи б эски туркий ёдгорликлар тилида м га айланган: буң—муң "мунг", бән—мән "мен", биң—миң "1000" каби.

Сўз ўртаси ва охирида келувчи б эса w (баъзан v) га айланади: әб — эш // эв "уй", әб—aw // ав "ов", суб—суw // суv "сув", табар — та w вар // тавар "мол, товар" ва б.

Урхун-энасой битигларида назаллашган һ бу даврда й га айланган: қон—қой "қўй", ҹыған—ҹығай "камбағал".

Урхун ёдномаларида фақат қ билан келувчи сўзлар бу давр тилида қ билан ҳам, х билан ҳам учрайди: ҹаган — ҳақан "ҳоқон", қалық — қалық // ҳалық "осмон", қалы — ҳалы // қалы "агар", қатун — ҳотин" каби.

Эски туркий ёдгорликлар тилида д лашибдан й лашибшга ўтиш жараёни акс этган. Эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида д~р билан қўлланувчи сўзлар кейинги давр ёдгорликларида з ҳамда й билан келади: адақ~азақ~айақ; эдгу~эзгу~эзгу~эйгу. Ҳатто баъзи асарларда бир сўзниң д // ڻ // з // й ли вариантлари учрайди. Масалан, "Тафсир"да: эдгу // эзгу // эйгу. Бу хусусиятлар манбалар тилида д лашибдан й яшишга силжиш жараёни акс этганилигидан далолат беради.

Эски туркий тилда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда қуйидаги хусусиятлар кузатилади:

Сұз бошида *n*, *g*, *л*, *з*, *в*, *r*, *ð* ундошлари кела олади панд "панд", ганж "ганж", Луқман — исм, захмат "захмат" дұ'a "дуо", вафа "вафо", рабат "работ" каби.

Үзлашған сұzlарда *χ*, *ф*, *ж* ундошлари ҳам учрайди шаҳим "шоҳим", насиҳат "насиҳат", испаҳсалар "спаҳсалар", фида "фило", ажун "дунё".

Түрклар үзлашған сұzlардаги 'айн (ɛ) ни талаффуз қила олмаганлар. Бу товушни улар түркчалаштирганлар: -ақл "ақл", -асл "асл", -умур "умр" ва б. Шунингдек, түрклар үзлашған сұzlардаги *ضططط* ларни ҳам талаффуз қила олмаганлар. Уларни *t*, *c*, *з*, сифатидә талаффуз қилғанлар. Лекин үзлашған сұzlарга ёзув принципи құлланилған, яғни арабчада қандай ёзілса, түркій матндарда ҳам шундай ёзилған. Мисоллар: *لِلْ* масал, *مَرَاصِ* низам, *بِصَابَا*, *لِهَـا* тата.

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

СҰЗ ЯСАЛИШИ

Эски түркій тілде сингармонизм қонуни (унлилардаги танглай ва лаб уйғунылығы, ундошлардаги жаранглилік ва жарангызылк уйғунылығы) амал қылғани сабабли үзакка құшилувчи аффиксларнинг ҳам фонетик вариантлари мавжуд. Жұмладан, от ясовчи -ғ нинг юмшоқ -ғ варианти ҳам бұлған. Үзакнинг табиатидан келиб чиқиб, у ёки бу варианти құшилған. Масалан, *айт* сұзи қаттиқ бұлғаны учун унга -ғ құшиб янги сұз — *айтығ* (сүроқ) ясалған. Ёки *ұтұғ* (дазмол) сұзи тарихан *от* (олов)га эмас, балки *ұт-* (қызитмоқ, күйдірмак; Навоийда ұт — каллани үтга тутиб, тукини тозалаш) сұзига бояланади. Шунинг учун унга аффикснинг юмшоқ -ғ варианти құшилған. *От* га бояланганда эди, унга -ғ құшилған бұларды, чунки *от* қаттиқ үзак. Сұз ва аффикс орасидаги бундай уйғунылықнан күрсатувчи мисоллардан истаганча келтириш мүмкін: натижаси бир — сингармонизм қонунига амал қилинганд.

Хозирги үзбек адабий тилимизда сингармонизм, маълум даражада, чекланған бұлишига қарамай, түркій тилининг қадимий хусусиятини кузатиш мүмкін. Масалан, *ұтқаз* сұзидә қ нинг құшилғанлығы табиий, чунки *ұт* (ўсимлик) тарихан қаттиқ үзак (*от*). "Ұтқазиб құймоқ" маъносидаги *ұтқаз* сұзига юмшоқ-каз құшилади, чунки *ұт-* (*от*)

юмшоқ үзак. "Дарақт ұтқазмоқ" маъносидаги *ұтқаз* сұзидә әса-қаз келади, бунинг сабаби *ұт* (от) қаттиқ үзактир. Іки ташқи, ички сұzlаридаги -қи билан -қи бир аффикснинг иккى хил вариантидир: таш сұзи қаттиқ бұлғаны сабабли унга -қи; ич сұзига әса, аксинча, -қи құшилади. Лекин қишики, ёзғи сұzlарida уйғунлик бузилған — уларға үринсиз ҳолда юмшоқ -қи, -ғи құшилған. Бу ҳозирғи үзбек тилида сингармонизмнинг бузилғанлығы натижасида содир бұлған. Аммо сингармонизмни сақлаган бошқа түркій тилларда ушбу сұzlар қышқы, ыазқы шаклидады.

Энди ҳозирғи *тенг* — юмшоқ, *қур* — қаттиқ морфема. Тарихан юмшоқ үзакка аффикснинг қаттиқ варианти құшилмаган. Демек, бу сұздаги қур құшимча эмас, мустақил сұз бўлиб чиқади¹. Яғни *тенгқур* тарихан құшма сұздир. Қур ҳам "тенг" маъносини билдириган: *тенг* + *тенг* = *тенгдош*.

Қуринадиқи, тил тарихида аффиксация усули билан сұз ясалишида фонетик принцип етакчи ҳисобланған.

Энди эски түркій адабий тилидаги сұз ясовчи аффиксларни күриб чиқайлик.

Бу давр тилида от ясовчи қүйидаги аффикслар құлланилған.

а) исмдан от ясовчи аффикслар:

-чи, -чи: отачы "табиб, тапуғчы" "хизматчи", этүкчи "этикдўз", элчи "эл бошловчи".

-лық, -лығ, -лик, -лиғ // -лук, -луғ, -лук, лүг: ҹығайлық "гадолик", бағырсақлық "мөхрибонлик", көнилик "түғрилик", көзлүк "күзойнак", әлиглик "қўлқоп".

-даш, -даш // -таш, -таш: қолдаш "ҳамроҳ", қадаш "қариндош", көңгилдәш "күнгилдош", түдәш "рангдош, турлдош".

-дұрақ, -дұрүк: сақалдуруқ "қалпоқ бөгичи", бойундуруқ "бүйинтуруқ", көмүлдүрүк "от жабдуқи".

-лағ, -лақ, -ләғ, ләқ: тарығлағ "экинзор", өдләк "замон".

-дүк, -дүк: бурундуқ "жилов, нұхта".

-дың, -дин: айдың "ойдин".

-сақ, -сәқ: қуруғсақ "мөъда".

-сүк, -сүк: бағырсуқ "ичак".

¹ Тарихан құшма сұз қисмлари турліша булинши ҳам мүмкін. Масалан: Күнтүғды — исм.

-ум, -ут: өгүт "үгүт, насиҳат".

-чақ, -чәк: бағырчақ "әшак тұқими", тәрінчәк "хотин-ларнинг енгисиз кийими, нимча".

-чук, чук: йанчук "жамён; тұрва".

-ч: ашыч "қозон".

б) феълдан от ясовчилар:

-ғ, -ғ: батығ "чүкүр", айтығ "сүроқ", йарағ "қурол", қапуғ "әшик", қошуғ "құшиқ", битиг "китоб", билиг "билим", өлүг "ұлик".

-қ, -қ: йазуқ "гүнох", қонуқ "меҳмон", қарақ "күз", үгүрәк "юрак", кәчік "кечіг, үтиш жойи", түнәк "тунаш жойи; зиндон", тиләк "тилак", бичәк "пичноқ".

-м: ақым "оқим", сағым, "соғим, соғишилик", өлүм "ұлим", алым "олим (қарз)", берим "берим (қарз)", кәдим "кайим".

ч: өкүнч "үкінч", инәнч "ишонч", сақынч "қайғу", сәвинч "севинч", умунч "умид".

-ыт, -ит // -ут, -ут: сыйыт "йиғи", йанут "жавоб", кәзүт "кайим", қонут "жой".

-мақ, -мәк: қысмақ "сиртмоқ, тузоқ", чақмақ "чақмоқ".

-ғу, -қу, -ғу, -қу: бычғу "пичноқ", қанағу "наштар", құлғу "кулғи", сүпүргу "супирги", кәзғу "кайим".

-ғә, -қә: билә "доно", өғә "ақдли, билимдон", тилә "тилим, бүлак".

-ғақ, -қақ, -ғәк, -қәк: йатғақ "соқчи", түрғақ "посбон", орғақ "ұроқ".

-ғүн, -қүн, -ғүн, қүн: түтғүн "асир, тутқун", қачын "қочоқ".

-сығ, -суғ: күн батсығ "күн ботар, Ғарб", күн түғсүғ "күн чиқар, Шарқ".

-ыш, -иши // -үш, -үш: тоқуш "уруш", уқуш "үкүв-идрок", чықыш "фойда, манфаат".

-и: ақын "сөл", әкін "әкин", түгүн "түгүн", бөгүн "бүгүн".

-мыш, -миш: йәмиш "мева".

-мур: йағмур "ёмғир".

Сифат ясовчи қүйидаги аффикслар құлланылған:

-лығ, -лиғ // -луғ, -лұғ: йарағлығ "яроқли", үқышлуғ "заковатли", құчлұғ "кучли", үнлұғ "овозали".

-сыз, -сиз // сүз, -сүз: йарағсыз "яроқсиз", этсиз "гүштсиз", көрксүз "күрксиз", түбсүз "тубсиз".

-сақ, -сәк: бағырсақ "күнгилчан", тапуғсақ "садоқатли", үдүғсақ "хүшәр".

-сығ, -сиг: құлсығ "құлсімон", зерсиг "эрсімон", бәгсиг "бексімон".

-қы, -ки: йазқы "баҳорғи", йайқы "ёзги", қышқы "қишики".

-ғ, -ғ, -ғ: ачығ "аччиқ", қуруғ "қуруқ", үумшақ "юмшоқ", сүчуг "ширин", сәвүг "севимли".

-л: қызыл "қизил", түгәл "тугал".

-и: толун "тұлин (ой)", түзүн "тұғри", әркін "әркін".

-уз, -үз: йавуз "ёвуз".

-ры, -ри: әгрі "әгри".

Эски түркій тилде равишилар қүйидаги аффикслар орқали ясалған:

-ла, -ла: ынла "чиндан".

-лайу, -ләйү: адыглайу "айиқдек", арсанлайу "арслондек".

-тәг: тәтир -тәг "түядек", бұлымт-тәг "булутдек", оқ-тәг "ұқдай".

-ча, -ча: тиләкча "тилаганича", кәдимча "кайиш учун керагиича".

-ру, -рү: ыәтру "тугал", бұтру "бутунлай".

Феъл ясовчи қүйидаги аффикслар учрайди:

-а, -ә; -у, -ы, -и: ата "ата", ыашна "яшна", аша "оша", күчә "зүрлік қыл", түнә "туна"; ағруды "огирлашды", байуды "бойиди", кәңүди "кенгайди"; әлиди "хүл бүлди".

-ла, -ла: қышла "қишила", қарала "қора ранг бер", қылычла "қиличла", сұла "лашкар торт".

-да, -да // -та, -та: алда "алда", оқтамты "үк оттириди", үндә "унда".

-ад, -әд, -аз, -әз: құтад- "бахтта етказ", муңад - "мунгли қыл",

буқаҙты "буқа бүлди", әрәзты "әрлар сафига үтди".

- (а)р, - (ә)р: қарарды "қорайди", әскирди "әскирди", өрүңәрди "оқарди", көкәрди "күкарди".

-ғар, -қар, -ғәр, -қәр: атғарды "отга миндириди", отғарды "үтлатди", сүнғарды "сүгарди".

-сын, -син: улугсын "үзингни улуг тут", эшсінди "үз уйи ҳисобланди".

-ик: бирик "бирик".

-ал, -әл: оңал "үнгаль, тузал".

-рәтт: өгрәт "үргат" ва бошқалар.

СҮЗ ТУРКУМЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Эски туркий ёдгорликлар морфологик жиҳатдан анча ўзига хос. Уларда бир томондан қадимий шакллар сақланган бўлса, шу билан бирга, тилнинг кейинги даврларида хос хусусиятлар акс этган. Бундан ташқари XI—XIII аср ёдгорликлари билан XIV аср обидалари тилида маълум фарқни кузатиш мумкин. Жумладан, "Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарларида кўпроқ урхун-энасой обидалари тилига хос хусусиятлар сақланган, "Муҳаббатнома", "Хусрав ва Ширин"нинг тили эса XV аср асарлари тилига яқинлашади.

"Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" каби асарлarda қелишиклар еттига. Мисол тариқасида, "Қутадғу билиг"¹ ва Алишер Навоий асарлари тилида² қўлланилган келишикларни солишириб кўрайлик:

Келишиклар	"Қутадғу билиг"да	Навоий асарларида
1. Бош к.	—	—
2. Қаратқич к.	-ның, -ниң, // -нуң, -нұң; -ың, -иң // -үң, -үн,	-ның, -ниң // -нуң, -нұң,
3. Жўналиш к.	-қа, -ға, -қә, -ғә; -а, -ә, -ғәру, -ғәр; -ру, -рү; -ра, -рә:	-қа, -ға, -қә, -ғә; -а, -ә; -на, -нә
4. Тушум к.	-ғ, -ғ (-ығ, -иг // -үғ, -үғ); -ны, -ни; -н; -ы, -и	-ны, -ни; -н
5. Ўрин-пайт к.	-да, -дә // -та, -тә	-да, -дә // -та, -тә
6. Чиқиш к.	-дан, -дән, -дын, -дин; -тан, -тән -тын, -тиң - дун, -дүн; -да -дә	-дын, -дин // -тын, -тин
7. Восита к.	-н (-ын, -ин // -ун, -үн)	

¹ Каримов К. Категория падежа в языке "Қутадғу билиг". Автореферат канд. диссерт., Ташкент, 1962.

² Абдураҳмонов Г., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент, 1984, 51–68-б.

XV аср тилида келишиклар олтита. Қадимги туркий тил ва XI—XIII аср ёдгорликларида кўп учрайдиган восита келишиги бу даврда қўлланилмаган. Унинг вазифасини ўрин-пайт келишиги ва бирла-била-илэ қўмакчиси бажара бошлади.

Шунингдек, "Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк"да тушум келишигининг -ны, -ни; -н; -ы, -и аффикслари билан бирга қадимий -ғ, -т аффикси ҳам кенг қўлланилган: *Байат аты бирлә сөзүг башладым / Төрүтгән иғизгән кечургән иғим* — Худо номи билан сўзни бошладим / Яратган, парваришилаган, кечирган эгамдир (ҚБ). Отаци қөзүг энучләди — Табиб кўзни даволади (ДЛТ). Тушум келишигининг бу аффикси ҳам кейинчалик истеъмолдан чиқсан. XI аср ёдгорликларида жўналиш келишигининг -ғару, -қару, -ғәрү, -қәрү; -ғар, -қар, -ғәр, -қәр аффикси ҳам кейинги даврларда учрамайди.

"Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк"да баъзан чиқиш келишигининг -да, -дә шакли ҳам учрайди: *Тақы мёндә ўзгрәк сэн айғыл ача* — яна мендан дурустроқ, очиқ қилиб ўзинг айт (ҚБ), *Көгүш тут ўигитлик кәчэр сэндә тәрқ* (Йигитликнинг) қадрига ет, у сендан албатта қочади (ҚБ). Кейинчалик чиқиш келишиги бу шаклда ифода этилмаган.

Эски туркий тилда составли саноқнинг қадимги ўзигирми (17), бәш отуз (25) типидаги тури учрамайди. Бу даврда саноқнинг янги усули қўлланилган: отуз ики, он ики каби.

Тартиб сон қўшимчаси -нч; -нчи, -нчи шаклида учрайди: бәшинч — бешинчи, онунч — ўнинчи, ўигирминчи — ўигирманчи каби.

"Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк" ёдгорликларида ики га -нди аффиксини қўшиб, икинди шаклида ҳам қўлланилган.

Жамловчи сон саноқ сонга -ағу, -әғу аффиксини қўшиш билан ясалган: икәғу — иккала, үчәғу — учала. Ҳозирги -ала аффикси тарихан ўшанга бориб тақалади: икәғу > икәү > икәв > икәв + -лән > икәвлән > икәвлә > икәлә.

Эски туркий тилда кишилик олмошининг учинчи шахс бирлиги ол // ул бўлиб, келишиклар билан турланганда

а (и) - шаклини олади: аңар, аны, андын. Кишилик олмошлари турланганда мәндін, сәндін, биздә, сизгә билеңдер көтөрдө мәниңдін, сәниңдін, бизиңдә, сизиңде шакларыда ҳам учрайди.

Күрсатиши олмошларидан бу, ол // ул, ошбу, ошул, муну, мундағ, андағ кабилар құлланилган. Бу олмоши келишик құшимчасини олганда сүз бошидаги б м га айланади: мұны, мұның, мұңар; ол // ул олмоши а (и)-га үзгәради: аны, анда.

Сүроқ олмошларидан ким, нә, нәчә, нимә, нәкү, нәлүг, нәчүк, нәрәк (нимә учун), нәкү-тәг ~ нә-тәг (қандай), қайу ~ қану (қайси), қайда ~ қанда, қайуқа (қаерга), қанча, қач (қанча), қачан кабилар мавжуд.

Эски туркій ёдгорликлар тилида үзлик олмоши өз билан бирга баъзан кәндү олмоши ҳам учрайди.

Белгилаш олмошларидан қамуғ, барча, тәзмә кабилар құлланилган.

Сифатдошнинг -дачы, -дәчи // -тачы, тәчи; -дуқ, -дүк // -туқ, -түк; -ғлы, -ғлы; -ғу, -ғу // -қу, қу; -ғұчы, -ғұчи // -құчы, -құчи; -асы, -әси; -р (инкор шакли -маз, -мәз // -мас, -мәс); -ғалыр, -ғәлір; -мыш, -миш; -ған, -ғән // -қан, -қән; - (ы)ғсақ, - (и)ғсәк; - (ы)ғсық, - (и)ғсик; - (ы)ғсы, - (и)ғси; -нды, -нди аффиксли шаклары құлланилган. Мисоллар: бардачы — борған, көрмәдүк — күрмаган, көрүгли — күрадиган, қылғу — қыладиган, қәлгүчі — келувчи, құрасы — қурадиган, йұрырда — юрганда, сүш бермәсгә сүт бер (ДЛТ), көнгәлір — түгріланаётір, ғазмыш арық — қазилған ариқ, төрүтгән — яратған, қәлігсәк — келған ва б.

Равищдош -а, -ә; -у, -ү (-йу, -йү); -б; -бан, -бән: -мадын, -мәдин // -мады, -мәди; -ғалы, -ғәли // -қалы, қали; -ғач, -қәч // -қач, -қәч; -ғынча, -ғинч // -ғұнча, -ғұнча аффикслари билан ясалған: түзә — тузиб, мәңзәтү — қиёслаб, сыйай — синағ, битиб — ёзиб; қәзібен — кезиб, билмәдин — билмай, алғалы — олғани, әшиткәч — әшитқач, тоғмағынча — түймагунча каби.

Харакат номи -мақ, -мәк, -иши (-ыш, -иш // -уш, -уш) аффикслари, шунингдек, баъзан -ғу, -ғу // -қу, қу билан ҳам ясалған: түзмәк — тузмоқ, бақыш — қараш, боқиши, айтығу кәрәк — айтиш керак; Қатығ ланғу ашну тил алғу кәрәк / Бу тилдин ғағы қылқы билгү кәрәк —

Мустақкамланиб, сүнг тил олиш керак, бу тилдан ёв қилигини билиш керак (ҚБ).

XI аср тилида үтган замон феълининг -ды, -ты аффиксли шаклидан ташқари, үрни билан, сифатдошнинг -мыш; -дуқ аффиксли шакллари ҳам ишлатилған. Сифатдошнинг -дуқ аффикси бир неча хил грамматик вазифаны бажарған. Жумладан кесим вазифасыда келиб, үтган замон маъносини ифодалайди. Лекин унинг мазкур вазифаси айрим диалектлар, ёдгорликлар билан чекланған. -дуқ аффиксли шакл бу вазифада келғанда учинчи шахс шаклида құлланилған бўлиб, биринчи ва иккинчи шахслар учун ҳам шу шакли ишлатилаверган. Шахс-сонни ифодалаш учун кишилик олмошлари құлланилған. Шунга асосан -дуқ маъно жиҳатдан -ды, -ты аффиксидан фарқ қилмайди: Мән йа құрдуқ — Мен ёй қурдим (ДЛТ); Өзүң тапламадуқ бару қәлмәкى — Бу ерга келмагинги ўзинг манзур кўрмадинг (ҚБ).

-мыш, -мии аффикси ҳам үрни билан үтган замон шакли сифатида ишлатилади: Йәмә йақышы аймыш бу өглүг киши — Мана бу оқил киши янада яхшироқ айтибди (ҚБ).

"Қутадғу билиг"да шахс-сон бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин: Сәңә бәрди бу панд өзүм эй оғул — Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил.

Мисолда биринчи шахс бирлик үтган замон феълига эмас, үзлик олмошига құшилиши натижасыда ифода этилған.

Шунингдек, иккинчи шахс бирликни кузатайлик: Муну сөзләдим сөз әшитти өзүң — Мана, сүз сүзладим, сен (еса) әшитдинг.

Хозирги-келаси замон -р (-ар, -әр, -ыр, -ир // -ур, -үр); -йур, -йүр, инкор шакли еса -маз, -мәз // -мас, -мәс аффикслари билан ясалған: қалыр — қолади, сөзләйүр — сүзләйди, болмас — бўлмайди каби.

Келаси замоннинг учинчи шахс бирлиги -ғай, -гәй // -қай, -қәй, шунингдек, унинг қисқарған -ға, -ғә // -қа, -қә аффикси билан ясалған: қалғай — қалға (қолади) каби. Биринчи ва иккинчи шахс бирлиги еса -мән, -сән бояғламаларини құшиш орқали ҳосил қилинған: барғайман — борғайман, кәчүргәй-сән -- (бошдан) кечирасан, ўтказасан.

Ҳозирги ўзбек тилидаги буйруқнинг иккинчи шахс кўшимида -гин эски туркий тилда -ғыл, -ғил // -қыл, -қил; -ғын, -гин // -қын, -кин шаклида қўлланилган: турғыл ~ турғын каби.

Ҳозирги ўзбек тилидаги буйруқнинг учинчи шахс бирлиги -син ўринда -сун, -сун; -суны, -сұни; -су, -сұ қўлланилган: тәгүрсун — етказсин, йашасуны — яшасин, тәбрәсү — тебрансин.

Истакнинг биринчи шахс бирлиги -айын, -эйин; -айы, -эйи: -ай, -әй, қўплиги эса -алым, -әлим; -алы, -әли ёрдамида ифода этилган: барайын — борайин, сыналым — синайлик.

Эски туркий тилда шарт майлиниң қадимги -сар, -сэр шакли учрамайди, фақат -са, -са қўлланилган. Характерлиси, "Қутадғу билиг"да -са, -са аффиксли шакл биринчи ва иккинчи шахс бирликда шахс-сон қўшимишини қабул қилмайди. Шунинг учун бу ўринда ёрдамчи воситалар қўлланилади. Жумладан, мэн, сэн (мә, сә) олмошларини келтириш билан шахс-сон ифодаланади: Нәқу́луг тәсә-сән уқушсуз турур — ўқув-идроксиз қандай бўлади, десанг. Кәрәклиг турур бу қадаш айса-мә — Мен (сенга) айтсан, бу кераклидир, қариндош.

Шунингдек, гап таркибидаги ўзлик олмошига шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳам ҳосил қилинган: Киши аслы билмәк тиләса өзуқ — Сен ўзинг киши аслини билишни истасанг ва б.

Эски туркий тилда кўмакчилардан бирла ~ билә, учун, ўзә ~ ўзлә, ичра ~ ичиндә, ара, тана ~ танару (томон), баса (яна, кейин), кәдин ~ кәзин ~ кәйин, отру (рўпара), отру (сўнгра), адын ~ азын (бўлак), соң, бару (бери), тәзи (қадар), ўзу (кейин, изма-из), ашну (олдин, аввал), бурун кабилар қўлланилган.

Бириктирувчи боғловчилардан тақы, йәмә ~ йана, ма, ҳам, у, ва, айирув боғловчилардан йа, азу, ара..., ара... қўлланилган. Шунингдек, валәкин ~ валәким зидлов боғловчиси, на инкор боғловчиси, ҳарки, қалы, апаң (агар) каби эргаштирувчи боғловчилар учрайди.

Сўзга қўшиб қўлланилдиган юкламалардан -му; -мы, -ми, -оқ, -өк; -ла, -лә; -чу, -чү; -мат, -мәт, мустақил юкламалардан ош // уш, кәрәк, магар кабилар ишлатилиди.

Эски туркий тилда эй, айа, ӣараб, илаҳи ~ илаҳа, дарига каби ундовлар бўлган.

ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТИ ҲАҚИДА

Лексик жиҳатдан қадимги ва эски туркий тил ёдгорликларининг фарқи уқадар катта эмас. Қадимги туркий ёдгорликларда қўлланилган сўзлар эски туркий тил даврида ҳам деярли сақланган. Характерлиси, ёзма обидаларнинг, айниқса кўхналариңинг, лугат таркиби асосан туркий сўзлардан иборат. Бу эса тилимиз ўша даврларда ётгатда тараққий этган, чексиз имкониятга эга бўлганидан далолат беради.

Ёдгорликлар билан бизнинг орамизни кўп юзийиллар ажратиб туради. Табиийки, ўтган давр мобайнинда тилимиз анча ўзгарди. Ўша кезларда мавжуд бўлган сўзларнинг маълум қисми ҳозирда истеъмолдан чиққан. Масалан, ёдгорликлар тилида қўйидаги сўзлар кенг қўлланилган: ажун—дунё, олам, адын ~ азын—бошқа, ал—ҳийла, алын—пешона, алтын — ост, арығ — тоза, арқыш — карвон, ақы ~ ахы—сахий, ағы—ипаклик, билғэ — доно, бодун ~ бозун—халъ, чыған ~ чығай—камбағал, иғ—касаллик, йагуқ—яқин, йула—чироқ, қандил, йунд—от, йилқи, уюр, мөңуз — шох, сандувач — булбул, сү, чэрриг — лашкар, төрғи — қонун, өқуз — дарё ва б.

Ёдгорликлар лугат таркибининг катта қисмини ҳозирги туркий тилларда қўлланувчи сўзлар ташкил этади: оғул — ўғил, қыз — қиз, көз — кўз, көнгүл — кўнгил каби. Улар орасида товуш ўзгаришларига учраганлари ҳам кўп. Масалан, ёдгорликлардаги адак ~ азақ ~ азақ ~ айақ — ҳозирги ўзбек адабий тилида оёқ шаклида, адиг ~ азығ ~ адүғ — айығ сўзи айиқ; эв ~ эв ~ үй ~ үв ~ үй; эдәр ~ эзәр — эгар, эдгу ~ эзгу ~ эйгу — эзгу; буз ~ муз — муз; йадағ ~ йаҳағ — яёв; йағы — ёв; йағмур — ёмғир; кўргәк — курак, оргақ — ўроқ, тәвә ~ тәвәй — тую ва б.

Шунингдек, айрим сўзлар ҳозирги тилимизда баъзи сўз ва иборалар таркибидаги ҳам сақланган. Жумладан, ёдгорликларда "пороль, белги" маъносида им сўзи қўлланилган. Бу сўз қадимги туркларнинг мақолида ҳам келган: Им билса, эр өлмәс (ДЛТ). Ҳозирги ўзбек тилида эса у имла сўзининг, им қоқди, имо қилди каби ибора-

ларнинг таркибида сақланган. Ёки ёдгорликларда эмгек (меҳнат, заҳмат), қон- (тур) сўзларини ўзбек халқ тилида учратишимиш мумкин. Жумладан, Андижон шевасида: *Ғунахин эмгагини кўради; Қиши ўчоги тор, қўп уйингга бор.*

Ўзбек адабий тилида қўлланилмаётган қадимги сўзларнинг маълум қисмини ўзбек шеваларида ҳам учратиш мумкин.

Ёдгорликлар тилини ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёслаганда айрим сўзларнинг маъноси кенгайганилиги ёки, аксинча, торайғанилиги ёки қадимиий маъноси умуман истеъмолдан чиққанлигини кузатамиз. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида *тўн сўзи*, асосан, "чопон" маъносини билдиради. Қадимда унинг маъноси ҳозиргига нисбатан кенг: *тон* — кийимнинг барча турини англатган. *Тон* га бошқа сўзларни жуфтлаш орқали ҳам қўшимча маънолар ҳосил қилинган: *тон кэдим* — кийимнинг барча тури (кийим-кечак); *тон опрақ* ҳам худди шу маънодадир (*опрақ-кийим*); *тон толум* (*толум-қурол*) — қурол-аслаҳа. Масалан, ҚБ да:

Иэмэ айту турса эрэт ҳалыдын
Ачы ҳам тоқы йа тонын опрақын —
(Яна лашкар ҳолидан хабар олиб турса,
Уларнинг очи ҳам тўқидан ёки кийим-кечагидан
(хабар олса).
Бу Айтольди этти көр ат тон толум
(Бу Ойтўлди, қурол-жабдуқлари, отини ҳозирлади).

Ёдгорликлар тили синонимларга бой. Мисоллар: *эвлиқ, киси* (хотин); *бөгү, билгә* (доно); *қарағу, көзсүз* (кўр); *өт, сав, өргиғ, өгут, панд*; *адаш, қолдаш, эрдәш, дост*; *отачы, эмчи, ҳаким; көни, чын, тұз; битиг, китаб; қапуғ, әшик* ва б.

Ёдгорликлар тилида омонимлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Қуйидаги мисолларни кузатинг:

Ал I — ҳийла, алдов; ал II — ол, қизил; ал III — қуйи. Булардан ташқари ал-(ол-) феъли ҳам бўлган.

Балық I — балиқ; балық II — шаҳар, қальба; балық III — балчик, лой. Ҳозирги Бешбалиқ, балиқтум номларида "шаҳар" маъноси сақланган.

Ёдгорликларда: көк I — осмон, көк II — асос, илдиз; таг-туг, (шариғат көкү; көкү ким); көк III — озод, эркин

(көк түрк); көк IV — эгар чилвири; көк V — машаққат, меҳнат; көк VI — ранг; көк VII — тажрибали (көк бөри) ва б. Шулардан янги сўзлар ҳам ясалган: көкчин — оқсоқол, кекса; көклә — эгарни чилвирла.

Ҳозирги тилимизда уларнинг бир қанчаси мавжуд: I. Осмон. II. Кўк, сабза. III. Ранг. IV. Кийим тикиш жараёнида ҳам қўкли сўзи қўлланилди.

Ёдгорликларда: от I — олов, ўт; от II — ўт, ўсимлик; от III — дори; оғу, заҳар. От (дори) дан от эм (дори, даво), отачы (табиб) сўзлари ясалган.

Өт I — насиҳат; өт II — ошқозон ўти; өт III — ин. Булардан ташқари өт- (тұмак), өт- (куйламак) феъллари ҳам бўлган.

Ёдгорликларда тұз — текис (тұз йэр), тенг (бәш эрнәк тұз эрмәс); тұғри, рост маъноларда қўлланилган. Шунингдек, тұз- (тұмак), ғұз- (текисламак — ол йәриг тұзды) феъллари ҳам қўлланилган.

Маълумки, тарихан ўзак қаттиқ бўлса, албатта унга аффикснинг қаттиқ варианти, аксинча, юмшогига қўшимчанинг ҳам юмшоқ варианти қўшилган. Ҳозир ҳам бунинг таъсирини кузатамиз. Масалан, туз (ош тузи) қаттиқ ўзак бўлгани учун унга аффикснинг қаттиқ вариантини қўшиб тузлуқ сўзи ясалган. От (ўсимлик)ка қўшимчанинг қаттиқ турини қўшиб ўтоқ сўзи ёки, аксинча, тұз (тұғри, текис) юмшоқ ўзак бўлгани учун текисликни тузлук дейилади; өт (ошқозон ўти)га эса юмшоқ қўшимча қўшиб ўтака сўзи ясалган. Бундай мисоллар тилимизда кўп.

Характерлиси, қадимги ва эски туркий тилнинг лексик бойлиги кейинчалик ҳам давом этди. Айниқса, классикларимиз аждодлар тилидан унумли фойдаландилар. Бунга Лутфий, Навоий, Бобур асарларининг тили яққол мисол бўла олади. Алишер Навоий ўзининг "Мұҳқомату-лulgataйн" асарида көк нинг 5 хил маъносини келтиради: I. Осмон. II. Оҳанг, куй. III. Атрофда қўкламак. IV. Оёқдаги қадағ. V. Сабза ва ўланг.

Ана шу асарида тұзнинг 6 хил маъносини фарқлайды: I. Ўқ, найза. II. Текис, дашт. III. Рост киши. IV. Созни тузмакка амр. V. Икки киши орасидаги келишиш. VI. Мажлис асбоби.

Туркий тилнинг ана шу лексик бойлиги ўзбек мумтоз адабиётида ажойиб шеърлар яратишга имкон берган. Лутфий туюқларидан келтирамиз:

Мэн көңүл бәрдим йаңақың алына (алы-на).
Болмадым вакыф бу макр-у алына (алы-на).
Эмди лайбүд чара йоқ көрмәк кәрәк,
Хар нә тәнри салмыш олса алына (алын-а).

Ушбу туюқдаги биринчи ал "қизил", иккинчиси "хийла", учинчи алын эса "пешона" маъносида.
Еки:

Тұз, бәгім, бу дамда суҳбат көкини,
Тут айағ, кәс дард-у ғамның көкини.
Илгіндін гар кәлсә башқа тут айақ,
Көзгә илмән дүниәның йэр-көкини.

Бу туюқда биринчи қек — "авж, куй", иккинчиси — "илдиз, асос", учинчиси эса "осмен" маъносида.

Әдгорликлар тилида қадимги турклар ҳаётининг барча соҳаси: ҳаёт тарзи, машгулоти, жүргөфий шароити, илм-фан, маданияти ва бошқалар акс стган. Характерлиси, лугат таркибининг асосий қисми туркий сұзлар. Ҳатто, астрономик жисмлар ҳам ўша кезде туркий отлар билан юритилған. Жұмладан, "Қутадғу билиг"да шундай астрономик номлар учтайды. Сәкәнтип — Зұхал, Оңғай // Қара құш — Мұштарий, Қөрүд — Миррих, Йашық — Шамс, Сәвіт — Зұхра, Тиләк — Орзу, Йалчық — Ой, Қозы — Ҳамал, Уд — Савр, Эрәндиз — Жавзо, Учық — Саратон, Құр Арслан — Асад, Бүгдай башы — Сунбула, Үлгү — Мезон, Чыдан — Ақраб, Йа — Қавс, Оғлақ — Жадий, Қөнәк — Даљ, Балық — Ҳут, Йәтиқән — Етти қароқчи юлдуз, Йылдырық — Сириус, Адғыр — Айғир каби.

Әдгорликлар тилида мучал йил номлари ҳам бор. Манбаларда улар шундай тарзда учрайди (тартиб бүйича):

	Урхун-энасой битигларида	Маҳмуд Кошгарида	Хозирги үзбек тилида
1.	күскү	сыңған йылы	сичқон йили
2.	иңәк	уд йылы	сигир йили
3.	барс	барс йылы	барс йили
4.	табышкан	тавышкан йылы	қүён йили
5.	лұ	нәк йылы	тимсоҳ йили
6.	йылан	йылан йылы	илон йили
7.	йылқы, йунд	йунд йылы	от йили

	Урхун-энасой битигларида	Маҳмуд Кошгарида	Хозирги үзбек тилида
8.	қон	қой йылы	қўй йили
9.	бичин	бичин	маймун йили
10.	тақығ ~ тақығы ~ тақығу	тақагу йылы	төвук йили
11.	ыт	ыт йылы	ит йили
12.	лағзын	тонуз йылы	тұнғиз йили

Маълумки, ўтмишда ноёб асарлар қайта-қайта күчирилған. Эски туркий тил ёдгорликларидан баъзиларининг ҳатто кейинги асрларда күчирилған құләзмалари ҳам бор. Табиий, давр ўтиши билан сұзларнинг маълум гуруҳи истеъмолдан чиқиб, үрнида янгилари құлланилади. Оқибатда, эскирган сұз янги замон кишисига тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Шундай шароитда котиблар, баъзан асар тилини ўз даврига яқинлаشتаришга уринганлар. Шунингдек, асар құләзмаларида бир сұз турли фонетик варианtlарда учрайди ёки кейинги құләзмалarda улар синонимлари билан алмашған бўлиши мумкин. Шу тариқа ҳар бир құләзмада, озми-кўпми, күчирилған давр тили, маълум диалект хусусиятлари ҳам аралашиб қолади. Мисол учун "Қисаси Рабгузий"нинг XIV асрда күчирилған, ҳозирги пайтда Лондонда сақланаётган құләзмаси билан XVI асрда күчирилған Үзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган құләзмасини солиштирганда шундай лексик ўзгаришлар кузатилади:

Лондон нусхаси	Тошкент нусхаси	Хозирги үзбек тилида
кәсәк	тограм	бўлак, қисм
ағыз	богуз	огиз
сақчы	тұнқатар	соқчи
тиргук	сүтун	устун, тиргак
тобуз	тоқмақ	тұқмок
эрнәк	бармақ	бармоқ
қарагу	көр	кўр

1 Юнусов А. "Қисаси Рабгузий"нинг текстологик тадқиқоти // Адабий манбашунослик. Құләзмалар институти олимларининг 1987 йилда бажарған илмий ишларининг препринти. Тошкент, 1989, 49—51-б.

Лондон нусхаси	Тошкент нусхаси	Хозирги ғазбек тилини
қарабаш	эв қызи	оксоң, чўри
анут-	йыгдур-	тайёрла-
йығыл-	йан-	қайт-
кузэз-	сақла-	сақла-
оч-	сон-	ўчмоқ, сўнмоқ
урагут	за'ифа	аёл, хотин
уруг	насл	уруг, авлод, насл
қорган	қал'a	ўрда, қальба
бозун	гурӯҳ	тӯда, қабила
кун	дадак	хизматкор
йарық, йашық	жиба, долга	уруш кийими, совут

Шунинг учун маълум асар тилини тадқиқ этганда, иложи борича, унинг энг эски қўлёзмаларидан фойдаланиш, мавжуд нусхаларни қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

* * *

Юқоридагилардан кўринадики, адабий тил узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтди. Қадимги ва эски туркий адабий тил энерцияси XV асрда туркий тили янги бир босқичга кўтарди.

XIV асрнинг охирларидан адабий тил тарихининг янги даври — эски ўзбек адабий тили даври бошланади. Айниқса, XV асрда туркий тил ўз тарихи давомида энг ривожланган, классик босқичга эришди. Бу даврда адабий тил ривожига Лутфий, Атойи, Саккокий, Навоий, кейинчалик Бобур сингари улуғ кишилар катта ҳисса кўшди. Айниқса, Алишер Навоийнинг адабий тил тараққиётига қўшган улуши бениҳоя катта бўлди. Навоий тили туркий тилнинг чўққисидир.

Навоий тили ёки, умуман, ХУ аср тилининг муҳим хусусияти шундаки, у, биринчи галда, тилининг узоқ ўтмишда пухта ишланган, қадимги, эски туркий тил даврларида сайқаллашган, тобланган тил анъаналарини давом эттириди. Буюк адилларимиз ўз даври тил бойлигини кўра билдилар, ўтмишнинг илғор томонларини ўргандилар, уни халқ тили анъаналари билан тўлдириб, ўз ижодида қўлладилар.

ТАЛАБАЛАР ФОЙДАЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдураҳмонов F.. Рустамов А.
Қадимги туркий тил. Тошкент. "Ўқитувчи" нашриёти,
1982.

Абдураҳмонов F., Рустамов А.
Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент,
"Фан" нашриёти 1984.

Айдаров Г. Язық орхонского памятника Бильге-катана.
Алма-Ата, Изд-во "Наука", 1966.

Айдаров Г. Язық орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века, Алма-Ата, Изд-во "Наука", 1971.

Айдаров Г. Библиографический указатель литературы по енисейско-орхонским и таласским памятникам древнетюркской письменности. Алма-Ата, Изд-во "Наука", 1979.

Аманжолов А. С. К генезису тюркских рун. // Вопросы языкоznания. 1978 (2). С. 76—87.

Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар (университетларнинг филология факультетлари студентлари учун қўлланмана). II қисм. Тошкент, 1983.

[Алиев А.] "Ўзбек тили тарихи" курси программаси. II қисм. Ўзбек адабий тили тарихи (Университетларнинг филология факультетлари учун). Тошкент, 1986.

Аттуҳнатуз закияту филлуғатит туркия. (Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. Муталлибов). Тошкент, "Фан" нашриёти 1968.

Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М., 1965.

Басқаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.

Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959.

Боровков А. К. Лексика Среднеазиатского тифсира XII—XIII вв. М., Изд-во "Наука", 1963.

Благова Г. Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. М., Изд-во "Наука", 1982.

Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI—XIV вв. Ташкент, Изд-во "Фан", 1991.

Древнетюркский словарь. Л., Изд-во "Наука", 1969.

Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э. И. Фазылова и М. Т. Зияевой. Ташкент, Изд-во "Фан", 1978.

Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). Тошкент, "Фан" нашриёти, 1989.

Каримов К. Категория падежа в языке "Кутадгу билиг". Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. филол. наук. Ташкент, 1962.

Каримов Қ. Илк бадиий достон. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1976.

Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., Изд-во "Наука", 1951.

Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. I—III. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1960—1963.

[*Маҳмуд Кошғарий*] Девону лугатит турк. Индекс-лугат. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1967.

Маҳмудов Қ. Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳақида. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1972.

Маҳмудов Қ. XIII—XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1990.

Мелиоранский П. М. Араб филолог о турецком языке. СПб., 1900.

Наджип Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. Книга. I. М., Изд-во "Наука", 1979.

Наджип Э. Н. Исследования по истории тюркских языков XI—XIV вв. М., Изд-во "Наука", 1989.

Насилов В. М. Язык орохено-енисейских памятников. М., Изд-во "Наука" 1960.

Насилов В. М. Древне-уйгурский язык. М., Изд-во "Наука" 1963.

Насилов В. М. Язык тюркских памятников уйгурского письма XI—XV вв. М., Изд-во "Наука", 1974.

Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий I—II. Тошкент. "Ёзувчи" нашриёти, 1990—1991.

Раҳмонов Н. Турк ҳоқонлиги. Тошкент. А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти 1993.

Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1971.

Рясянен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., Изд-во "Наука", 1955.

Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. Тошкент, Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1990.

Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. М., Изд-во "Наука", 1984.

"Таржумон"—XIV аср ёзма обидаси. (нашрга тайёрловчи А. Юнусов) Тошкент. "Фан" нашриёти, 1980.

Турсунов У. Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи (Педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун қўлланмана). Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1982.

Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" асари. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1991.

Фазылов Э. Староузбекский язык. Харезмийские памятники XIV века. Том I—II. Тошкент, Изд-во "Фан" 1966, 1971.

Харезми. Мухаббат-наме. (Издание текста, транскрипция, перевод и исследование Э. Н. Наджипа). М., Изд-во "Наука", 1961.

Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёт. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1976.

Щербак А. М. Огуз-наме, М., Изд-во "Наука", 1959.

Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.—Изд-во "Наука", 1961.

Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка М.—
Л., Изд-во "Наука", 1962.

Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских язы-
ков. Л., Изд-во "Наука", 1970

Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии
тюркских языков (Глагол). Л., Изд-во "Наука", 1981.

Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Нашрға тайёрловчи
Қ. Каримов). Тошкент. "Фан" нашриёти, 1971.

Қаюмов А. Қадимият обидалари. Тошкент. 1972.

Құчқортөев И., Исабеков Б. Туркий филологияга
кириш. Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1984.

МУНДАРИЖА

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети, унинг мақсади ва вази-	3
фаси	
"Ўзбек адабий тили тарихи" курсининг мактабларда она тили	7
ва адабиёт фанларни ўқитишдаги аҳамияти	9
Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбалари	10
Ўзбек адабий тилининг маданийтимиз тарихида тутган ўрни	11
Адабий тил, умумхалқ тили ва шевалар	13
Ўзбек адабий тили, тарихини давралашириш ҳақида	18
Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бошқа системадаги тил-	35
лар иштироки	44
Ўзбек адабий тилининг номланиш тарихи	48
Туркий тиллар ва улар орасида ўзбек тилининг тутган ўрни	48
Қадимги туркий адабий тил	48
Түрк руний ёзуви ва унинг ёдгорликлари	52
Уйгур ёзуви ва унинг ёдгорликлари	55
Қадимги туркий адабий тил фонетикаси	59
Қадимги туркий адабий тилининг морфологик хусусиятлари	65
Эски туркий адабий тил	67
Эски туркий адабий тилининг ёзма ёдгорликлари	89
Маҳмуд Кошгарий туркий диалектлар ҳақида	95
Эски туркий адабий тилининг фонетик хусусиятлари	98
Эски туркий адабий тилининг морфологик хусусиятлари	107
Ёдгорликлар тилининг лексик хусусияти ҳақида	
Талабалар фойдаланиши лозим бўлган адабиётлар	113

Абдуғани Алиев, Қосимжон Содиқов

**ИЗ-ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО
ЛИТЕРАТУРНОГО ЯЗЫКА**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"— 1994,
700129,, Ташкент, Навои, 30

Бадий мұхаррир Соибназаров О.
Техник мұхаррир Сабирова С.
Мусаҳҳих С. Тоҳирова

Теришга берилди 06.08.93 Босишга рухсат этилди 04.04.94 Қоғоз би-
чими 84×108 /32 "Таймс" гарнитурада юқори босма усулида босил-
ди. Шартли б. т. 6,30. Нашр л. 6,37. Нұсқасы 7000. Буюртма № 1213

Баҳоси шартнома асосида
"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий күчаси, 30.
Нашр № 124—93.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб "УзгипроЗем"
Картфабрикасида босилди. 700096, Тошкент,
Муқимий күчаси, 182.

А 49

Алиев А., Содиқов Қ.

Ўзбек адабий тили тарихидан: Университет
талабалари учун дарслик.—Т.: Ўзбекистон,
1994.—118 б.

1. Автордош.

ISBN 5-640-01712-X

Ўқув қўлланма дорилғунунларнинг ўзбек филологияси
куллиёти талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда энг қадимги
даврдан то ХУ асрларга бўлган адабий тилимиз тарихининг
баъзи хусусиятлари ва унга алоқадор масалалар таҳлил қили-
нади. Турк руний ёдгорликлари, Маҳмуд Конғарийнинг "Де-
вону лугатиг турк", Юсуф Ҳос Ҳожибининг, "Қутадгу бияиг"
Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ", Хоразмийнинг
"Муҳаббатнома", Қутбнинг "Хусрав ва Ширин", шунингдек,
"Ўгузнома", "Наҳжул-Фародис" каби асарлар ҳақида маълумот
берилади, уларнинг характерли тил ва услуб хусусиятлари
курс материаллари савиясида баён қилинади.

81.2 Ўзя73

№ 369—94

Алишер Навоий номли
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

A 0503020904-51 94
M 351 (04) 94